С нашей точки зрения, некорректно говорить о том, что наименование "деликтные обязательства" можно считать наиболее точным по отношению к исследуемому обязательству. Полагаем, что употребление понятий "деликтные обязательства" и "обязательства вследствие причинения вреда" как тождественных не только не является оправданным, но и сужает содержание этих обязательств. Говорить о существовании деликтного обязательства можно лишь в том случае, если в основании возникновения обязанности по возмещению вреда лежит правонарушение. Ко всем остальным случаям возникновения обязанностей возмещения вреда мы считаем применение термина "деликтное обязательство" не вполне корректным.

Требуют рассмотрения и классификации рассматриваемого вида обязательств.

Так, обязательства вследствие причинения вреда образуют определенную систему – внутреннюю структуру, позволяющую определить сферу их действия в целом и соотношение отдельных видов деликтных обязательств между собой.

При конструировании системы деликтных обязательств в основу их классификации могут быть положены разные критерии. Например:

– по субъектам – ими могут выступать граждане, юридические лица и государство;

– по объекту, подвергшемуся нарушению, – обязательства, возникающие из причинения вреда личности, и обязательства, возникающие из причинения вреда имуществу. Различия между ними состоят, в основном, в характере нарушенных благ, в способах исчисления вреда и порядке его возмещения;

– по отдельным условиям ответственности – обязательства, возникающие при виновном причинении вреда, и обязательства, возникновение которых не зависит от вины привлекаемого к ответственности лица.

В заключение следует отметить, что в целом наличие в гражданском праве института обязательств, возникающих вследствие причинения вреда, выполняет как компенсационную, так и предупредительную функции. Первая позволяет устранить отрицательные последствия противоправного воздействия на материальные или нематериальные блага потерпевшего, а вторая стимулирует соблюдение законности, бережное отношение к охраняемым законом материальным и нематериальным благам².

Итак под обязательством вследствие причинения вреда надо понимать не только внедоговорное обязательство, в котором обязанность лица, причинившего вред, возместить его в полном объеме является санкцией за совершенное им правонарушение (деликтное обязательство), но и обязательство, в ко-

тором обязанность возмещения не относится к мерам гражданско-правовой ответственности.

Подводя итог всему сказанному, предлагаем обязательства вследствие причинения вреда определить как внедоговорные обязательства, возникающие вследствие нарушения носящих абсолютный характер имущественных и личных неимущественных прав потерпевшего, призванные обеспечить наиболее полное восстановление этих прав за счет причинителя вреда или иных лиц, на которых законом возложена обязанность возмещения вреда.

¹ Гражданское право: Учебник / Под ред. А.П.Сергеева и Ю.К.Толстого. Ч.2. – М., 2006. – С. 702.

² Завидов Б.Д., Кулагин Д.И. Общие и частные положения о возмещении вреда в гражданском и уголовном праве России // Адвокат. – 1998. – №5. – С.12.

Г.Султанова
ТДЮИ тадқиқотчиси

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ОБЪЕКТЛАРИ ТИЗИМИ: ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ ҚОНУНЧИЛИГИ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Давлатчилигимиз тарихи нуқтаи назаридан қараганда мамлакатимиз ҳуқуқ тизимида нисбатан кейинроқ вужудга келган, бироқ сўнги даврларда шиддат билан ривожланаётган ҳуқуқ институтларидан бири муаллифлик ҳуқуқи ҳисобланади. Албатта унинг ривожига бошқа тараққий этган мамлакатлар ва бу борадаги халқаро конвенциялар ва битимлар жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бироқ шунга қарамай Ўзбекистон Республикасининг бу борадаги қонунчилик негизи тараққий этган давлатлар нормаларини айнан такрорламайди. Бунга АҚШ ва Ўзбекистоннинг муаллифлик ҳуқуқлари бўйича қонунларини муаллифлик ҳуқуқи объектларини қиёслаб ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида муаллифлик ҳуқуқи объектларининг умумий тушунчаси, унинг алоҳида турлари батафсил белгилаб қўйилган. Муаллифлик ҳуқуқи объекти инсон ижодий фаолиятининг махсули бўлиши, бошқа шахслар томонидан қабул қилишига имкон берадиган объектив шаклда (ёзма, оғзаки, овозли, тасвир, ҳажмли – фазовий ва шу каби шаклларда) мавжуд бўлиши лозим (ФКнинг 1041-м., муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонуннинг 5-м.). Муаллифлик ҳуқуқи объектлари бўлган асарларга қуйидагилар қиради:

- адабий асарлар;
- мусиқа асарлари;
- хореография асарлари;
- аудиовизуал асарлар;
- рангтасвир, хайкалтарошлик асарлари;
- манзарали-амалий асарлар;
- меъморчилик, шаҳарсозлик ва боғ-парк барпо этиш санъати асарлари;
- фотография асарлари;
- жўрофия, геология хариталари;
- барча турдаги ЭҲМ учун дастурлар;
- ҳосила ва жамлама асарлар

Англо-америка ҳуқуқ тизимида муаллифлик ҳуқуқининг объекти тушунчасини англаб етишда ҳуқуқ доктринаси ва суд амалиёти муҳим ўрин эгаллайди.

АҚШ қонунчилигида муаллифлик ҳуқуқининг объекти (предмети- subject matter of copyright-таърифи мавжуд 1976 йил 19 октябрда қабул қилинган АҚШ қонунига¹ мувофиқ муаллифлик ҳуқуқи бўйича ҳозирги вақтда маълум бўлган ёхуд келгусида аён (маълум, ошкор) бўладиган идрок этиладиган ҳар қандай шаклларда ифодаланадиган оригинал муаллифлик асарлари (инглизчада асар эмас works – иш, ишланма) деган сўз ишлатилган ҳисобланади, агарда бевосита шунингдек қандайдир механизм ёки қурилма орқали улар ёрдамида асарлар қабул қилиниши, қайта такрорланиши ёки бошқа тарзда маълум қилиниши мумкин бўлса. (қонуннинг 101-параграфи). Ушбу

тарифдан ҳуқуқий муҳофаза берилишининг уч шарти келиб чиқади:

- асарнинг оригиналлиги;
- асарнинг муаллифлик (ижодий характери);
- идрок этиладиган ҳар қандай шаклда (ашёда) мустаҳкамлаб қўйилганлиги.

1976 йил қонундан илгари муаллифлик ҳуқуқининг объекти АҚШ Конституциясининг 1-модда 8-бўлим бошида белгилаб қўйилган “Фан ва фойдали санъатнинг ёзма асарлари сифатида киритиш қабул қилинган эди. Демак 1976 йилги қонун бу борада анча мукамал дефиницияни муомалага киритди.

АҚШда асарнинг оригиналлиги қуйидаги талабларга мувофиқлигини ифодалайди:

- асар илгари мавжуд бўлган асардан нусха кўчириш бўлма муаллиф томонидан мустақил яратилган бўлиши шарт;

- асар ижодийликни энг минимал даражасига жавоб бериши лозим (minimal amount of creation). Бунда асар ҳажми интеллектуал ва бадиий қиймати аҳамиятга эга эмас. Бироқ мутлақо функционал ечимлардан келиб чиқилган ифодалаш шакллари бўлган матндан узилган сўзла ёхуд узук-юлуқ сўз бирикмалари, масалан сарлавҳалар, шиорлар, атама-ибораларда ижодийлик асослари жуда заифлиги сабабли муаллифлик ҳуқуқий ҳимоя берилмайди (АҚШ муаллифлик ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунига шарҳлар);

- асар идрок этиш мумкин бўлган объектив шаклда ифодаланган бўлиши лозим. 1976 йилги қонуннинг 102-параграфида асарларнинг тахминий рўйхати келтирилади. 101-параграфида эса 8 та турдаги асарлардан 5 таси бўйича дефинициялар берилди. Қизиғи шундаки АҚШ қонунчилигига турдош ҳуқуқлар маълум эмас. Овоз ёзувлари (Ўзбекистон қонунчилиги бўйича фонограммалар) муаллифлик ҳуқуқи объекти ҳисобланади. Айни пайтда “иккинчи авлод” асарлари, яъни таркибий асарлар (compilations) ва ҳосила асарлар (derivative works) ҳам муаллифлик ҳуқуқи объекти ҳисобланади (103-параграф). Бироқ бунда дастлабки асар бўйича муаллифлик ҳуқуқларига риоя қилинган бўлиши талаб этилади (розилиги олинган бўлиши керак), акс ҳолда ҳосила асарнинг янги қисмларигина ҳимоя остига олинади.

Таркибий асарлар ва хизмат асарларининг объекти сифатидаги хусусиятлари уларга нисбатан ҳуқуқ субъектлари таркибига ҳам таъсир қилади. Таркибий асарлар ёхуд жамоа асарлари (collective works) ва хизмат асарлари (works made for hire) ёхуд ёллаш асосида яратилган асарларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқи юридик шахсга тегишли бўлиши мумкин (201-параграф б банди).

1976 йил 19 октябрда қабул қилинган қонунга 1980 йилда ўзгартиришлар киритилди ва унинг 117-параграфи муаллифлик ҳуқуқи объектлари сифатида ЭҲМ дастурларини мустаҳкамлади, бир вақтнинг ўзида уларга нисбатан мутлоқ ҳуқуқларга айрим чекловларни (ЭҲМ учун дастурлар адаптацияси ва уларнинг резерв нусхаларини тайёрлаш билан боғлиқ) жорий этди². Кейинчалик 17-бўлим (титул) ярим ўтказгичлар

¹ Қаранг: Title 17 of the United State Code Public law 94-533, 94 Cong.

² Қаранг: Act of December 12, 1980. Pub. L. 90-517. Stat. 3015,3028.

микросхемалари ҳуқуқий муҳофазасига бағишланган 9 боб билан тўлдирилди¹.

Ушбу қиёсий таҳлил асосида Ўзбекистон Республикасида ва АҚШда муаллифлик ҳуқуқи объектлари концепцияси жихатидан ўхшаш эканлигини қайд этиш мумкин. Улар ўртасидаги фарқ қитъа ҳуқуқ тизими ва англо-саксон ҳуқуқ тизими ўртасидаги фарқлар доирасида деб айтиш мумкин. Муайян жихатлари бўйича (масалан муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни ажратилмаганлиги) мамлакатимиз қонунчилиги мукамалроқ деб айтиш мумкин.

Фикримизча АҚШ қонунчилигини баъзи ижобий жихатларини Ўзбекистон қонунчилигига имплицитация қилиш мақсадга мувофиқ. Биринчидан, муаллифлик ҳуқуқлари объектлари жумласига интеграл микросхемалар топологияларини ҳам киритиш лозим. Иккинчидан, муаллифлик ҳуқуқи объектлари асарлар ва ишланмалар бўлиши тўғрисида муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонуннинг 5-моддасига қўшимча киритиш лозим. Аслини олганда ЭҲМ дастурлари ва топологиялар асар эмас, балки ишланма ҳисобланади ва бу ўзбек адабий тили имкониятларидан фойдаланган юридик атамаларни бойитишга, қонундаги ибора мазмунини аниқлигини оширишга хизмат қилади.

Л.Ж.Отегенова
Соискатель ТГЮИ

БРАЧНЫЕ (ДОТАЛЬНЫЕ) СОГЛАШЕНИЯ В РИМСКОМ ПРАВЕ

Как известно, супруги в период нахождения в браке сохраняют в полном объеме гражданскую правоспособность и дееспособность и поэтому могут иметь любые гражданские права и обязанности, в том числе и по отношению друг к другу. Однако в рамках брачного правоотношения ряд имевшихся у супругов прав и обязанностей наполняются новым содержанием, появляются новые права и обязанности. Супруги, как и любые другие субъекты гражданского права, могут становиться участниками различных сделок, в том числе и обязательств. Нахождение в браке никак не влияет на их сделкоспособность. Однако в связи с нахождением в браке между супругами возникают обязательства особого рода. Указанные обязательства подразделяются на договорные (обязательства из брачного договора и из соглашения о порядке уплаты алиментов) и внедоговорные (например, обязательства по возмещению вреда, причиненного одним из супругов).

Договорный режим имущества супругов определяет имущественные отношения супругов, которыми являются алиментные обязательства супругов, а также отношения между супругами по поводу их общего и раздельного имущества. Договорный режим имущества супругов формируется в результате заключения брачного договора².

Брачный договор – это соглашение лиц, вступающих в брак, или соглашение супругов, определяющее имущественные права и обязанности супругов в браке и (или) в случае его расторжения. Права и обязанности, определяемые супругами в брачном договоре, действуют в период брака, а также после его расторжения, если это оговорено в самом договоре. Перечень правил, которые супруги могут установить в брачном договоре, признан открытым. Однако все согласованные положения брачного договора должны касаться имущественных прав и обязанностей супругов и не должны противоречить основным принципам семейного законодательства³.

Брачный договор существует на протяжении многих веков, как в зарубежном законодательстве, так и в отечественном праве.

Еще в древнем Риме заключались соглашения между будущими супругами об имуществе. России XVI-XIX вв. также были известны предбрачные соглашения, и они были достаточно распространены. Несмотря на то, что советское законодательство прямо не предусматривало возможность заключения брачного договора, в нем имелись отдельные правовые нормы, которые косвенно допускали заключение брачных контрактов.

Поимущественные отношения супругов в римском праве определялись не браком, а переходом женщины во власть мужа, эффект которого подобен усыновлению. Согласно подходам римского права, брак сам по себе никак не сказывается на имущественных правах сторон: женщина по-прежнему остается под

¹ Қаранг: Semiconductor chip protection act of November 8, 1984. Pub. L. 98-620, 98 stat. 3347, 3356.

² Чевранова Е.А. Имущественные отношения в российской семье: Практик. пособие. – М., 2006. – С. 168.

³ Антокольская М.В. Семейное право. – М.: 1996. – С.198.

опекой и не терпит никаких дополнительных ограничений, самовластный мужчина также сохраняет все свои права¹. Только то имущество, которое существует исключительно для данной парной семьи, получает особый режим, и его принадлежность зависит от сохранения брака.

Уже в эпоху классических юристов единственным видом настоящего брака является брак *sinemanu*. Муж и жена в этом браке были независимы, как в личных, так и в имущественных отношениях.

В основе имущественных отношений лежит принцип раздельности: имущество жены и имущество мужа составляют две независимые друг от друга массы. Даже простое управление имуществом жены принадлежало мужу только тогда, когда жена сама передаст ему имущество для этой цели (на основании договора поручения). Кроме этого договора, супруги могли вступать между собой в иные сделки: купли-продажи, найма, ссуды. Однако дарения между супругами были запрещены, «... чтобы не только формально, но и материально гарантировать имущественную не зависимость супругов друг от друга, чтобы очистить брачное согласие от всяких материальных соображений»².

Резкие черты, присущие системе раздельности имущества супругов, могли быть сглажены тем, что муж получал со стороны жены приданое (*dos*), предназначенное для конкретных расходов брачной жизни (содержание жены, воспитание детей).

Но для того, чтобы что-либо приобрело черты *dos*, оно должно было стать предметом особой, направленной на эту цель, юридической сделки. Таким образом, не все имущество жены и не его часть становились приданым, *dos* - это имущество, предоставление которого делается мужу женою или за жену каким-либо третьим лицом с той целью, чтобы оно помогало мужу нести тяготы брачной жизни (*ad onera matrimonii ferenda*). Само существование приданого отражает известную самоценность парной семьи, основанной на свободном браке. Его происхождение со стороны супруги показывает, что муж в некотором отношении включается в этот круг, обособляясь от своих родственников, и в то же время выступает самостоятельным центром для новой социальной единицы. Естественная необходимость союза мужчины и женщины нацелена на производство потомства, определяет строго индивидуалистическое основание моногамной семьи и специфику режима приданого как вторичной конструкции групповой принадлежности, - когда индивидуальный интерес предшествует коллективному³.

Приданое могло быть установлено:

- посредством обещания приданого (*promissio dotis*), что является *stipulatio* (стипуляция — формальная сделка), в соответствии с которым лицо, создавшее приданое, обязано впоследствии передать мужу определенное имущество;

- посредством *dictio dotis* (назначение приданого), вербального акта того же содержания, который может совершить жена или ее (домовлады-ка) либо их должник;

- *datio dotis* (акт передачи приданого в собственность мужа), который отличается тем, что заключается не в обещании, а в непосредственной и реальной передаче мужу отдельных предметов, составляющих приданое.

Приданое следует за женщиной и упрочивает положение супруги в новой для нее группе, оказывая на мужа и его родственников психологическое воздействие. В случае развода по инициативе супруга на его стороне возникает чувство долга по отношению к семейству отвергнутой женщины в объеме приданого. Считалось справедливым вернуть это имущество вместе с женщиной, с которой оно ассоциировалось. Формула объявления о разводе, согласно закону XII таблиц, звучала: "*Res tuas tibi habeto*" - "Забери с собой свои вещи".

Приданое должно быть установлено каким-нибудь специальным актом - "*dos aut datur aut dicitur aut promittitur*". Что касается имущества жены, не представляющего собой *dos*, то оно называлось *parapherha* и управлялось мужем по договору поручения. Первоначальным назначением *dos* было вспомоществование мужу в несении общесемейных расходов, но затем к этой функции прибавлялась другая: *dos* гарантирует, до известной степени, мужа от неосновательного развода со стороны жены. *Dos* становится штрафом за развод в случае развода по вине жены.

В пользу такого предположения можно привести следующий пример: в римском праве признавались такие договоры, по которым *dos* не могло быть высказано в продолжение брака, а взыскивалось лишь до прекращения брака.

Следует отметить, что по римскому праву муж не имеет законного правопритязания на дотацию, но его жена, обладающая для этого необходимыми средствами, обязана доставить ему *dos*. Однако юридической обязанности по предоставлению *dos* на жене не лежит, скорее это дело супругов - разрешить этот вопрос между собой.

Напротив, жена имеет перед заключением брака и после законное правопритязание на дотацию, то есть на представление *dos* ее мужу (таким образом, право иска к лицам, которые должны предоставить *dos*, принадлежит жене, а не мужу, но *dos* предоставляется мужу, а не жене). Первоначально приданое переходило в полную собственность мужа, и навсегда: оно не подлежало возврату ни в случае смерти жены, ни в случае беспричинного развода со стороны мужа. Вопрос о судьбе *dos* не ставился, так как разводы были редки.

Но к концу республики возросло число разводов, и создавалась как бы законная возможность спекуляции *dos*: вступив в брак только с целью получения *dos*, муж мог потом расторгнуть свой брак, сохранив *dos* за собой. Поэтому для устранения этого положения, жена и лица, установившие *dos*, стали требовать от мужа обещания в форме *Stipulatio* - это словесная формула, по которой одно лицо задает вопрос, а другое отвечает, что оно даст или сделает то, о чем его спросили: «Ручаешься ли? - ручаюсь»⁴ в том, что в случае развода или смерти мужа, *dos* будет возвращен жене или установителю. В обеспечение доказательства, что такой договор состоялся, составлялся письменный акт. Он назывался *Cautio rei uxoriae*.

В случае невозвращения *dos* жена или установитель *dos* могли предъявить иск.

¹ Дождев Д.В. Римское частное право: Учебник для вузов / Под ред. В.С. Нерсесянца. М., 1996. С.295.

² Покровский А. История Римского права. Пг., 1918. С. 356.

³ Дождев Д.В. Указ. соч. С.295.

⁴ Римское частное право: Учебник / Под ред. И.Б. Новицкого, И.С. Перетерского. - М., 1994. С. 167.

Иногда прибегали к другому приему: dos при самом установлении оценивался в известной сумме денег и рассматривался как проданное мужу за эту сумму (dos venditionis causa aestimata), которую муж и обязан был в соответствующих случаях вернуть.

Обычай таких возвратов приданого постепенно укрепился, и жене был представлен иск даже в тех случаях, когда эти условия не были установлены. Муж давал жене развод без всяких поводов с ее стороны.

В ходе разработки условий предоставления и сущности этого иска юристы создали дотальное право, отдельные положения которого до сих пор определяют правовую судьбу приданого в некоторых зарубежных странах (Франция, Бельгия, Италия).

Этим правом определялась судьба приданого в случаях смерти жены, смерти мужа, разводов.

В дальнейшем приданое стало принадлежать жене, хотя и находилось в имуществе мужа. В сущности, муж только пользовался dos во время брака и оставлял его в качестве штрафа за ненадлежащее отношение жены к вытекавшим из брака обязанностям¹.

Необходимо отметить, что в области дотальных отношений свобода договоров в Римском праве подвергалась существенным ограничениям:

А. Дотальный договор признавался недействительным, если он нарушал основные принципы дотального права. Сюда относится соглашение, по которому муж должен возратить по прекращении брака весь доход, который был извлечен им из dos за время продолжения брака. Иначе к чему бы свелся в таких условиях взнос на покрытие издержек брачной жизни?

Недействительно также отречение мужа от зачисления его затрат на dos, ибо такие затраты уменьшают dos в силу закона.

Б. Не признавались дотальные договоры, чрезмерно ухудшающие юридическое положение жены.

В частности, недействительно абсолютное отречение жены от возврата dos даже на случай смерти мужа. Но dos может быть возвращено мужу на случай развода, поскольку у него останутся дети от брака, а также на случай прекращения брака смертью жены, даже если брак был бездетным. Доставляющие dos третьи лица при надении приданым или после этого до времени заключения брака могли вступать с мужем в соглашения о возвращении dos в их пользу, а также брать с него обещание о возвращении его любому третьему лицу.

В дальнейшем соглашение между доставителем и мужем касательно dos стало нуждаться также в согласии жены, так как вместе с заключением брака она приобретала право на dos.

Соглашения, по которым муж будет совершать сделки с dos в ущерб жене, недействительны, даже если доставившими dos третьими лицами эти соглашения были заключены при самом надении приданым.

Необходимо иметь в виду, что надение приданым не составляет дарения по адресу мужа, так как оно обязывает его к несению расходов по брачной жизни.

В императорский период сложился обычай, по которому муж, получая приданое, со своей стороны делал соответствующий вклад в семейное имущество в форме дарения в пользу жены. Сначала это дарение совер-

шалось до брака (так как дарения между супругами запрещались) и поэтому называлось предбрачным даром (donatio ante nuptias). Требовать такой donatio ни невеста, ни ее родители не могли. Стоимость его приблизительно была равна dos.

Позже Юстиниан позволил совершать это дарение и во время брака, почему его стали называть donatio propter nuptias (дарение в виду брака).

Однако это название не вполне соответствует действительности в том отношении, что настоящего дарения здесь нет: муж сохраняет собственность на подаренные объекты; он ими пользуется, как и раньше, и если брак протечет без всяких потрясений, donatio не проявит себя ничем.

Все назначение donatio propter nuptias заключалось именно только в гарантии жены на случай развода: тогда она могла потребовать не только свой dos, но и donatio propter nuptias. Кроме того, в случае смерти оно выступало в качестве вдовой части.

Генрих Дербург утверждал, что "на Востоке письменный брачный контракт с внесением в него записи dos и о donatio считали даже условием действительности брака". Император Магориан придал этому правилу значение Римского Императорского права. Но вскоре его постановление было отменено. Вообще, что касается приданого, то римский законодатель довольно подробно регламентирует его статус. Стороны могли заключать относительно судьбы приданого договоры (pacta dotalia - дотальный договор), как во время брака, так и после его прекращения, и изъять приданое из-под действия общих норм права. Тем не менее, стороны были не вполне свободны при установлении содержания этих договоров.² Оно подлежало большим ограничениям, сущность которых определялась двумя принципами:

Стремление создать гарантии тому, чтобы приданое действительно служило назначению - ad opera matrimonii ftrenda;

Стремлением обеспечить возврат приданого по расторжении брака, для того, чтобы жена не стала mulierindotata (бесприданница) и могла бы вновь выйти замуж.

Сущность же существовавших ограничений сводилась к следующему: чтобы приданое в течение брака действительно служило своей цели, устанавливалось, что ничтожна оговорка, по которой плоды должны причисляться к капиталу dotis, такая оговорка действовала лишь в следующих случаях: а) если жена примет свое содержание на свой счет или б) если мужу предоставлено право тратить на нужды брака проценты с собранной им суммы плодов.

Законодатель стремился обеспечить возврат ценности приданого в целости самой жене по расторжении брака, отсюда следовали ограничения: а) ничтожна оговорка, что муж не должен отвечать за diligentia in concreto по отношению к дотальным объектам, а будет отвечать только за dolus (злой умысел) б) безусловно ничтожна оговорка, что dos должна остаться за мужем во всяком случае, то есть перейти к его наследникам даже в случае расторжения брака его смертью; это значило бы превратить приданое в donatio sub modo (дарение с целью совершения определенных действий в свою пользу, в пользу третьего лица и т.д.).

Кроме того, есть различные ограничения для разных установлений приданого:

¹ Римское частное право. С. 167. Денбург Р. Пандекты. Семейное и наследственное право. Т.3. СПб., 1911.С.59.

² Новицкий И.Б. Римское право. М.1994.С.67

- кто установил приданое, не будучи к тому обязан по закону, тот не мог после установления приданого делать никаких не выгодных для жены оговорок без ее согласия;

- кто обязан к установлению приданого по закону, тот связан уже при самом совершении акта установления приданого, он мог выговорить возврат *dotis* себе или оставить мужу при расторжении брака смертью жены, но он не мог без согласия жены выговорить ничего невыгодного для жены на тот случай, если *dos* должна быть возвращена ей (например, более позднего срока реституции).

Сама жена при установлении приданого может только отказаться от законного залога на имущество мужа в обеспечение требования о возврате приданого и выговорить оставшуюся *dos* за мужем на случай расторжения брака ее смертью или разводом при наличии детей от брака.

Наконец, согласно общим принципам права, закон не допускает оговорку, юридически невозможных или безнравственных.

Следует признавать роль римского права значимой поскольку его рецепция характерна для всей континентальной Европы, стран СНГ и Республики Узбекистан в частности. Особо велико влияние частного права, его отдельных институтов, в том числе и дотальных договоров - своеобразных «предков» современных брачных контрактов. Применение брачного договора в регулировании имущественных отношений супругов в Узбекистане находится все еще на стадии становления, поэтому нельзя обойти вниманием опыт стран, в которых брачный договор уже давно применяется как источник правового регулирования семейных отношений. Это имеет большое значение и постольку, поскольку зачастую супруги применяют модели распределения имущественных прав и обязанностей, апробированные за рубежом.

Б.Х.Артыков
Андижон вилоят Адлия бошқармаси
бошлигининг ўринбосари.

ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ СУҒУРТА БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ТАДБИРКОРЛИК ХАВФИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ

Айтиш керакки, тадбиркорлик фаолиятининг глобаллашув жараёнида кўпқутбилиги ёки чегара билмаслиги улар фаолиятида қўшимча ноаниқлик элементларини келтириб чиқариб, кўплаб хавфли ходисалар доирасини кенгайтирмоқда. Бу эса, тадбиркорлик субъектларининг замонавий суғурта турларидан бири – тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш шартномасига (*insurance of entrepreneurial risk*) бўлган эҳтиёжни юзага келтирди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш хизматларининг ривожланиши мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан тараққий этиши ва барқарорлигини таъминлашда катта аҳамият касб этади. Бунда, тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги хавфларни мониторинг қилиш, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш ва таҳлил қилиш тадбиркорлик хавфини суғурта қилишни ривожлантиришнинг зарурий белгиси ҳисобланади.

Фикримизча, бу каби таҳлилларда тадбиркорлик хавфини суғурта қилишнинг жамиятдаги аҳамияти нафақат моддий, балки маънавий функцияларни ҳам бажаришни унутмаслигимиз лозим. Шунга кўра, уларни бажариш функцияларига қараб иккига бўлиш мумкин.

Биринчиси, маънавий функциялар бўлиб, тадбиркорларда келажакка бўлган ишонч хиссини шакллантиради.

Иккинчиси, моддий функциялар ҳисобланиб, ўзида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини хавфсиз турга айлантириш орқали фаолиятининг барқарорлигини таъминлайди.

Айнан мазкур тизимни самарали йўлга қўйган мамлакатлар иқтисодиётида тадбиркорлик субъектларининг улуши сезиларли даражада ошириб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

Хусусан, Америка қўшма штатлари ва Европа давлатларида 98-99 фоиз тадбиркорлик “кичик” ва “ўрта” бизнес субъектларининг хиссасига тўғри келади.¹ Японияда эса, ушбу кўрсаткич 99,7 фоизни ташкил этади. Мазкур секторда иш билан банд бўлган аҳолининг 66,2 фоизи фаолият кўрсатади.²

Бизнингча, ҳозирги кунда халқаро суғурта бозори шунчалик тез ривожланмоқдаки, уни алоҳида макон сифатида таҳлил қилиш мумкин. Таҳлилларимизга кўра, ривожланган мамлакатларда суғурта компаниялари асосан 3 (учта) турдаги суғурталашни, яъни бенефитлар (ҳаёт ва соғлиқни суғурта қилиш, тиббий суғурта, пенсия суғуртаси, омонатни суғурта қилиш ва бошқаларни суғурталаш), тижорат (суғуртанинг бошқа турлари) ва шахсий мол-мулкни суғурта қилиш (иморатларни, автомобилларни

¹ Қаранг: www.profi-forex.orgnewsentry1008062705.html.
Электрон ресурс.

² Қаранг: www.opora-credit.runewshotdetail.phpID=9901.
Электрон ресурс.

ва фуқароларнинг бошқа мол-мулкни суғурта қилиши)ни амалга оширадilar¹.

Мисол қилиб келтирадиган бўлсак, АҚШда мулкни ва тижоратни суғурталаш бўйича 9 мингдан ортиқ, ҳаётни суғурталаш бўйича 2 мингга яқин суғурта компаниялари фаолият кўрсатади. Мазкур давлат қонунчилигида ҳаётни, мулкни ва тижоратни суғурталаш бўйича операцияларни амалга ошириш учун суғурта компанияларининг ихтисослашуви назарда тутилган.

АҚШда барча суғурта компанияларининг активларини ҳисоблаганда уларнинг ҳажми тахминан 2 трлн. долларни ташкил қилади. Бунда, энг катта 12 та суғурта компанияларининг ҳиссаси эса 45 млрд. долларга тўғри келади. Ўртача ҳисобда суғурта компанияларининг активлари ҳар бир компанияга 200 млн. доллардан тўғри келади. Шуниси аҳамиятлики, АҚШда монополияга қарши қонунчилик суғурта соҳасига амал қилмайди².

Халқаро экспертларнинг таҳлилларига мувофиқ, АҚШ, Европа, Япония ва бошқа ривожланган давлатларида суғурталаш тахминан мавжуд ҳавфларнинг 90–95 фоизини қамраб олган. Ушбу кўрсаткич Россияда ва бошқа МДХ давлатларида 5–7 фоизни ташкил қилади³. Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич бўйича расмий манба мавжуд эмас⁴.

Шундай бўлсада, таҳлилларимиз сўнгги йилларда мамлакатимиз миллий суғурта бозори тенденцияларида ҳам сезиларли ривожланиш ҳолатлари кузатилаётганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, 2009 йилнинг якуни бўйича мамлакатимизда 33 та суғурта компанияси мавжуд бўлиб (760 та ҳудудий бошқармалари, уларда 3800 та ходим, 6800 та суғурта агентлари фаолият кўрсатади), шундан, 30 таси умумий суғурталаш (non-life insurance), 2 таси ҳаётни суғурталаш (life insurance) ва 1 таси қайта суғурталаш соҳасида фаолият кўрсатувчи суғурта компаниялардир. Шунингдек, 3 та суғурта брокерлари, 4 та суғурта ассистанс, 1250 та юридик шахс мақомидаги суғурта агентлари, 5659 та жисмоний шахс суғурта агентлари, 4 та аджастер ва сюрвейер ташкилотлари, 1 актуарий ташкилоти фаолият кўрсатмоқда.

2009 йил давомида суғурта компаниялари томонидан жами 146,13 млрд. сўм суғурта мукофотлари йиғиб олинган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2008 йилга нисбатан 66 фоизга кўп. Мазкур ўсиш ҳолати охириги 10 йил ичида рекорд кўрсаткични ташкил этмоқда. 2002 йилга нисбатан эса суғурта мукофоти қарийб 7 бараварга ошди. Хусусан, 2002 йилда 21.7, 2003 йилда 27.1, 2004 йилда 32.9, 2005 йилда 42.6, 2006 йилда 49.7, 2007 йилда 73.6, 2008 йилда 88.0 ва 2009 йилда 146.1 млрд. сўмни ташкил

қилди. Бунда, давлат улушига эга бўлган суғурта компанияларининг йиғиб олинган суғурта мукофотларидаги улуши 2009 йилда 39,9 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2002 йилда 84,3 фоизни ташкил этган⁵.

Биз томондан кўриб чиқилган статистик кўрсаткишлар шуни кўрсатадики, мажбурий суғурта турлари бўйича суғурта мукофотларининг 2008 йилга нисбатан 5,2 бараварига ошиб кетишига сабаб – “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2008 йилда амалга киритилиши билан изоҳланади.

Шунингдек, ихтиёрий суғурта тури бўйича йиғилган суғурта мукофотларини 2008 йилга нисбатан таққослаганимизда 33,7 фоиз(107,78 млрд. сўмга ёки барча йиғилган суғурта мукофотларининг 73,8 фоиз)га ошганлиги маълум бўлди.

Шуни ҳам келтириб ўтиш зарурки, суғурта ташкилотлари томонидан мамлакат иқтисодиётига амалга оширилган инвестиция ҳажмлари 2004 йилда 141,2 млрд. сўм, 2005 йилда 163,6 млрд. сўм, 2006 йилда 184,8 млрд. сўм, 2007 йилда 211,5 млрд сўмни ташкил қилган бўлса, 2008 йилда 240,6 млрд. сўм ва 2009 йилда 270,4 млрд. сўмни ташкил этди.

2009 йилда суғурта тўловлари(суғурта товони) 2008 йилга нисбатан 33,8 фоизга ошган ва 20,7 млрд. сўмни ташкил қилган, яъни ўтган йилга нисбатан 5,2 млрд. сўмга кўп демакдир. Мазкур кўрсаткични 2003 йилга нисбатан таққослаганимизда 7,7 бараварга ошганлигини кўрсатди.

2009 йил якунлари бўйича суғурта мукофоти, суғурта тўлови ва суғурталаш бўйича амалдаги шартномаларнинг структурасини суғурталаш класслари таҳлилида кўрадиган бўлсак, улар қуйидагича: ихтиёрий суғурталашда 2009 йилда суғурта мукофоти 107,78 млрд. сўм (2008 йилда 80,64), суғурта тўлови 2009 йилда 15,24 млрд. сўм (2008 йилда 13,94), шартномалар сони 2009 йилда 4245456 та (2008 йилда 4288499 та)ни ташкил қилади⁶.

Айтиш муҳимки, изчил юқори ўсиш суръатлари, юртимизда барпо этилган банк-молия тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши, иқтисодиётда амалга оширилаётган янгилиниш ва ўзгаришлар, умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш йўлидаги дадил қадамларимиз дунё жамоатчилиги, шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан эътироф этилмоқда⁷.

⁵ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 1-ўринбосари Р.Гулямов томонидан 2010 йил 25 июнда тасдиқланган Суғурта назорати Давлат инспекциясининг Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини назорат қилиш ва бошқариш бўйича 2009 йилги ҳисоботи. www.mf.uz. Электрон ресурс.

⁶ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Молия Суғурта назорати давлат инспекциясининг 2010 йилнинг якунлари бўйича статистик ҳисобот шакллари 2011 йилнинг июнь ойиларида тайёр бўлишини ва кенг оммага ошкор этилишидан келиб чиқиб, янги маълумотларни киритишнинг имкони бўлмади. Электрон ресурс.

⁷ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузаси. Тошкент – “Ўзбекистон” – 2010. – 4 ва 5-бетлар.

¹ Қаранг: В.В.Шахов. Страхование. – М.: Юнити. 2001. – 269б.

² Қаранг: К.Жуйриков, И.Назарчук ва Р.Жуйриковлар. Страхование: теория, практика, зарубежный опыт. – Алматы, 2000. – 310б.

³ Қаранг: В.Н.Хованов, А.А.Иголкин, О.Н.Арутюнян. Страхование информационных рисков в кредитно-финансовой сфере деятельности. Федеральное государственное унитарное предприятие. Всероссийский научно-исследовательский институт проблем вычислительной техники и информатизации. –2004. www.vniipvti.ru. Электрон ресурс.

⁴ Бу ҳақда тегишли маълумотлар ўрганилганда, расмий манбаининг мавжуд эмаслиги ва у бўйича тегишли ҳисобот юритилмаганлиги аниқланди.

Фикримизча, ушбу ижобий натижалар энг аввало, мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ кулай тадбиркорлик муҳити яратиш мақсадида суғурта муносабатларини тартибга солишда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган миллий қонунчиликни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар баъзасини яратилганлиги ва суғурта муносабати иштирокчиларининг қонуний фаолияти кафолатланганлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (суғурта муносабатларини тартибга солувчи 52-боб киритилди), “Суғурта тўғрисида”ги, “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 26 июлдаги “Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни суғурта йўли билан ҳимоя қилувчи агентликни ташкил қилиш тўғрисида”ги ПФ-1207-сон, 1997 йил 18 февралдаги “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-1710-сон, 1997 йил 25 февралдаги “Ўзагросуғурта” Давлат акциядорлик суғурта компаниясини ташкил қилиш тўғрисида”ги ПФ-1713-сон, 2002 йил 31 январдаги “Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3022-сон Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 ноябрдаги “Ўзбекинвест Интернетшл”, “Ўз-аиг” қўшма суғурта компанияларини ва “Аиг-Ўзбекинвест” агентлигини ташкил этиш тўғрисида”ги 565-сон, 1997 йил 28 февралдаги “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида 113-сон, 1997 йил 6 март, “Ўзагросуғурта” Давлат-акциядорлик суғурта компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 125-сон, 1997 йил 14 мартдаги “Кафолат” Давлат-акциядорлик суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги 144-сон, 1997 йил 29 апрель, “Ўзагросуғурта” давлат-акциядорлик суғурта компаниясини хўжалик судига мурожаат қилганда давлат божи тўлашдан озод қилиш тўғрисида”ги 218-сон, 1998 йил 8 июль, “Суғурта фаолиятини Давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 286-сон ва 1999 йил 20 декабрдаги “Объектларни давлат маблағлари ва ҳуқумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги 532-сон, 2002 йил 27 ноябрь “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 413-сон қарорлари шулар жумласидандир.

Айниқса, бу борада юртбошимизнинг ташаббуси билан мамлакатимизда суғурта хизматларининг рақобат бозорини янада шакллантириш, суғурта фаолиятининг замонавий турларини ривожлантириш ва сифатини ошириш, суғурталовчиларнинг капиталлашув даражасини кўпайтириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг минтақавий тармоқларини кенгайтириш, шунингдек суғурталашни тартибга солиш усулларини такомиллаштириш мақсадида 2007 йил 10 апрелда “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-618-сон қарорининг қабул қилиниши амалга оширилаётган ишларнинг мантикий давоми бўлди.

Ушбу қарорнинг аҳамияти шу билан белгиланадики, қарор асосида 2007 – 2010 йилларда “Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг комплекс дастури” ишлаб чиқилиб, унда суғурталаш, суғурта фаолияти ва суғурта назоратининг қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базасини халқаро амалиётга мувофиқ янада такомиллаштириш, кўрсатилаётган суғурта хизматлари, айниқса тадбиркорлик фаолиятини, импорт-экспорт операцияларини суғурталаш, ҳаётни узок муддатга суғурталаш, шу жумладан суғуртанинг жамғарма турлари соҳасида суғурта хизматлари ҳажмини, кўламни кенгайтириш ва сифатини ошириш, республика суғурта бозорини халқаро суғурта бозорларига интеграциялаш ва суғурталаш соҳаси ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш вазифалари белгиланди.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, Дастур ижроси асосида бир қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари ишлаб чиқилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 29 январда 2190-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Қайта суғурта қилиш хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисида”ги низом, 2010 йил 27 декабрда 1806-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисида”ги низом, 2009 йил 28 январда 1891-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Бизнес соҳаси учун суғурта хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисида”ги низом ва бошқалар.

Шунингдек, 2011 йил 15 апрелда “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун қабул қилинди. Унга мувофиқ, мазкур қонуннинг 9, 12, 13, 14, 15, 25, 26, 29 ва 36-моддаларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, давлат раҳбари томонидан тасдиқланган дастур асосида суғурта хизматлари ҳажмини, кўламни кенгайтириш ва сифатини оширишда суғурталаш, суғурта фаолияти ва суғурта назоратининг қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базасини халқаро амалиётга мувофиқ янада такомиллаштириш масаласи ҳозирги кунда долзарб бўлиб, ўзида комплекс вазифаларни амалга оширишни тақозо қилмоқда.

Бизнинг фикримизча, айнан мазкур омиллар миллий суғурта компаниялари фаолиятига сезиларли салбий таъсир қилиб қилмоқда. Бу эса ўз навбатида суғурта компанияларини суғурта хизматининг замонавий шаклларини тақлиф қилишда тажрибасизлиги сабаб бўлмоқда. Ушбу ҳолатни улар томонидан тақлиф қилинаётган суғурта хизматларини таҳлил қилиш орқали ҳам кўриш мумкин. Хусусан, мамлакатимизда энг йирик “Ўзбекинвест” суғурта компанияси томонидан бугунги кунда 70 га яқин суғурта турлари бўйича хизматлар кўрсатилади¹. Ваҳоланки, халқаро суғурта бозорида етакчи суғурта компаниялари томонидан кўрсатиладиган суғурта

¹ Қаранг: www.Bir.uz.Ўзбекинвест_национальная_компания_экспортно-импортного_страхования.html. Электрон ресурс.

хизматларининг рўйхати 3 мингдан ортади¹. Бу борада европада фаолият кўрстаётган суғурта компаниялари ўзларининг мижозларига тахминан ўрта ҳисобда 400-500 гача турдаги суғурта хизматларини таклиф қилишмоқда².

Фикримизча, дастурда белгиланган мазкур масалада, комплекс вазифаларни амалга оширишда, энг аввало халқаро миқёсдаги суғурта компанияларининг сигналган тажрибаларига таянган ҳолда тадбиркорлик хавфининг замонавий хизмати турларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва миллий амалиётга тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, узоқ йиллар давомида тўпланган бой тажриба уларнинг мукамаллиги ва самарали натижалар бераётганлиги билан белгиланади.

Шу мақсадда, тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги хавфларни ўрганиш ва таҳлил қилиб бориш бўйича алоҳида махсус халқаро ташкилотлар ҳам ташкил этилган.

Бунга мисол қилиб, “Хавфни таҳлил қилиш халқаро ташкилоти”ни келтириш мумкин. Ташкилотга 1981 йилда АҚШда асос солинган бўлиб, унинг мақсади – илмий ва амалий суғурта фаолиятидаги амалиётларни оптималлаштириш учун хавфларни таҳлил қилиш методологиясининг қўлланиш соҳасини ташкиллаштириш ҳисобланади.

Шунингдек, “Техник хавфларни суғурта қилиш бўйича халқаро уюшма”сини келтириш мумкин. Халқаро уюшмага 1968 йилда Мюнхен шаҳрида асос солинган. Уюшманинг мақсади – техник хавфлар соҳасида суғурталашни амалга оширувчи қатор етакчи компаниялар ўртасида маълумотлар ва тажрибалар алмашиш ҳисобланади.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги хавфларни ўрганиш бўйича “Суғуртани назорат қилиш бўйича халқаро ассоциация” (ингл. International Association of Insurance Supervisors, IAIS), “Суғурта тадқиқотлари Халқаро ассоциацияси”, “Халқаро суғурта жамияти” ва бошқаларни келтириб ўтиш мумкин³.

Ушбу суғуртага доир муносабатларни давлатлар ўртасида бир хилда жорий этиш ва амалиётга тадбиқ этишда халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар алоҳида аҳамият касб этади. Шундай ҳужжатлардан бири бўлган “Чет эл инвестицияларини суғурта қилиш учун халқаро агентликлар тузиш тўғрисида”ги 1985 йилги Сеул конвенциясини келтириш мумкин⁴.

Конвенциянинг 1-моддасига мувофиқ инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўптомонлама агентлик ташкил этилган. Агентлик юридик шахс мақомига эга бўлиб шартнома тузиш, кўчар ва кўчмас

мулкларни сотиб олиш ва сотиш ҳамда суд ишларини қўзғатиш ваколатига эга.

Конвенциянинг 2-моддасига мувофиқ агентлик вазифасига аъзо мамлакатлар ўртасида, айниқса ривожланаётган мамлакатларига ишлаб чиқариш мақсадларига йўналтирилган инвестиция оқимларини халқаро тараққиёт ва ривожланиш банки, халқаро молия корпорацияси ва бошқа молиявий муассасалари фаолиятини тўлдирган ҳолда рағбатлантириш ҳисобланади.

Бунга эришиш учун Агентлик аъзо давлатларга бошқа аъзо бўлган давлатлар томонидан амалга оширилаётган инвестицияларга нотижорат хавфлардан сақлаш мақсадида биргаликда ва қайта суғурталаш бўйича кафолатларни тақдим этади, ривожланаётган аъзо давлатларга ва улар ўртасида инвестиция оқимларини амалга оширишда кўмаклашиш бўйича қўшимча фаолиятни амалга оширади ва ушбу мақсадларга эришишда зарур бўлган ваколатлардан ҳам фойдаланиши имконини беради.

Шу мақсадда, тараққий этган суғурта компаниялари ривожланаётган мамлакатларининг тадбиркорлик муҳитини таҳлил қилган ҳолда суғурта бозорига кириш орқали замонавий хизматларини таклиф қилмоқдалар.

Бунга мисол тариқасида, жаҳонда кўчмас мулкларни ва фавкулотда ҳодисаларни суғурта қилиш бўйича иккинчи ва ҳаётни суғурта қилиш бўйича АҚШда биринчи ўринда турадиган American international group суғурта компаниясини келтириш мумкин. AIG суғурта компаниясига 1919 йилда асос солинган бўлиб, суғурта ва бошқа молиявий хизматлар кўрсатишда қарийб 92 йилдан ошиқ тажрибага эга⁵. Компания иқтисодиётдаги ўзгаришларни чуқур ва батафсил таҳлил қилган ҳолда тадбиркорлик субъектларига янгидан янги суғурта хизматларини таклиф қилиш билан жaxon суғурта бозорида катта обрўга эга бўлган⁶. Шуниси аҳамиятлики, суғурта компанияси нафақат суғурта ва қайта суғурта хизматларини, балки молиявий хизматлар кўрсатиш, пенсияни жамғариш ва активларни бошқариш хизматларини ҳам кўрсатади.

Шунингдек, компания истеъмолни молиялаштириш соҳасида (компания American General Finance) ҳам фаолият кўрсатади. Компания фаолияти давомида AIGга авиация лизингига ихтисослашган дунёда энг катта компаниялардан бири бўлган ILFC компанияси, қор чанғиси ва Нью-Йорк штатида голф клуби ҳам тегишли бўлган. Компанияда 92 000 ходим ва 50 млн. мижозлари бўлган. 130 дан ортиқ мамлакатларда суғурта хизматларини кўрсатади⁷. АҚШ ҳукумати компаниянинг бой тажрибасини инobatга олиб, молиявий инқироз оқибатларини бартарф этиш учун 85 млрд АҚШ доллари миқдоридида кредит (хаммаси бўлиб — тахминан 182,5 млрд АҚШ доллари миқдоридида маблағ) ажратди⁸.

Бундан шуни кўриш мумкинки, хорижий суғурта компаниялари капиталлашув даражасини кўпайтириш ва молиявий барқарорлигини таъминлашда нафақат суғурта хизматларини, балки бошқа молиявий хизматларини кўрсатишга ҳам катта эътибор қаратади.

¹ Қаранг: www.vniipvti.ru. Хованов В.Н., начальник отдела ВНИИПВТИ Иголкин А.А., к.э.н., профессор РГГУ Арутюнян О.Н., исполнительный директор компании Первый страховой сервис “Страхование информационных рисков в кредитно-финансовой сфере деятельности”. Федеральное государственное унитарное предприятие. Всероссийский Научно-исследовательский институт проблем вычислительной техники и информатизации. 2004й.

² Қаранг: Ф.Лояк. “Единый страховой рынок: состояние и перспективы” / “IN RE” 1997. – №4, 106.

³ Қаранг: www.wikipedia.org/wiki/Международные_страховые_организации.mht. Электрон ресурс.

⁴ Қаранг: “Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўптомонлама агентлики тузиш тўғрисида”ги 1985 йил 11 октябрдаги Сеул конвенцияси. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги. Право – қонунчилик базаси. Электрон ресурс.

⁵ Қаранг: www.AIG.com. Internet. Электрон ресурс.

⁶ Қаранг: Страховое право. Под ред. Шахова В.В. – М., 2003. 82б.

⁷ Қаранг: www.wikipedia.org/wiki/AIG

⁸ Қаранг: www.wikipedia.org/wiki/AIG. Электрон ресурс.

Ушбу тажриба суғурта компанияларининг тижорат ташкилоти сифатида фойда топиш мақсадида катта таввакалчиликларга йўл қўйишга ва замонавий суғурта хизматларини таклиф қилишга имкон беради.

Бу борада айрим МДХ давлатлари ҳам муайян тажрибага эга ҳисобланади. Масалан, “Суғурта тўғрисида”ги Беларусия Республикаси Қонунининг 30-моддасига мувофиқ суғурталовчи ва қайта суғурталовчи ташкилотлар қўшимча даромадлар олиш, суғурталанувчиларга имтиёзлар бериш, суғуртанинг барқарорлигини мустаҳкамлаш, мажбуриятларни бажаришни кафолатлаш мақсадида инвестицион фаолиятни амалга оширишда Беларусия Республикаси Миллий банкидан олинган лицензияга асосан кредит операцияларини амалга оширади, акциядорлик жамиятлари, ассоциация, қўшма корхоналар, шу жумладан хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ташкил қилишга, шунингдек, суғурта билан боғлиқ бошқа фаолият билан шуғулланишга ҳақли ҳисобланади².

Ушбу масалада миллий қонунчилигимизни таҳлил қилганимизда, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига асосан суғурталовчилар суғуртани амалга оширишга бевосита боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмаслиги белгиланган.

Шунингдек, мазкур қонуннинг 6¹-моддасига мувофиқ суғурталовчилар махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда инвестиция фаолиятини амалга ошириш, қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга³.

Таҳлил этилганлардан келиб чиқиб, шуни айтиш лозимки, мамлакатимизда суғурта фаолиятини янада такомиллаштириш, суғурталовчиларнинг капиталлашуви ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг ҳудудий тармоқларини кенгайтириш ва суғурта компанияларининг инвестицион жараёнлардаги иштирокини рағбатлантириш, шунингдек, суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида суғурта компанияларининг иқтисодийётдаги молиявий хизматлар кўрсатиш фаолиятидаги иштирокини янада кенгайтириш лозим.

Бизнингча, дастур асосида суғурта хизматлари ҳажмини, қўламини кенгайтириш ва сифатини оширишнинг яна бир муҳим жиҳати, суғурта воқеаси юз беришининг математик жиҳатдан эҳтимоллиги ҳисоб-китобини амалга оширувчи актуарийлар хизматини ривожлантириш билан белгиланади. Бироқ, бу борадаги ишлар мамлакатимизда етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги 2009 йилнинг 1 май ҳолатига мамлакатимизда атиги 1 та актуарий ташкилоти

фаолият кўрсатгани билан изоҳланади. Фикримизча, мазкур ҳолат суғурта компанияларининг аниқ таҳлиллар асосида ўрганилмаган хавфларни суғурталаш орқали даромадларни олмастик хавфларини ошироқда. Оқибатда, тадбиркорлик хавфларини кенг кўламда суғурталаш имкониятларининг фойдаланмасдан қолишига сабаб бўлмоқда.

Бу борада, Н.Н.Абдуллаева “суғурта соҳасида профессионал мутахассислар, соводли актуарийларнинг тақчиллиги ҳам жиддий муаммо бўлиб қолаётир. Ўқув юртлари ва бизнес мактабларининг мутахассислари мазкур муаммони ҳал қилиш устида жиддий тер тўкишлари лозим. Суғурта ходими меҳнатининг “девальвацияси”га барҳам бериш, унинг обрўсини ошириш зарур” деб таъкидлайди.

Ушбу масалада, ривожланган давлатларнинг иқтисодийётида актуарий хизматларининг аҳамиятини кўриб чиққанимизда, АҚШ ва Канадада 20 мингга яқин сертификацияланган актуарийлар (битта мутахассисга 18 минг аҳоли тўғри келади) фаолият кўрсатади. Wall Street Journal томонидан ўтказилган тадқиқотларга асосан 2002 ва 2009 йилларда актуарий касби АҚШда энг яхши иккилик мутахассисликлардан бири деб топилган.

Худди шундай, U.S. and World Report томонидан 2006 йилда ўтказилган тадқиқотларга мувофиқ актуарий энг яхши 25 талик мутахассисликлар рўйхатида киритилган⁴.

Бундан ташқари, халқаро миқёсда “Халқаро актуарийлар ташкилоти” ҳам фаолият кўрсатади. Ташкилотга 1895 йилда, яъни бундан 116 йил олдин Белгияда ўтказилган Халқаро актуарийларнинг биринчи конгрессида асос солинган. Штаб квартираси Брюсселда жойлашган.

Асосий мақсадларига бир қатор давлатларнинг миллий актурлар ассоциацияси фаолиятини координация қилиш ва халқаро ҳамкорликни амалга ошириш фаолиятини, тайёрланиш босқичида халқаро актуарийлар конгрессини ўтказиш киради. Ташкилот актуар масалалари бўйича илмий адабий конгресс материалларини ишлаб чиқади ва ягона амалиётни тадбиқ этиш юзасидан тавсиялар беради.

Фикримизча, ушбу камчиликларнинг олдини олишда дастурда белгиланган навбатдаги вазифа – суғурталаш соҳаси ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш талаб этилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан тасдиқланган дастурда белгиланган яна бир муҳим вазифа – кўрсатилаётган суғурта хизматлари, айниқса тадбиркорлик фаолиятини, импорт-экспорт операцияларини суғурталаш ... ҳажмини, қўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш белгиланди. Ушбу ҳолатда шунга эътибор қаратишимиз муҳимки, тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш муносабатларининг ривожланиши иқтисодийётнинг бошқа тармоқларининг ривожланганлигига ҳам боғлиқ.

Хусусан, тижорат банклари экспорт фаолиятини амалга ошириш учун кредит ажратиш ва бошқа хизматларини кўрсатса, мазкур кредитларни қайтарилмаслик хавфини олдини олиш бўйича суғурта компаниялари таввакалчиликларни ўз мажбуриятига олади. Бу эса, ўз навбатида тадбиркорга экспорт

¹ Қаранг: “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ва суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони (суғурта пули) тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс суғурталовчи деб эътироф этилади.

² Қаранг: Закон Республики Беларусь “О страховании” от 3 июня 1993 г. № 2343-ХІІ. Статья 30. (Ведомости Верховного Совета Республики Беларусь,) 1993 г., № 22, ст.276)

³ Қаранг: “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 6¹-моддалари. Ўзбекистон Миллий қонунчилик базаси. Lex.uz. Электрон ресурс.

⁴ Қаранг: Деловая газета. Бизнес вестник. Страхование. 17.03.2009 й. – №19 (1128). 96.

фаолиятини ривожлантириб, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлайди ва мамлакат тараққиётига катта хизмат қилади. Ушбу соҳада миллий суғурта компанияларининг фаолияти эндигина шаклланмоқда.

Ушбу йўналишда, хорижий давлатларнинг, жумладан Япониянинг тажрибасини ўрганганимизда, кичик ва ўрта бизнес субъектлари томонидан амалга оширилаётган экспортни ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида “Кичик ва ўрта бизнес субъектларига экспорт кредитини суғурта қилиш” (Export credit insurance for SMEs) хизмати кенг тарқалганлиги маълум бўлди. Мазкур суғурта хизмати 2005 йилда янада такомиллаштирилиб, фақатгина мамлакатнинг кичик ва ўрта бизнес субъектларига нисбатан тадбиқ этилиши белгиланган.

Шунингдек, суғурта компаниялари томонидан кредит хавфларини суғурта қилиш билан боғлиқ қуйидаги хизматлар таклиф қилинади: Export Credit Insurance, Buyer’s Credit Insurance, Trade Insurance for Standing Orders from Specific Buyer, Overseas Untied Loan Insurance, Overseas Investment Insurance, Export Bill Insurance, Export Bond Insurance ва Prepayment Import Insurance.

Умуман олганда, Япониянинг Савдони суғурталаш тизими савдода молиявий жиҳатдан зарар кўрмаслик тамойилига асосланади ва Инвестиция қонуни (the Investment Law) ва Савдони қайта суғурталаш махсус қонуни (the Trade Reinsurance Special Account Law) билан тартибга солинади. Суғурта операциялари давлат (Иқтисодиёт, Савдо ва саноат вазирлиги (Ministry of Economy, Trade and Industry)) томонидан бошқарилган. 2001 йил апрель ойидан бошлаб мустақил маъмурий институт бўлган Nippon Export and Investment Insurance (NEXI) ташкилоти томонидан бошқарилиб келинмоқда.

Япониянинг кичик бизнесни молиялаштириш бўйича тажрибасини батафсилроқ тўхталадиган бўлсак, унинг махсус давлат ва нодавлат ташкилотлар орқали амалга оширилиши маълум бўлди. Масалан, Кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиялаштириш корпорацияси устувор аҳамиятга эга бўлган соҳаларда фаолият кўрсатаётган корхоналарга асосий ва айланма маблағларини ошириш учун узоқ муддатли имтиёзга эга бўлган кредитларни тақдим этади. Корпорация томонидан тақдим этилган ушбу кредитлар гаров таъминотисиз тақдим этилади. Кичик ва ўрта бизнесни молиялаштириш ва кредитларни суғурталаш Давлат корпорацияси ҳузуридаги Ассоциация эса, тадбиркорлик субъектларига ушбу қарзларни қоплаш кафолатини беради.¹

Бу борада дунёдаги кўпгина давлатларнинг тажрибасини таҳлил қилганимизда уларнинг аксариятида савдони суғурталаш давлат ёки давлат томонидан юклатилган мауассаса, ташкилот ёки ҳаётни суғурталаш билан шуғулланмайдиган ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаб туриладиган хусусий суғурта компания томонидан бошқариб келинади.

Бунга мисол тариқасида, Буюк Британиядаги Савдо ва Саноат департаментининг Экспорт

кредитларини кафолатловчи департаменти (ECGD (Export Credits Guarantee Department of the Department of Trade and Industry)), Америка Қўшма Штатларидаги Экспорт импорт банки (EXIM Bank (Export-Import Bank)), Германиядаги HERMES ва Франциядаги COFACE ташкилотларини келтириш мумкин².

Фикримизча, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда, жумладан АҚШ, Европа, Япония давлатларида суғурталаш таҳминан жамиятдаги мавжуд хавфларнинг 90–95 фоизини қамраб олганлиги, энг аввало, тадбиркорларда келажакка бўлган ишонч хиссини шакллантирганлиги, бошқа томондан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини хавфсиз фаолият турига айлантириш орқали уларнинг тадбиркорлик фаолиятининг барқарорлигини таъминлагани мамлакат иқтисодиётининг тараққий этишига таъсир этувчи муҳим омиллардан бири эканлигини кўрсатади.

¹ Қаранг: Международная практика: Япония будет расширять сотрудничество с нашим малым бизнесом, чтобы максимально разнообразить нынешний список российского экспорта. 27.01.2010. www.opora-credit.runewshotdetail.phpID=9901. Электрон ресурс.

² Қаранг: www.nexi.go.jp/e/ps/index_frame.html Business Operations of Trade Insurance. Электрон ресурс.

Е.Югай
Соискатель ТГЮИ

ПРИНЦИП ОБЯЗАТЕЛЬНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ТОВАРНОГО ЗНАКА

Закон Республики Узбекистан «О товарных знаках, знаках обслуживания и наименованиях мест происхождения товаров» от 30 августа 2001 г.¹ регулирует отношения в области правовой охраны и использования товарных знаков, знаков обслуживания.

При этом под использованием в соответствии с ч. 1 ст. 27 Закона понимается так называемое "фактическое, реальное" (термины отсутствуют в Законе) применение его владельцем знака на товарах, для которых он зарегистрирован и (или) их упаковке.

В силу положений, содержащихся в ч. 3 ст. 26 Закона, указанные формы фактического использования могут проявляться через изготовление, применение, ввоз, предложение к продаже (в частности, через рекламу), продажу, иное введение в хозяйственный оборот товара, обозначенного соответствующим знаком или хранение с этой целью товарного знака или товара, обозначенного этим знаком. Иными словами, такое использование может проявиться, в частности,

- при маркировке товарным знаком произведенного на территории Республики Узбекистан и предлагаемого к продаже товара;
- маркировке товарным знаком произведенного за рубежом и предлагаемого к продаже в Узбекистане товара;
- при проставлении товарного знака на потребительской упаковке, транспортной таре;
- при проставлении товарного знака на технической и товаросопроводительной документации;
- в рекламе товаров, маркированных товарным знаком, в том числе при его экспонировании на выставках, ярмарках, а также рекламе только товарного знака без товара, в отношении которого он зарегистрирован;
- при использовании товарного знака третьим лицом (лицензиатом) на основе договора с владельцем знака (лицензиаром).

Цель реализации принципа обязательного фактического использования товарного знака - стремление обеспечить интенсивное функционирование знаков в хозяйственном обороте и сократить случаи их регистрации в спекулятивных целях лицами, не производящими товары и не оказывающими услуги, которые не используют знаки, но могут препятствовать появлению на рынке товаров, маркированных такими знаками или обозначениями, сходными до степени смешения с зарегистрированными. Помимо этого, установление принципа фактического использования сократит внесение в Государственный реестр товарных знаков Патентного ведомства Республики Узбекистан "мертвых" знаков, которые увеличивают время на проведение экспертизы по заявкам.

Частью 2 ст. 27 Закона установлено, так называемое "номинальное" использование знака, которое предполагает лишь извещение общественности о его существовании в рекламе, печатных изданиях, на официальных бланках, вывесках, при демонстрации экспонатов на выставках и ярмарках, проводимых в Республике Узбекистан. Такие действия могут быть признаны использованием лишь в случае, когда у вла-

дельца имеются уважительные причины неприменения знака непосредственно на товарах и (или) их упаковке.

Необходимо отметить, что законодательство таких стран, как Германия, Австрия, Франция, Италия и др. не ставят подобных условий и под использованием понимают как фактическое, так и номинальное использование товарного знака.

Номинальное использование товарного знака, прописанное в ч. 2 ст. 27 Закона, рассматривается как исключение из общего правила, когда его неприменение на товаре и (или) упаковке вызвано уважительными причинами. К примеру, возникли новые импортные ограничения для какой-то продукции, сорваны поставки сырья, изменились условия реализации продукции и т.д.

Закон, подобно законодательству подавляющего большинства государств, определяет принцип обязательного использования зарегистрированного знака условием сохранения на него права. Владелец должен применять знак, не допуская перерывов, превышающих сроки, установленные законодательством. Нарушение этой обязанности может привести к утрате прав на товарный знак.

В частности ч. 3 ст. 25 Закона определяет, что *«действие свидетельства на товарный знак может быть прекращено досрочно полностью или частично на основании решения суда, принятого по заявлению заинтересованного лица, при неиспользовании товарного знака непрерывно в течение любых пяти лет с даты регистрации, а также при нарушении соглашения об использовании коллективного знака. При решении вопроса о досрочном прекращении действия свидетельства на товарный знак в связи с его неиспользованием могут учитываться представленные владельцем товарного знака доказательства неиспользования товарного знака по независящим от него обстоятельствам»*.

Кто же является тем самым заинтересованным лицом, которое может оспорить свидетельство на товарный знак по этому основанию?

Практика разрешения вопросов, так или иначе связанных с использованием возможностей, предоставляемых статьей 25 Закона, в борьбе за собственные интересы, показывает, что число заявлений о досрочном прекращении правовой охраны на этом основании неуклонно растет.

Такой высокий показатель досрочного прекращения действия регистрации товарного знака обусловлен обострением конкурентной борьбы на рынке товаров и услуг. При данной ситуации в первую очередь оспариваются ранее зарегистрированные на всякий случай товарные знаки, которые не используются в настоящий момент.

Практика работы с владельцами товарных знаков позволяет выявить следующие категории заинтересованных лиц, использующих права, предоставляемые им статьей 25 Закона.

1. Заявители, подавшие на регистрацию обозначение и получившие уведомление со ссылками на пункт 13 статьи 10 Закона о выявленных сходных или тождественных обозначениях. Традиционным приемом борьбы за получение регистрации является подача заявления о досрочном прекращении препятствующего охранного документа.

2. Владельцы товарных знаков, которые активно используют зарегистрированные в качестве товарных

¹ Далее – Закон.

знаков обозначения, но не имеют доказательств их использования в силу неправильно оформляемых хозяйственных документов. Третьи лица используют эти обстоятельства в собственных интересах. Например, организация активно использует товарный знак в названии ресторана, а также в качестве названий вин и напитков, которые подаются в этом ресторане. Однако вино изготавливается не самим рестораном, а по его заказу выпускается заводом, который и указан на этикетках продукции в качестве изготовителя. Должных доказательств изготовления товара по заказу владельца нет. Следовательно, существуют основания для признания товарного знака не используемым для изготовления напитков.

3. Владельцы товарных знаков, которые не используют весь перечень товаров и услуг, указанных в свидетельстве, но не хотят лишаться регистрации в связи с тем, что обозначение широко известно, но в отношении одного конкретного товара, и регистрация обозначения для другого товара, даже неоднородного, на имя другого лица может привести к потере репутации собственного товарного знака.

4. Владельцы товарных знаков, случайно попавшие под «обстрел» в результате «военных действий» двух конкурирующих сторон. Например, фирма 1 подала заявление об аннулировании товарного знака, принадлежащего фирме 2, на основании пункт 13 статьи 10 Закона (сходство двух обозначений до степени смешения). Сходство было обоснованно по отношению к товарному знаку, принадлежащему фирме 3. Фирма 2 и фирма 3 работали на одном рынке, пользовались теоретически сходными до степени смешения обозначениями, но, находясь в различных областях Узбекистана, не сталкивались и даже не знали о существовании друг друга. Фирма 2 разработала план, по которому фирма 3 была вынуждена предоставить ей письмо-согласие на регистрацию сходного обозначения в обмен... на отзыв заявления об аннулировании товарного знака. Идея осуществляется путем подачи заявления о досрочном прекращении действия свидетельства на товарный знак на основании неиспользования.

По нашей статистике, значительная часть заявлений (три последние категории) подается третьими лицами, преследующими цель получить незаслуженную выгоду. К этим лицам относятся, как правило, бывшие партнеры или реорганизованные предприятия, а также юридические и физические лица с так называемым «плохим лицом» («bad face»). Очевидно, что в последнем случае речь идет о злоупотреблении правом. Судебная практика показывает, что существует реальная возможность защитить интересы клиента от нападения третьих лиц. Например, при попытке третьего лица принудить владельца товарного знака заключить с ним договор под угрозой аннулирования свидетельства на товарный знак.

По нашему мнению, возможность подачи заявления «по пятилетнему неиспользованию», предоставляемая статьей 25 Закона заинтересованному лицу, открыла новое направление, позволяющее «зарабатывать», а скорее вымогать большие деньги, шантажируя истинных владельцев товарных знаков возможностью аннулировать свидетельство.

Оценивая сложившуюся ситуацию, представляется целесообразным рассмотреть вопрос о создании эффективной системы препятствий для таких лиц. В качестве превентивных мер можно предложить одним из условий

подачи заявлений о досрочном прекращении действия охранного документа - предоставление доказательств заинтересованности хозяйствующего субъекта в приобретении или аннулировании регистрации. Условия подачи подобных заявлений могли бы вполне соответствовать содержанию статьи 24 ХПК РУз. В частности, право на подачу заявлений, касающихся пятилетнего неиспользования, должно не только соответствовать положениям ст. 25 Закона. Должно выполняться и второе условие статьи 24 ХПК РУз, а именно: лицо, обратившееся с заявлением о досрочном прекращении регистрации, должно доказать, что регистрация этого товарного знака нарушает его права и охраняемые законом интересы.

Представляется эффективным и другой метод ограничения интересов недобросовестных лиц, связанный с подачей заявлений по неиспользованию. В случае если регистрация признается недействительной, то в течение определенного срока на регистрацию тождественного обозначения должен быть наложен запрет. Этот путь содержит, безусловно, и уязвимые положения, связанные с приоритетом добросовестных заявителей. Однако представляется, что разработка этого положения достаточно перспективна.

В обоснование использования товарного знака его владелец в соответствии с ч. 3 ст. 30 Закона вправе предоставить доказательства использования этого товарного знака не им самим, а третьим лицом, которому это право предоставлено на основании лицензионного договора. Применение знака лицензиатом на основе лицензионного договора рассматривается как использование знака лицензиаром законодательствами многих стран, например Великобритании, Японии, Франции.

В этой связи возникает несколько вопросов.

Если до заключения лицензионного договора владелец товарного знака самостоятельно не использовал обозначение в качестве средства индивидуализации товара или услуги, то как это согласуется с требованиями ст. 30 Закона: «...лицензионный договор должен содержать условие о том, что качество товаров лицензиата будет не ниже качества товаров лицензиара и что лицензиар будет контролировать выполнение этого условия»?

Второй вопрос связан с понятием товарного знака. Выдавая лицензию, следует иметь в виду, что выдается разрешение на обозначение, не способное служить средством индивидуализации товара, а на реально существующее обозначение, уже служащее для индивидуализации товара (ст. 3 Закона прямо указывает, что «товарный знак и знак обслуживания – обозначение, служащее для отличия товаров и услуг одних юридических и физических лиц от однородных товаров других юридических и физических лиц»).

Третий вопрос, возникающий в этой связи: с какого времени следует считать вступившим в силу лицензионный договор? В ст. 30 Закона указывается, что договор подлежит регистрации в Государственном патентном ведомстве и без нее считается недействительным. Так как лицензионный договор подлежит регистрации, следовательно считается заключенным с момента регистрации (ст. 366 ГК РУз).

Однако ст. 357 ГК РУз позволяет сторонам самостоятельно установить, что условия заключенного ими договора применяются к их отношениям, возникшим до его заключения. Представляется, что это положение вполне применимо и для лицензионных договоров.

У.Ш.Холикулов
Юридик фанлар номзоди

ЖИНОЯТГА ОИД СИЁСАТНИНГ ЗАМОНАВИЙ НАЗАРИЯСИНИ ЎРГАНИШ ЗАРУРАТИ

Жиноят учун жазо тайинлаш тизимини либераллаштириш, унинг демократик қиёфага эга бўлишига эришиш, нафақат халқаро ҳуқуқ стандартларига, балки халқимизнинг руҳияти ва маънавий қадриятларига, саховатли табиати ва миллий менталитетига тамомила мос бўлиб, жиноят-ҳуқуқий сиёсатнинг бош мақсадидир.

Жиноят – ҳуқуқий сиёсатни либераллаштириш масалалари ўз навбатида жиноий жазолар тизимини такомиллаштириш каби жиноят ҳуқуқи институтига танқидий жиҳатдан ёндашишга асос бўлиб, тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо қилади, чунки, бизнинг бош мақсадимиз–жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир².

Жиноятга оид сиёсат, унинг кейинги ривожланиш босқичларини, истиқболларнинг шаклланиш тарзда очиб берилиш заруратини тахмин қилувчи ҳолатдан келиб чиққан ҳолда биринчи навбатда жиноятга оид сиёсат ва унинг асосий йўналишларини аниқлаб олиш зарур. Ушбу мавзуни кўриб чиқиш жараёнида методологик характерга эга муҳим ва аҳамиятли фикр билдириш мақсадга мувофиқдир. Келажакда ривожланишнинг фақатгина ижобий ҳолатларни олиб, орқада барча салбийликни қолдирган ҳолда, ҳар қандай чегара ва чекланишларни енгувчи фақат юқорига ва олдинга олиб борувчи тараққиёт деб тассавур этиб бўлмайди.

Ижтимоий – тарихий жараён икки томонлама табиатга эга эканлигини ҳам инобатга олиш керак. Бу, бир тарафдан тадрижий ривожланиш, эскиликни инкор этиш бўлса, иккинчи тарафдан – у ўтмишдан ҳозирги замон ва келажакка барча баривож, ўчмас умуминсонийликни асрайди ва ўтказилади. Ижтимоий – тарихий жараён турғун бўла олмайди ва у сокин ҳам бўлмайди, балки яшайди ва ҳаракатланади, шунингдек, шаклланиш жараёнида ўз моҳиятини очиб беради. Ҳар қандай ижтимоий-сиёсий соҳа ўзининг шаклини бир қанча жиҳатларда ўзгартириши мумкин. Шу билан бирга истисно тариқасида бошқа тартиблардан ўз изчиллигини сақлаб қолади. Бошқача қилиб айтганда икки бош жараённинг ўзаро таъсири: янгиликнинг ривож ва яратувчанлиги бир тарафдан, ва ўтмиш билан бўлган алоқани йўқотмай туриб иккинчи тарафдан, ижтимоий-тарихий жараёнлар ҳақида сўз юритиш мумкин¹.

Жиноятга оид сиёсатнинг замонавий назарияси, амалдаги жиноий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлили ҳозирги ҳамда ўтган вақт даврига тегишли жиноятга оид сиёсатнинг куйидаги муҳим жиҳатларни алоҳида таъкидлаб ўтишни тақозо этади:

1.Жиноий тажовузкорлардан инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинлиги хавфсизлигини максимал даражада таъминлаш

Бу устунлик Ўзбекистон Республикаси Конституциясида эълон қилинган, кадр- қимматнинг умумбашарий иерархияси: шахс – оила – жамият - давлат амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексида ўз аксини топди. Шу билан бирга олдинги кадр-қимматлар иерархияси: давлат – шахс – жамият ўзгарди. Жиноий ҳуқуқ назарияси ва асрлар давомида ташкил топган ўз ҳуқуқини англаш андозасига кўра, бундай ўзгаришлар давлатнинг ўз – ўзини энг мукамал ҳимоя қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилганлигини кўрсатади.

Афсуски жамиятимизда инсон ҳуқуқларининг асл моҳияти ҳали ҳам ҳамма томондан тўла тукис анланмаган. Энг кўпол тарзда қонуни бузиш ҳолатларига ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида йул қўйилган. Бу каби ҳолатларга қарши доимий курашишга қарамасдан, қонунбузарлик ҳолатларнинг статистик кўриниши кейинги вақтларда ўсиш тенденциясига эга эканлигини кўрсатади ва бу ҳолат жиддий хавотир туғдиради.

Тергов ва суриштирув бўйича берилган шикоятлар ҳамда уларнинг ечимлари судга қадар иш юритув босқичларга қонунийликнинг ночор ҳолатидан далолат беради.

Айниқса, тергов жараёнида ноқонуний усуллар қўлланилишига оид шикоятлар сонининг ўсиши, айниқса қаноатлантирилмаган шикоятлар сонининг ўсиши жиддий хавотир уйғотади.

Қонунчиликка риоя этиш, жиноий суд жараёнлари босқичларида шахс ҳуқуқларини таъминлаб бериш борасидаги ҳолатлар ҳам мукамал эмас.

Маълумот тариқасида айтиб ўтишимиз мумкинки, 2000 йилда бекор қилинган ёки ўзгартирилган ҳукмлар умумий сонидан 48,3 фоизи назорат тартибда ўзгартирилган ва бекор қилинган бўлса, 2006 йилда мазкур рақам 17,9 фоизни ташкил этган. Ҳар йили хатоларининг 82 фоизи апелляция ёки кассация тартибда тузатилади².

Шундай қилиб, жамият оддий аъзосини: одам ва фуқаронинг қотиллик, ўғрилик, талон-тарожлик, босқинчилик, зўрлаш, соғлиққа зарар етказиш ва бошқалар каби жиноятлардан ҳимоя қилиш, жиноятга оид сиёсатнинг энг муҳим ва асосий йўналиши ҳисобланади.

Уюшган жиноятчиликка қарши курашишга қаратилган махсус қонун қабул қилинмаса, бу каби жиноятларнинг хавфли тус олишига қарши ҳеч нарса қилиб бўлмайди деган таъкидга қўшилиш ноўрин деб ҳисоблаймиз. Янги жиноий қонунчилик, уюшган жиноят ва жиноий уюшмаларнинг нафақат оддий вакиллари, балки уларнинг ташкилотчиларини ҳам жиноий жавобгарликка тортилишини кўзлайди. Қонунчиликда қисман, уларни безорилик, вояга етмаганларни жиноятга жалб этиш ёки жамият манфаатларига қарши ҳаракатлар содир этишга, фохишабозлик билан шуғулланишга мўлжалланган фохишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш каби жиноятларга нисбатан ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар учун жиноий жавобгарлик ва жамиятдан ажратган ҳолда жазони ижро этиш ҳолатлари мавжуд.

Бундай амалиёт психологик ва профилактик режаларда ўзининг омадли (қисқа вақтли бўлса ҳам)

² Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳ этишдир.Ўзбекистон овози. 2005 йил 29 январь

¹ Қаранг., Гаджиев К.С. Политическая наука. М, 1996, с. 247.

² Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2000 – 2006 йиллар бўйича жорий архиви.

натижаларига эга бўлиши мумкин. Биринчи ҳолатда уюшган жиноятнинг (жиноий уюшманинг) бошлиқлари ва уларга яқин бўлган вакиллар жамиятдан ажратилган ҳолда жазони ижро этишади, яъни жазо ва жавобгарликнинг муқаррарлик принципига асосланади. Халқ нафақат жиноятни, балки жазони ҳам кўради. Маълум вақт жараёнида улар жиноий уюшмалар ёки уларнинг тузилмавий қисмларини реал бошқаруви, улар фаолиятида тўғридан – тўғри иштирок этиш имкониятидан маҳрум бўладилар. Бундай ҳолат самарали профилактика хусусиятига эга.

Ушбу тавсиялар ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг даражасига таъллуқлидир. Жиноий сиёсатнинг қонунчилик даражасига келсак, бу ерда «Уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши зарурати борасидаги кун тартибига қўйилган масала долзарб ҳисобланади. «Давлат хизматчилари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши борасида олиб борилаётган ишларни жадаллаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Айнан худди шу қонун уюшган жиноятчиликка қарши курашда муҳим аҳамият касб этган бўлар эди, чунки бу қонун жиноятни, жиноий уюшмалар бошлиқлари ва уларнинг фаол аъзоларини фош этишда ўз хиссасини кўшувчи шахслар, жабрланувчи ва гувоҳлар билан таъминлаши мумкин.

Шу билан бирга (Неаполь, 21-23 ноябрь 1994 йил) уюшган трансмиллий жиноий ишлар буйича вазирлар даражасидаги Бутунжаҳон конференциясида, трансмиллий жиноят даражасининг кескин ўсиши борасида чуқур хавотир туғдирувчи халқаро уюшма ўзининг сиёсий иродаси ва кучли аҳдини намоён қилди. Шунингдек ушбу конференцияда қабул қилинган Сиёсий декларация ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш Глобал режасини тўлиқ ва кечиктирмасдан амалга киритилишини таъминлаш истагини билдирди.

Давлат бошлиқлари ва вазирларининг истаги жиддийлигини кўрсатувчи декларациянинг бир қанча бўлимларини кўриб чиқамиз. Декларацияда кўрсатилганидек, уюшган трансмиллий жиноятчиликка қарши курашда жиноий адлия тизимлари учун улар жавобгардирлар.

«1. Биз қатъий ва самарали қонуний чораларни амалда қўллаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинлигининг халқаро стандартларига сўзсиз риоя этиш орқали ўз мамлакатларимизни уюшган жиноятчиликнинг ҳар қандай шаклларида ҳимоя қилишга аҳд қилдик.»...

«3. Биз жиноий уюшмаларнинг ижтимоий-иқтисодий кучини, уларнинг қонуний иқтисодиётга кириб боришини, жиноий даромадларини, террор ва зўравонлигини синдиришга асосий кучимизни жалб этишни ўз зиммамизга оламиз».

«4. Биз давлатлар, барча умумжаҳон ва регионал уюшмалар томонидан уюшган трансмиллий жиноятга қарши кураш биринчи даражали масала сифатида қаралиши, кенг ижтимоий ва оммавий ахборот воситаларнинг, нодавлат уюшмалар институтларининг мобилизациясининг қўлланилиши зарурлигини, тантанали равишда эълон қиламиз.»

«6. Биз уюшган трансмиллий жиноятчиликни ўтиш даврини бошидан ўтказётган давлатлар ва уларнинг институтлари ижтимоий – иқтисодий ривожланишига хавф-хатар туғдираётганини таъкидлаймиз.»

Уюшган трансмиллий жиноятга қарши курашнинг Глобал режа матнинида бир қанча асосли таклифлар

киритилган. Уюшган жиноятчиликка қарши мураккаб техник амаллар билан курашиш мақсадида, ҳокимиятларга ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида бир хил тузилиш ва имкониятларни йўлга қўйиш тавсия этилади.

Юқорида келтирилган маълумотлар, уюшган жиноятга қарши курашнинг халқаро тажрибасига таянган ҳолда, жиноятга оид сиёсатнинг кўриб чиқиладиган йўналиши қуйидаги дастурлар асосида олиб борилиши даркор:

Уюшган жиноятга қарши курашда ишонарли ва самарали ишлайдиган (айнан ишлайдиган, ўлик эмас) ҳуқуқий нормалар асоснинг яратилиши керак.

Ҳокимиятнинг барча тармоқларида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимида уюшган жиноятга қарши курашнинг кучайтирилишининг мувофиқлигидир. Ушбу муҳим ишда, афсуски, сезиларли ривожланишга етиб борилмади ва бу ҳолат уюшган жиноий бирлашмалар фаолиятидаги хавфли кординал ўзгаришлар, шу жумладан мамлакат ичкарисида ва ташқарисида уларга қарши курашиш кучларини бирлаштириш шароити остида келиб чиқмоқда.

2. Коррупцияга қарши кураш ва уни олдини олиши. Жиноятга оид сиёсатнинг бу йўналиши замонамизнинг энг қийин муаммоларидан бири ҳисобланади. Илгари коррупциянинг дастлабки ривожланиш вақти тоталитар даврга тўғри келади деб ҳисобланар эди. Лекин демократиянинг қисқа давом этган тажрибаси бу тезисни инкор этди ва айнан бизда, Ўзбекистонда, коррупция, унинг даражаси камайиб боришига қарамай, ҳозир ҳам демократия институтларининг кейинги ривожланишида жиддий хавф туғдираётганлигини кўрсатади. Баъзи халқаро уюшмалар унинг кенгайиш доираси ва ривожланиш суръати ҳақида сўз юритадилар. Агар давлат ва жамият дадил ҳаракатларни бошламас ва бунинг учун жиддий сиёсий ирода, фуқаровий жасорат этишмайдиган бўлса Ўзбекистон келажақдаги демократик ривожланиш йўли коррупция қурбонига айланиши ва бутунлай ёпилиши мумкин. Ҳокимият органлари коррупциялар борасидаги можароларни сунъий равишда келтириб чиқарилмоқда. Ҳар қандай бу каби факт коррупция тушунчаси етарли даражада ёритилмагани сабабли, шунингдек баъзи жиноятларнинг (порахўрлик, ҳокимият ваколатларини суистеъмол қилиш ёки ҳокимият ваколати доирасидан четга чиқиш ва бошқа мансабдорлик каби жиноятлари билан боғлиқ) коррупцион ёки тамагирлик ҳаракатлари сифатида баҳоланишини таъкидлайди.

Дарҳақиқат, жиноий – ҳуқуқий доирада, эгалланаётган лавозим ваколатларини суистеъмол қилиш, биринчи ўринда порахўрлик коррупциянинг ташқи кўриниши бўлиб ҳисобланади. Бунда кўрсатилган лавозим эгалари нафақат ўзининг балки ўзгалар манфаатларни ҳам кўзлаб иш тутишлари лозим.

Шаклланган жиноий уюшмалар турли: давлат ҳокимияти, маҳаллий бошқарув, иқтисодий назорат-текширув органлари даражасидаги лавозим вакилларини пора бериб сотиб олишга асосий эътиборни қаратадилар. Бу ўз навбатида улар томонидан содир этилган жиноятларни фош этишда катта қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Бунга қарамасдан коррупция билан олиб борилаётган кураш, у билан урушга айланиб кетмаслиги даркор, балки жиноятга оид сиёсатнинг

асосий устувор йўналишларидан бирига айланиши керак. Коррупция билан бўлган курашга фақат мансаб ваколатларини суиистеъмол қилишга, шу жумладан порахўрликка қарши кураш сифатидагина қаралиш нотўғридир. Тўғрироғи бу йўналиш янада юксак тартиб мақсадининг қисми бўлиб, самарали, виждонли, маъсулиятли, ҳокимият ва бошқа давлат ҳокимияти органларини, шу жумладан судни ташкил этишни тақозо этади. Президентимиз И.А.Каримовнинг таъбири билан айтганда, “бу соҳада хизмат қиладиган одамлар ўзининг проффесионал ва фуқаролик бурчини, ўз вазифаси қанчалик ҳалол ва сидқидилдан ижро этиш, ҳеч муболағасиз, бутун ҳокимиятнинг обрўси ва кишиларимизнинг адолатга ишончи қай даражада бўлишини белгилайди”¹.

Маҳаллийликнинг ташкил этилиши, юқори лавозим эгаларининг манфаатли тил бириктируви, давлат ва фуқароларга путур етказиш асосида бюджет хисобидан тижорат тизимини инвестициялаш, ноқонуний ташқи тижорат операциялари, давлат хизматини тижорат уюшмалари билан қўшилган ҳолда олиб бориш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятига ноқонуний аралашув – нафақат давлатнинг, балки жамиятнинг мавжуд бўлишига асосий хатар туғдирувчи омиллар ҳисобланади.

Имтиёзли кредитларни ишлатилишининг, ажратилишининг ва олинишининг ноқуний ҳолатлари кўп бўлмасда, лекин учраб туради. Буларнинг барчаси лавозим ваколатларининг ғаразли суиистеъмоли, катта миқдорли порахўрлик ҳолатлари билан маҳоратлики келтириб чиқаради.

Порахўрлик, юқори лавозим ваколатларини суиистеъмол қилишга қарши курашувчи органларининг баъзи ходимлари коррупция таъсири остига тушиб қолдилар.

Долзарб муаммолардан бири бўлиб, порахўрлик бўйича ишларда дастлабки тергов ва тезкор-қидирув фаолиятининг самарадорлиги масаласи ҳисобланади. Бу ҳолат шу каби жиноятларнинг ўзига хос хусусияти ва характери билан боғлиқлигидан далолат беради.

Кенг маънода коррупция билан курашиш сиёсати бир қанча элементларни ўз ичига олади: давлат асосий дастурларининг ислоҳ қилиниши; ҳукумат тизимининг ўзгартирилиши ва ижроия органларини бошқариш усулларининг мукамаллаштириш; давлат хизматининг маънавий ва эстетик жиҳатларини мукамаллаштириш; демократик институтлар, шунингдек эркин ахборот воситаларининг ривожланиши; ҳуқуқий мажбурият².

Ушбу меъёрлар, албатта, коррупцияни бутунлай барҳам топишигача олиб келолмайди. Аммо улар коррупцияни бошқара олишлик, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларга унинг таъсирини минималлаштириш даражасигача етказиш имконини беради. Бундай натижаларга эришиш осон кечмайди, чунки

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 28 январь 2005 йил. // Том 13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б. 189.

² Қаранг., Босхолов С.С. Проблема уголовной политики в сфере борьбы с коррупцией // Борьба с коррупцией в условиях демократизации: опыт, причины неудач, перспективы. Информационный бюллетень. М., 1999.

Ўзбекистонда коррупция баъзи давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида нисбатан тез-тез учрайди.

Коррупциянинг тўғридан – тўғри натижаси сифатида бир қанча демократик институтларнинг заифлашувини кўрсатиш мумкин. Ҳуқуқни муҳофаза ва назорат қилиш органларининг қонун бузилиши ва мансабдор шахсларнинг порахўрлик фактларига тезкор таъсир кўрсата олмаслиги, фуқароларда демократия коррупция олдида тўла тўқис заиф деган фикрнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Муҳокама қилинаётган муаммолар мазмун-моҳияти коррупция билан курашнинг ҳуқуқий мажбурият, яъни профилактик ва жиноий-ҳуқуқий чораларини кўриб чиқиш билан чегараланишни тақозо этмоқда. Шунини айтиб ўтиш жоизки, айнан ушбу чораларни амалиётга тадбиқ қилиш жараёнида очиқ ойдинлик йўлига ўтиш хавfli бўлиб, инсон ва фуқаронинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинлигини бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Айнан шунинг учун коррупцияга қарши ҳаракатлар қонун асосида ва чегарасида амалга оширилиши лозим. Афсуски бундай қонун ҳали ҳам амалга киритилмади. Лекин, коррупция муаммоларининг кескинлигини инобатга олган ҳолда, президент И.А.Каримов 2005 йилда коррупцияга қарши кураш ҳақида қонуннинг ишлаб чиқилиши борасида тегишли вазифаларни белгилаб берди. Бундан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши кураш билан боғлиқ барча норматив ҳужжатларнинг ҳолатларини таҳлил қилиш зарурати пайдо бўлади.

Маъмурий-ҳуқуқий ва жиноий-ҳуқуқий таъсир этиш ва мажбурият чоралари энг кескин чоралар ҳисоблангани сабабли улар шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига дахлдор бўлиб, коррупцияга қарши курашиш жараёнида қонунчиликни таъминлаш мақсадида қуйидаги талабларни кўрсатиб ўтишни тақозо этади.

1. Маъмурий-ҳуқуқий ва жиноий-ҳуқуқий характерга эга антикоррупцион чоралар ҳуқуқнинг халқаро нормаларига, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига муносиб ва инсон, фуқаро ҳуқуқлари ва эркинлигини тан олувчи ва кафолатловчи бўлиши шарт.

2. Бу чоралар жиноий жазо чораси сифатида қабул қилинмаслиги даркор. Улар халқ ва жамият томонидан қўллаб қувватланиши керак. Акс ҳолда уларни қабул қилмаслик ва уларга риоя этмаслик эҳтимоли пайдо бўлиши мумкин.

3. Коррупцион жиноятлар натижасида олинган маблағлар давлатга ўтказилиши учун махсус низомни лойиҳалаштириш зарурати пайдо бўлади. Чунки ушбу маблағлар кўп ҳолларда учинчи тараф қўлларидан, ҳатто давлатдан ташқарида ҳам сақланиши мумкин. Бундай соҳадаги қонунчилик ноқонуний йўл билан ортирилган, яъни коррупция билан боғлиқ даромадларнинг кузатуви, музлатилиши, хибсга олиниши чораларини назарда тутмоғи лозим.

4. Коррупцион ҳуқуқбузарлик тушунчасини очиқ берувчи, Ўзбекистон Республикаси давлат органига муносиб таъриф керак бўлади.

Ушбу масалани ниҳоялаш жараёнида шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, коррупцион характерга эга бўлган, янги жиноий қонунчилик ЎЗР ЖКнинг қуйидаги моддаларида айтиб ўтилган: ноқонуний йўл билан топилган пул маблағларининг легаллаштириш; мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиниши; пора олиш; пора олиш – беришда воситачилик қилиш, хизмат сохтакорлиги, ҳокимият ҳаракатсизлиги. Шу билан

бирга айнан коррупцион характерга эга, Ўзбекистонда кенг тарқалган бир қатор хатти – ҳаракатлар ЎзР ЖКда ўз аксини топмади. Улар орасида:

- шахсий даромадга эга бўлиш мақсадида мансабдор шахсларнинг тижоратда иштирок этишлари;

- сохта шахслар ва қариндошлар иштирокидан файдаланиб, шахсий фойдани кўзлаган ҳолда давлат маблағларини тижорат структураларига ўтказишда ўз лавозимидан фойдаланиш;

- шахсий фойдани кўзлаган ҳолда мансабдор шахслар томондан тижорат тузулмаларига имтиёзларнинг берилиши;

- шахсий бойлик ортириш мақсадида хусусий шахсларга ссуда ва кредитларнинг берилиши.

Бундан келиб чиққан ҳолда, ЎзРес ЖКга тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчаларни киритиш зарурати пайдо бўлади.

3. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш. Мамлакат миллий хавфсизлигига раҳна солувчи асосий хатар унинг иқтисодий имкониятларини барбод қилишдан келиб чиқади. Ўзбекистондаги бугунги аҳвол энг долзарб вазият бўлиб ҳисобланади.

Жиноятга оид сиёсатнинг асосий йўналиши сифатида давлат иқтисодий хавфсизлиги ЎзРес ЖКнинг VIII бобида кўрсатилган, иқтисодий жиноятларга қарши кураш билан чегараланиб қолмайди. Шу билан бирга, иқтисодий хавфсизликнинг самарали таъминлини унинг жиноий-ҳуқуқий ҳимояси орқали амалга оширилади. Хозирги шароитда бир қанча фуқаро, молия, солиқ, бож ва валюта қонунчилик институтлари жиноий-ҳуқуқий тақиқлар ёрдамисиз «ишлай олмайди». Айнан жиноий қонунчилик ноинсоф кредит олувчини кредиторга маблағни қайтариб беришга, банкрот бўлган акционерлик жамиятини қалоблик белгилари бўлмаган тақдирда ҳам инвесторлар билан тўла ҳисоб китобни амалга оширишга ундовчи зарур шарт шароит яратиб беради. Айнан жиноий қонунчилик ноқонуний йўл билан топилган даромадлар легаллаштириш йўлида маълум даражадаги тўсиқ бўлди. Айнан жиноий қонунчилик давлат ғазнасининг тўлдириб борилишига ёрдам беради. Чунки жиноий қонунчилик бож тўловлари ва солиқ тўлашдан бош тортишда қўлланиладиган жавобгарликни белгилаб беради. Давлат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш борасидаги жиноий қонунчиликнинг ушбу имкониятлар рўйхатини давом эттириш ҳам мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, иқтисодий жиноятлар тор равишда коррупция ва уюшган жиноят билан боғлиқ. Шунинг учун юқорида таърифланган кураш чоралари иқтисодий жиноятларга қарши курашда ҳам ижобий таъсирга эга бўлади. Ўз ўринда иқтисодий жиноят структура ва динамикасида амалга ошаётган ижобий (ёки салбий) ўзгаришлар уюшган жиноят ва коррупцияга тўғридан – тўғри таъсир ўтказади.

Ушбу вазиятни ҳисобга олган ҳолда, давлат иқтисодий хавфсизлигида катта хатар туғдирувчи, иқтисодий жиноятчиликнинг энг хавфли кўринишларини кўрсатиб бермоқ зарурдир. Уларга тегишли: хусусийлаштириш соҳаси ва давлат хусусий мулкни бошқаришдаги жиноятчилик; табиий монополия фаолиятидаги жиноятчилик; кредит-молиявий муҳитдаги жиноятчилик; Айнан ушбу йўналишлар асосида Ўзбекистон иқтисодий ислохотларининг ҳуқуқий тартибга солинишига, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг имкониятларига эътибор қаратиш даркор.

4. Давлат конституцион тузуми ва хавфсизлик асосларининг ҳимояси. Жиноий сиёсат мамлакат хавфсизлиги ҳимоясида фаол рол ўйнамоғи лозим. Бу тушунча остида шахс, жамият ва давлатнинг прогрессив ривожланишини таъминловчи миллий манфаатларнинг ташқи ва ички таҳдидан ҳимояланиш ҳолати тушунилади.

Ҳозирги вақтда халқаро майдондаги ҳолат аввалла бор, кўптомонлама тинчликни шакиллантириш тенденциясининг кучайтирилиши билан характерланади. Бу жараён бир қанча давлатларнинг иқтисодий ва сиёсий позицияларини кучайтирганлигида ўз аксини топади. Халқаро муносабатлардаги ҳарбий-кучли омиллар моҳиятини сақлаб қолишда, иқтисодий, сиёсий, илмий-техник, инфорацион, шунингдек ҳуқуқий омиллар муҳим аҳамият касб этади. Бир вақтнинг ўзида табиий, технологик, инфорацион ресурсларга эгаллик қилиш мақсадини ўзида мужассам этган халқаро рақобат кескинлашмоқда.

Ҳозирги давр халқаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси учун ўзининг хавфсизлигини таъминлашда янги имкониятларни очиб беради. Аммо бир қатор хатарлар мавжудки, улар Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва ички ислохотни амалга ошириш жараёнида келиб чиқаётган қийинчиликлар билан боғлиқ. Давлатимиз манфаатларини кўзловчи, халқаро ҳаётдаги энг муҳим масалаларни ҳал этишда Ўзбекистоннинг таъсир доираси анча кенгайди. Бундай шароитда, бир қанча давлатларда Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий соҳадаги позициясини кучсизлантириш истаги пайдо бўлди.

Ушбу шароитда жиноий сиёсатнинг асосий йўналишлари ва кўриб чиқилаётган устувор йўналишлар сонига йўналтирилган аралашув асосли ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қайд этилган, инсон ҳуқуқларини етакчи деб белгилайдиган ҳуқуқни муҳофаза қилиш қадриятларидаги устувор йўналишлар алмашинуви давлат моҳиятининг камайганлигини билдирмайди. Инсон ва фуқаро ҳуқуқларини фақатгина ривожланган демократик институтлар, эркин матбуот ва жамоатчилик назоратининг самарали тизимига эга бўлган кучли давлат ҳокимиятини таъминлаши мумкин.

Давлат хоинлик қилиш, жосуслик, терроризм, ҳокимиятни зўрлик ишлатиб эгаллаш, кўпоровчилик, миллатчилик, ирқчилик ва диний адоват замирида, коррупция, мансабдорлик жиноятлари ва давлат ҳукуматига қарши бошқа жиноятлар билан кураш Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминловчи муҳим таркибий қисми ҳисобланади ва давлат ҳукуматининг барча тармоқлари имкониятлари иштирокида амалга оширилиши зарур. Ушбу ҳаддан ташқари хавфли жиноят турларига қарши ҳаракатлар кучайтирилишининг энг муҳим омиллардан бири бўлиб, жиноий-ҳуқуқий чора таъсирларининг самарали қўлланилиши ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, жиноятга оид сиёсат борасидаги замонавий тенденцияларни ўрганиш ва шу асосда миллий жиноят-ҳуқуқий сиёсат ҳамда унинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш мамлакатимизда ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мақсади жиноят учун жазо тайинлаш тизимини либераллаштиришга хизмат қилади.

М.К.Уразалиев
Юридик фанлар номзоди

СУД ИЖРОЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ИСЛОҲ ЭТИЛИШИ ҲАҚИДА

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари каби суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам ислохотлар амалга ошириляпти, жумладан, ижро иши юритишнинг ислоҳ қилинишидир. Ижро этиш билан боғлиқ масалалар охириги вақтларда ҳуқуқда энг кўп муҳокама қилинадиган масалалардан бирига айланди. Бу масала давлат томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини қай даражада ҳимоя қилинаётганлиги самарадорлиги муаммоларини ўз ичига олади.

Мустақилликни кўлга киритганимиздан кейин Республикаимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлини танладик. Ҳуқуқий давлатнинг асосий вазифаларидан бири – адолатни, жамиятда қонунийликни ўрнатиш ва, аввало, суд қарорларини тез ва аниқ ижро этиш катта аҳамиятга эгадир.

Ижро иши юритиш – давлатимиз ҳуқуқ тизимидаги ривожланиб келаётган ва бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга ҳуқуқ соҳаси ҳисобланади. Ижро иши юритишнинг қонунчилиги асоси конституциявий нормаларда ўз аксини топган бўлиб, давлат ва суд томонидан фуқаролар ва инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини кафолатлайди. Ижро иши юритиш фаолиятини тартибга солишчи “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни¹ 2001 йил 29 августда қабул қилиниб, бугунги кунгача қонунчиликка жуда катта ўзгартиришлар киритилди. Гувоҳ бўлганимиздек, илгари ижро иши юритиш билан боғлиқ қоидалар фуқаролик процессуал қонунчилиги билан тартибга солинган ва фуқаролик суд ишлари юритишнинг бир қисми бўлиб ҳисобланган Ушбу қонуннинг қабул қилиниши билан ижро иши юритиш ҳуқуқнинг алоҳида мустақил соҳаси эканлиги аниқ равшан бўлди. Ижро иши юритишни такомиллаштириш ҳамда ушбу соҳадаги мутахассисларни тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд Департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2007 йил 1 ноябрдаги ПҚ-722 сонли Қарори² билан юридик йўналишдаги олий таълим муассасалари ўқув дастурларига “Ижро иши юритиш” мустақил фани киритилди. Қонунга асосан илк бор давлат ижро ҳокимияти органлари тизимида мустақил орган сифатида ташкил этилган Суд департаментининг суд ижрочилари зиммасига суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижросини таъминлаш ваколати юклатилди. Суд ижрочилари давлат хизматчилари, мансабдор шахслар ҳисобланади ва катта ҳуқуқларга эга. Айнан суд ижрочилари фуқаролар ва ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг охириги босқичида туриб, уни ҳал этиш ваколатига эга

¹ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2001 йил № 21, 145.

² Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2007 йил № 45, 541.

бўладилар. Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларининг паст даражадаги фактик ижроси нафақат фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари бузилишига, балки бошқа салбий оқибатларга олиб келади. Ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган шахслар бузилган ҳуқуқларини фақат назарий тан олиними эмас, балки амалий, реал ҳимоя қилинишини кутадилар. Ижро иши юритишда суд ва бошқа органлар ҳужжатлари ижро этилиб, ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинади.

Ижро иши юритиш вақтида суд ижросисини ҳуқуқ бузилган инсон ёки фуқаронинг суд томонидан чиқарилган қонуний қарори ёки ҳукми асосида тиклар экан, ўз ўрнида бундай ҳаракат бошқалар учун уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказмаслик учун даъват этишга қаратилган бўлади.

Ижро иши юритишнинг моҳияти қонунда назарда тутилган тартибда қарздорга нисбатан ундирувчининг қонуний талабларини қондиришга қаратилган мажбурий чоралари (мажбурий ижро) қўллашдан иборатдир³.

Ижро иши юритишнинг асосий вазифаси бу – суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ўз вақтида ва аниқ ижро этиш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябридаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги Қарор⁴ асосида Суд департаментининг ташкил этилиши ҳамда 2006 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг⁵ қабул қилиниши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти Низомининг янги таҳрирда қабул қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2008 йил 4-5 декабрь кунлари бўлиб ўтган ўн олтинчи ялпи мажлисида маъқулланган “Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни⁶ қабул қилиниши ижро иши юритишда туб бурилишлардан бири бўлди. Бунда ижро этиш билан боғлиқ

³ Тухташева У.А. Ижро иши юритиш. Дарслик – Т.: ТДЮИ 2009, 12 б.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2001 йил № 9, 55.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2006 йил № 36, 360.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Ижро иши юритиш такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги № 199 сонли Қонун. “Халқ сўзи” газетаси 15 январ 2009 йил.

муносабатлар батафсил тартибга солиниб, қатор янги институтлар, жумладан, суд ижрочисининг мақоми белгилашиб, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлар доираси аниқ белгилаб берилди. Ундан ташқари турли тоифадаги суд қарорларини ижро этиш ишларининг хусусиятидан келиб чиқиб алоҳида тартиблари мустақамлаб кўйилди. Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал кодексларига, Ер кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, шунингдек, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги ва «Банкротлик тўғрисида»ги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Қонунга биноан Жиноят-процессуал кодексига киритилган ўзгартишлар тўртта моддани ўз ичига олган бўлиб, суд қарорларини ижро этиш билан боғлиқ процессуал қоидаларни такомиллаштиришни назарда тутди. Хусусан, суд қарорларини бажаришдан бўйин товлаганлик ёки ижро этишга тўсқинлик қилганлик билан боғлиқ жиноятларга ўз вақтида чек қўйиш, бундай ҳатти-ҳаракатлар учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек, суд қарорларини мажбурий ижро этиш чоғида суриштирувнинг сифатини ошириш мақсадида «Суриштирув органлари» деб номланган 38-модда янги 9-банд билан тўлдирилди. Ушбу банд Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментининг ҳамда унинг ҳудудий бошқармаларининг суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижросини амалга ошириш ваколатига эга бўлган мансабдор шахсларига вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлашга, суд қарорини бажармасликка, шунингдек, банд солинган мол-мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этишга доир ишлар бўйича суриштирувни амалга ошириш ваколатини берди.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда мамлакатимизда ижро иши юритиш тизими такомиллаштирилиб, ислоҳ этилиб борилмоқда. Бу эса ўз навбатида жамият ҳаётидаги энг муҳим масалалардан бири бўлмиш суд ва бошқа органлар ҳужжатлари ўз вақтида ижро этилиб, ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари химоя қилинишига замин яратади.

О.Маҳқамов
ТДЮИ тадқиқотчиси

СОЛИҚ ЁКИ БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРНИ ТЎЛАШДАН БЎЙИН ТОВЛАШНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШДА СОЛИҚ ТУШУНЧАСИ ВА БЕЛГИЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига ўтилган пайтдан эътиборан солиқлар ҳақида, солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш масаласига алоҳида эътибор берилди. Бу тасодифий бир ҳол эмас. Бозор иқтисодиёти шароитида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар давлат бюджетининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётига ўтилиши, тадбиркорликнинг ривожланиши, корхоналарнинг янги ташкилий тузилмалари вужудга келиши ва мулк шакллари раҳбарлиги солиқ қонунчилигининг жадал ривожланишига ва солиқ соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг шаклланишига имконият яратди. Шу билан бир вақтда жиноятларнинг янги тури – солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш пайдо бўлди. Мазкур қилмишнинг содир этилиши натижасида давлатга жуда кўп миқдорда зарар етказилади, чунки бюджет даромадининг негизини ташкил этувчи маблағлар бюджетга тушмайди ва мажбурий тўловлар ҳисобидан ташкил этиладиган давлат бюджетдан ташқари фондлар лозим даражада шакллантирилмайди.

Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 184-моддасида назарда тутилган. Мазкур модда бланкет диспозицияли бўлиб, солиқ жиноятларини квалификация қилиш учун зарур бўлган тушунчалар солиқ қонунчилигида берилган. Шу сабабли солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартишлар муқаррар тарзда жиноятни квалификация қилишга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, солиқ тушунчасининг мазмунига берилган таърифда унинг мажбурийлик белгиси тушириб қолдирилса, солиқ тўлашдан бўйин товлаш учун жиноий жавобгарликка тортиш асослари амалда мавжуд бўлмайди.

Бинобарин, ўрганилаётган жиноятнинг таркибини таҳлил қилиш ва квалификациясининг ўзига хос хусусиятларга тўхталишдан олдин ушбу масалага оид атамалар ва уларнинг мазмунини аниқлаб олиш лозим, чунки солиқ қонунчилигидаги тушунчалар солиқ соҳасидаги жиноятлар, хусусан солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш учун жиноий жавобгарликни белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Бунда «солиқ», «бошқа мажбурий тўловлар», «солиқ тўлашдан бўйин товлаш» ва «солиқ жиноятлари» каби тушунчаларнинг мазмунини аниқлаш айниқса, муҳим роль ўйнайди.

Мазкур таҳлилимизни айнан «солиқ» тушунчасининг мазмуни ва хусусиятига бағишлаш, бизнингча, ўринли бўлади.

Илмий адабиётларда солиқ қонунчилигининг мазкур асосий тушунчаси олимлар ва амалиётчилар томонидан ҳар хил талқин қилинади. Ваҳоланки, «солиқ» тушунчасининг аниқ ва тўлиқ таърифи давлат

фаолиятининг кўпгина йўналишларида муҳим роль ўйнайди.

Шуни ҳисобга олиш лозимки, ижтимоий-иқтисодий ва тарихий категория ҳисобланган солиқнинг: ҳуқуқий, иқтисодий, тарихий, ижтимоий жиҳатлари ўрганилиши лозим ва қўлланилган ёндашувга қараб солиқ тушунчасининг мазмунига берилган таърифлар бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин.

Илмий асарлар, монографиялар ва дарсликларда солиқ тушунчасига қатор таърифлар берилган, ammo, солиққа хос бўлган белгиларнинг барчаси бу таърифларнинг ҳаммасида ҳам мавжуд эмас.

Масалан, айрим иқтисодчилар солиққа қуйидагича таъриф беради: “Солиқлар – миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида унинг бир қисмини давлат ихтиёрига олиш шаклидир”¹. Мазкур таърифда солиқнинг бир қатор белгилари: унинг мажбурийлиги ва қайтариб бермаслик шарти билан олинishi кўрсатилмаган.

О.Олимжоновнинг фикрига кўра, “Солиқлар – давлат ва жамиятнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида қонун томонидан белгилаб қўйилган ҳажмда ва ўрнатилган муддатда жисмоний ва ҳуқуқий шахслардан давлат ихтиёрига мажбурий равишда олинadиган тўловлардир”².

Э.Ходжиев солиқларга - бу давлатнинг олий вакиллик органи томонидан жорий этилган, юридик хусусиятига кўра қайтариб берилмайдиган, давлат ва маҳаллий органлар олдида турган вазифа ва функцияларини бажарилишига қаратилган, тегишли бюджетларда ва бюджетдан ташқари жамғармаларда жамланадиган юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мажбурий тўловлардир³, деб таъриф беради.

М.Ф.Ивлиева мувофиқ: “...давлат томонидан белгиланган, қатъий индивидуал-беғараз хусусиятга эга бўлган, аниқ белгиланган миқдорда ва муддатларда бюджетга тўлаш талаб этиладиган тўловдир”⁴. Юқоридаги таърифларга нисбатан ижобий жиҳатлари мавжудлигига қарамай, мазкур таърифда солиқ тўловчи кўрсатилмаган.

И.Г.Кузьмина солиққа “давлат ёки унинг ваколатли органининг алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар ва уй хўжаликлари ихтиёрида бўлган чекланган ресурслар йиғиндисидан ишлаб чиқариш (қўшимча ресурслар яратиш) ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш учун мажбурий тартибда олиб қўйиладиган пул ресурси”⁵ сифатида қаралади. Мазкур таърифда солиқ соф иқтисодий категория – хўжалик юритувчи субъект мол-мулкнинг бир қисми давлат томонидан олиб қўйилиши сифатида кўрсатилган. Бундан ташқари, келтирилган

таърифнинг камчиликларидан бири шундаки, солиқ йиғиш механизми унда аниқ акс эттирилмаган. Давлат ёки унинг ваколатли органлари эмас, балки давлат ўз ваколатли органлари орқали солиқ тўловларини ундиради. И.Г.Кузьмина берган таърифдан эса давлат солиқларни ўзи учун, унинг ваколатли органлари эса – ўзи учун йиғади, деган хулосага келиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодексига солиқ тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: “Солиқлар деганда ушбу Кодексда белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади”.

Хўш, ушбу таърифда солиқ тушунчасининг иқтисодий-ҳуқуқий мазмунини тўлақонли акс эттирилмаганми? Бу саволга жавоб бериш учун мазкур таърифда солиқни тавсифловчи асосий иқтисодий ва ҳуқуқий белгилар мавжудлиги таҳлил қилиниши зарур бўлади.

Ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган биринчи белги солиқ тўловининг мажбурийлигидир. Фуқароларнинг қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш мажбурияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 51-моддасида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 6-моддасида назарда тутилган. Солиқнинг мажбурийлиги солиқ тўловчининг тегишли миқдорда бюджетларига барча зарурий тўловларни тўлаши лозимлигини англатади. Ушбу мажбурийлик барча солиқ тўловчиларга давлатнинг сўзсиз бажарилиши лозим бўлган талаби сифатида татбиқ этилади. Солиқнинг мажбурийлиги давлат кучи билан таъминланади, солиқ тўлаш ихтиёрий эмас, балки мажбурий хусусият касб этади. Солиқ тўлашнинг мажбурийлиги солиқни тўламаган шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган молиявий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликнинг мавжудлигида намоён бўлади.

Солиқнинг иккинчи муҳим ҳуқуқий белгиси корхона, муассаса, ташкилотлар ёки жисмоний шахсларга мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлган пул маблағларининг олиб қўйилиши, яъни солиқ суммасини ташкил этувчи пул маблағларига бўлган мулк ҳуқуқининг солиқ тўловчидан давлатга ўтишидир. Бунда мулк ҳуқуқининг ўтиши солиқ бюджет даромадларига амалда ўтказилган пайтдан эмас, балки давлатда мазкур солиқни олишга бўлган ҳуқуқ пайдо бўлган пайтдан эътиборан юзага келади.

Солиқнинг яна бир ўзига хос белгиси унинг индивидуал беғаразлиги бўлиб, у солиқ тўловчи солиқни тўлаш эвазига давлатдан ҳеч қандай компенсация олмастлигини англатади. Солиқнинг тўланиши давлатнинг мазкур солиқ тўловчига нисбатан муайян ҳаракатларни бажариш мажбуриятини вужудга келтирмайди. Бироқ, солиқ тўловчи жамиятнинг таркибий қисми эканлигини ҳисобга олганда, солиқ тўлашдан унинг билвосита фойда кўриш имконияти ҳамisha мавжуд бўлади. Ўз ўзидан равшанки, бу фойданинг сифати ва миқдори шахс тўлаган солиқ миқдorigа боғлиқ бўлмайди, чунки давлат ижтимоий фойдали функцияларни бутун жамият, барча солиқ тўловчиларнинг манфаатларида амалга оширади.

Солиқнинг зарурий белгиси унинг пул шаклидир, яъни солиқ натура шаклида тўланиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида

¹ Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Меҳнат”, 1995 й., 377 – бет.

² Олимжонов О. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида солиқ сиёсати. “Ҳаёт ва иқтисод”, 1992 й. – Б. 47.

³ Ходжиев Э. Иқтисодиёт асослари ва хўжалик фаолияти билан боғлиқ жиноятчиликка қарши кураш муаммолари (жиноий ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатлар) мавзuidaги илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент. 2003. – Б. 211.

⁴ Ивлиева М.Ф. Налогообложение производственных кооперативов. Правовые вопросы: Дисс. канд. юрид. наук. – М., 1991. – Б. 37.

⁵ Кузьмина И.Г. Развитие системы налогообложения России: Дисс. ...канд. эконом. наук. – М., 1994. – Б. 14.

мувофиқ бюджетларга ҳамма тўловлар миллий ёки хорижий валютада белгиланган муайян пул суммаси тарзида киритилиши лозимлиги назарда тутилган.

Шу билан бир вақтда солиқ тушунчасига Кодексда берилган таърифда солиқнинг муҳим ҳуқуқий белгиси – уни белгилаш тартиби акс эттирилмаган. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида солиқлар рўйхати ва уларни ундириш тартиби давлат томонидан бир тарафлама тартибда, аҳолининг розилигисиз белгиланиши назарда тутилган.

Солиқни тасдиқлаш ва уни ундириш тартибини белгилаш қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг вазифаси ҳисобланади. Солиқ миқдорини белгилаш учун анча қаттиқ талаблар қўйилади. Солиқни амалга киритиш тўғрисидаги қонун ҳужжати қабул қилишга қўйиладиган соф процессуал талаблардан ташқари унинг мазмунига қўйиладиган талаблар ҳам мавжуд. Солиққа тортишнинг муҳим элементларига солиққа тортиш объекти, солиқ базаси, солиқ даври, солиқ ставкаси, солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби, солиқни тўлаш тартиби ва муддатлари киради. Қонун ҳужжатларида мазкур тушунчалар шундай таърифланиши лозимки, солиқ тўловчи у қайси солиқларни, қачон ва қандай тартибда тўлаши лозимлигини аниқ билиши керак. Юқорида санаб ўтилган солиқ солиш элементларининг йўқлиги солиқ белгиланмаган деб топилишига олиб келади, бинобарин, солиқни тўлаш мажбурияти ҳам, уни тўламаганлик учун жиноий жавобгарлик ҳам мавжуд бўлмайди.

Шундай қилиб, солиқни белгилашнинг бир томонлама алоҳида хусусияти унинг асосий ҳуқуқий белгиларидан бири ҳисобланади. Афсуски, бу белги қонунда берилган таърифда ўз ифодасини топмаган. Шунини эътиборга олиб, солиқ тушунчасининг қуйидаги таърифини таклиф қиламиз:

Солиқ – давлатнинг олий қонун чиқарувчи органи томонидан бир тарафлама тартибда белгиланган, ваколатли давлат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахслардан мунтазам равишда ундириладиган, республика ёки маҳаллий давлат бюджетига йўналтириладиган, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган мажбурий пул тўловидир.

Н.Салаев

ТДЮИ тадқиқотчиси

БИР-БИРИГА ТОБЕ БЎЛМАГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРГА ОИД УСТАВ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ ЖИНОЯТИНИНГ ОБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИНИ АНИҚЛАШДАГИ БАЎЗИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ

Жиноятнинг объектив белгилари деганда унинг объекти ҳамда объектив томони тушунилади.

Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жиноятнинг махсус объекти ҳарбий хизматни ўташ тартибини таъминловчи муносабатлар ҳисобланади. “Ҳарбий хизматни ўташ тартиби – қўшинлар ҳаёти ва жанговар фаолияти жараёнида юзага келадиган муносабатлар бўлиб, улар қонунлар, ҳарбий қасамёд ва низомларда белгилаб қўйилган. Ушбу ҳужжатларда ҳарбий хизмат фуқаронинг конституциявий бурчи эканлиги, яккабошчилик ва ундан келиб чиқадиган тобе шахснинг бошлиққа сўзсиз итоат қилиши, ушбу муносабатлар субъектлари ҳуқуқ ва эркинликларининг аниқ белгилаб қўйилиши каби ҳарбий ташкилот тамойиллари мустаҳкамлаб қўйилган”¹.

Ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчилар ўртасида юзага келадиган муносабатларнинг муайян тартибидан иборатдир. Ҳарбий хизмат муносабатлари умумий ва махсус бўлади. Барча ҳарбий хизматчилар умумий ҳарбий муносабатларнинг субъектларидир. Махсус муносабатлар ҳарбий хизмат фаолиятининг муайян вазифаларни ҳал қилиш билан боғлиқ алоҳида соҳаларида ўрнатилади. Муайян тоифага мансуб ҳарбий хизматчиларгина махсус ҳарбий хизмат муносабатларининг субъекти бўлиши мумкин.

Жиноятнинг турдош объекти бўйсунуш ва ҳарбий шаънга риоя этиш тартибини таъминловчи муносабатлар мажмуи ҳисобланади. Ҳарбий бўйсунуш тартиби ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий шаънга риоя этиш тартиби билан чамбарчас боғлиқ. Ҳарбий шаънга риоя этиш тартиби деганда, ҳарбий уставлар билан мустаҳкамланган ҳарбий хизматчиларнинг ҳуққ-атвор ва улар ўртасидаги муносабатлар қоидалари мажмуи тушунилади. Ҳарбий хизматчилар ўртасидаги муносабатларнинг низомда белгиланган қоидаларининг бузилиши эса, аксинча, ҳарбий интизомга салбий таъсир кўрсатади, ҳарбий хизматчилар томонидан ўз хизмат вазифаларини нормал бажаришларига монелик қилади, қўшинларнинг барқарор ҳаёт фаолиятига путур етказилади.

Жиноятнинг бевосита объектини ўз навбатида икки турга, яъни бевосита асосий ҳамда бевосита қўшимча объектларга ажратиш мумкин. Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муносабатлар жиноятнинг бевосита асосий объекти ҳисобланади. Ҳарбий хизматчининг ҳаёти, соғлиғи ҳамда шаъни ва кадр-қиммати билан боғлиқ муносабатлар жиноятнинг бевосита қўшимча объекти ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. Т.2. – Тошкент: Адолат, 2006. – Б. 38.

Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларига қарши жиноят объекти – ҳарбий хизматни ўташнинг белгиланган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, унга дахл этувчи қилмишнинг хусусияти билан белгиланади. У ҳарбий низомлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамланган хизмат вазифаларини бажаришнинг муайян қоидаларини бузишда ўз ифодасини топади. Кўрсатилган ҳарбий жиноятни содир этиш билан боғлиқ ҳар бир муайян ҳолатда жиноят натижасида бузилган талаблар назарда тутилган норматив манбаларни тўғри аниқлаш лозим.

Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жиноятнинг объектив томони унинг мазмунини белгилловчи ҳаракатларнинг ранг-баранглиги билан тавсифланади. Қонун чиқарувчи томонидан ушбу жиноятнинг объектив томонини ташкил этадиган барча ҳаракатлар санаб чиқилмаган, балки бу ҳаракатлар ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиши мунтазам хўрлаш, азоб бериш, соғлиқнинг бузилишига сабаб бўлган баданга шикаст етказиш, қонунга хилоф равишда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлиши лозимлигини кўрсатиш билангина кифояланган¹.

Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш объектив томондан мунтазам хўрлаш, азоб бериш, соғлиқнинг бузилишига сабаб бўлган баданга енгил шикаст етказиш ёки ўртача оғир шикаст етказиш, қонунга хилоф равишда озодликдан маҳрум қилишдан иборат бўлиши мумкин.

Афсуски, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2000 йил 15 сентябрдаги 23-сонли қарорига Жиноят кодекси 285-моддасида назарда тутилган жиноят диспозициясида назарда тутилган “мунтазам хўрлаш”, “азоб бериш”, “қонунга хилоф равишда озодликдан маҳрум қилиш” тушунчаларига ҳеч қандай тушунтириш бериб ўтилмаган. Ваҳоланки, қилмишни квалификация қилиш учун бу масалаларга оидлик киритиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Демак, бу ўринда “мунтазам хўрлаш”, “азоб бериш”, “соғлиқнинг бузилишига сабаб бўлган баданга енгил шикаст етказиш”, “соғлиқнинг бузилишига сабаб бўлган баданга ўртача оғир шикаст етказиш”, “қонунга хилоф равишда озодликдан маҳрум қилиш” масалаларга алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ёзилишича “мунтазам деганда тартибли равишда узлуксиз давом этадиган, қанда бўлмайдиган, муттасил”² маъонлари тушунилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2007 йил 27 июндаги 6-сон қарори 25-бандида қилмишни муттасил деб баҳолаш учун унинг

қамида уч марта содир этилган бўлиши лозимлиги таъкидланган³.

Жиноят кодекси 285-моддасида назарда тутилган “мунтазам” тушунчаси Жиноят кодексида бошқа ўринларда “муттасил” деб баён этилган. Ҳамда “мунтазам” тушунчаси Жиноят кодексида бошқа ўринларда умуман учрамайди. Бир сўз билан айтганда, бу ўринда қонунчилик техникаси бузилган. Шу сабабли Жиноят кодекси 285-моддасидаги “мунтазам” сўзи “муттасил” сўзи билан алмаштирилиши мақсадга мувофиқ. Ўз навбатида қонунга бундай ўзгартиришнинг киритилиши, энг аввало, жиноят қонуни нормаларининг ўзаро мувофиқлигини, бир хиллигини ва Жиноят кодексида қонунчилик техникасига риоя этилишини таъминлайди. Шу билан бирга суд-тергов амалиётида қонуннинг бир хилда қўлланилишини таъминлаб, келиб чиқиши мумкин бўлган турли тушунмовчиликлар ва чалкашликларни олдини олишга хизмат қилади.

Айтилганларга асосланиб, Жиноят кодекси 285-моддасидаги “мунтазам” сўзини “муттасил” сўзи билан алмаштириш мақсадга мувофиқ.

Жиноят кодекси 285-моддасида “хўрлаш” тушунчаси ҳам ишлатилган. “Хўрламоқ деганда бировнинг иззат-нафсини таҳқирламоқ, поймол қилмоқ”⁴ тушунилади. Бизнингча мазкур тушунча ҳам жуда умумий хусусиятга эга. Бу ўринда қонун чиқарувчи “хўрлаш” тушунчасини ишлатиб “шахснинг қадр-қимматини камситиш” билан боғлиқ ҳаракатларни назарда тутишга ҳаракат қилган. Сабаби мазкур қилмишда жиноятнинг бевосита қўшимча объекти ҳам ҳарбий хизматчининг шаъни ва қадр-қиммати ҳисобланади. Айни вақтда қонунчилик техникаси талабларидан келиб чиқса, Жиноят кодекси 7-моддасида “инсон қадр-қимматини камситиш”, 103-моддада “шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситиш” ёки 156-моддада ҳам “шаън-шараф ва қадр-қимматни камситиш” жумлалари ишлатилган бўлиб, Жиноят кодекси 285-моддасидаги худди шу сўз “хўрлаш” тушунчаси билан ифодаланган ҳамда бу ўринда ҳам қонунчилик техникаси бузилган. Бунинг устига хўрлаш тушунчаси ҳуқуқий эмас, кўпроқ бадий тасвирга эга бўлиб, қонунни тушуниш, баҳолаш, тўғри қўллашга ва амалда татбиқ этиш халал беради. Бундан ташқари биз ўрганган хорижий мамлакатлар жиноят қонунларининг 54,5 фоизда “шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситиш” жумласи ишлатилган.

Айтилганларни ҳисобга олиб, Жиноят кодекси 285-моддасидаги “хўрлаш” сўзини “шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситиш” деган сўзлар билан алмаштириш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари Жиноят кодекси 285-моддаси биринчи қисми диспозициясида “азоб бериш” жумласи қўлланилганки, бу ҳам муаммолардан холи эмас. Хусусан, Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ёзилишича, “азобламоқ деганда, жисмоний ёки руҳий азоб бермоқ”⁵ тушунилади. “Азоблаш деганда, узоқ вақт овқат, сув ёки иссиқликдан маҳрум қилиш каби

¹ Шулупов Н.А. Уголовно-правовые последствия неисполнения военнослужащим приказа по законодательству современных государств. Военно-уголовное право (Вкладка в журнал «Право в вооруженных силах»). 2003. №9-10. – С.13-16.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдди. Т.2. / А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 641-642.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2007 йил 27 июндаги 6-сон қарори.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдди. Т.4. / А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 437.

⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдди. Т.1. / А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 50.

хўрловчи ҳаракатлар ёхуд инсонни соғлиқ учун зиён етказувчи шароитга солиш ёки унда қолдириш ва ҳоказолар тушунилиши лозим¹. Азоб бериш — чимчилаш, тилиш, ўтмас ёки ўткир саналган предметлар билан анча кўпсонли, лекин катта бўлмаган жароҳатлар етказиш, термик омиллар ва шу каби бошқа таъсирлар орқали узоқ вақт оғриқ бериш билан боғлиқ ҳаракатлар².

Кўриб турганимиздек, “азобламоқ” тушунчаси анча тор маънони англатади ҳамда “қийнаш”ни ўзига қамраб олмайди. Ваҳоланки, “азоб бериш” ва “қийнаш” тушунчалари ниҳоятда бир-бирига яқин. Бу ўринда “азобламоқ” ҳамда “қийнамоқ” тушунчалари ўртасида баҳс юзага келади. Ушбу тушунчаларнинг қайси бири иккинчисини ўз ичига қамраб олишини аниқлаш учун ўзбек тилининг изоҳли луғатига мурожаат қилиш зарур. Хусусан, ўзбек тилининг изоҳли луғатида айтилишича, “қийнамоқ жисман ёки руҳан азоб бермоқ, азият етказмоқ, азоб-уқубатга, қийин аҳволга солмоқ; махсус усуллар билан азоб бермоқ, қийноққа солмоқ”³. Ўзбекистон юридик энциклопедиясида ёзилишича “қийнаш — муттасил равишда, такроран ёки доимо кишини уриб, баданига шикаст етказиш ва жисмоний ҳаракатлар билан жабрланувчига жисмоний ва руҳий азоб бериш”⁴. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қароридан айтилишича, “Қийнаш деганда, кўп марта ёки узоқ вақт давомида оғриқ етказувчи, жумладан, муттасил дўппослаш, чимчилаш, кесиш, ўтмас ёки ўткир-санчилувчи (кесувчи) предметлар билан кўп сонли, бироқ чуқур бўлмаган жароҳатлар етказиш, электр ёки термик омиллар орқали таъсир кўрсатиш ва ҳоказолар билан боғлиқ ҳаракатлар тушунилиши лозим”⁵.

1984 йил 10-декабрдаги “Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг ўта шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши” Конвенциянинг 1-моддаси биринчи қисмида таъкидланишича, “қийноқ сифатида жабрланувчи шахсга нисбатан қасддан етказилган кучли оғриқ, жисмоний ёки маънавий азоб бериш тарзидаги ҳар қандай ҳаракат тушунилади”⁶.

Демак юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, “қийнамоқ” ўз ичига “азоб бермоқ”ни ҳам қамраб олади, ҳамда нисбатан кенг тушунча

ҳисобланади. Бунинг устига “суд-тиббий эксперт жароҳатларини азоблаш ва қийнаш деб баҳоламайди: саволни очиш суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд идораларининг тасарруфига киради”⁷.

Демак, айтилганларни ҳисобга олиб, Жиноят кодекси 285-моддаси биринчи қисми диспозициясидаги “азоб бериш” сўзини “қийнаш” сўзи билан алмаштиришни таклиф қиламиз.

Бизнингча, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2000 йил 15 сентябрдаги 23-сонли қарорига қўйидаги қўшимчани киритиш мақсадга мувофиқ: “Қийнаш жисмоний азобларни етказиш йўли орқали, ёки узоқ муддатли ва изтиробли оғриқ етказиш орқали амалга оширилади. Азоб бериш, уриш, чимчилаш, тишлаш, кўп миқдорда тирналаш, кўп миқдордаги лекин катта ҳажмда бўлмаган ўтмас ёки ўткир санчикли нарса орқали жароҳат етказиш, термик, кимёвий ва бошқа моддалар билан таъсир ўтказиш ва ҳоказолар тушунилади”.

Шу ўринда 285-моддада ишлатилган “мунтазам” сўзи фақат “хўрлаш”га тегишлими ёки у “азоб бериш”га ҳам тегишли ҳисобланадими, деган савол туғилади. Бу борада Т.Қ.Мирзаев ҳамда Р.Қобуловлар “хўрлаш ёки азоб бериш учун жавобгарликнинг мажбурий шarti — қилмишларнинг мунтазамлигидир”⁸ деб ёзадилар. А.С.Ёқубов ҳамда Б.А.Миренскийлар ҳам бу борада ўхшаш фикр билдиради. Лекин биз муаллифларнинг маъруза фикрларига қўшила олмаймиз. Биринчидан, қонундаги “мунтазам” сўзини “азоб бериш”га нисбатан ҳам тегишли деб ҳисоблаш учун, “хўрлаш” сўзидан кейин “ёки” сўзи ишлатилиши лозим эди. Айни ҳолатда қонунда “хўрлаш” сўзидан кейин “вергуль” тиниш белгиси ишлатилган. Демак қонун чиқарувчи мунтазамлик белгисини фақатгина хўрлашга нисбатан назарда тутган ва бу тўғри. Сабаби хўрлаш мунтазам бўлмаса, унинг ижтимоий хавфлиги юқори бўлмайди ҳамда уни жиноят сифатида баҳолаш нотўғри бўлади. Лекин азоб беришни жиноят сифатида баҳолаш учун, унинг мунтазам бўлиши ёки бўлмаслигини аҳамияти йўқ. Буни юқорида ҳар иккала тушунчага берилган таърифдан ҳам тушуниш қийин эмас. Юқорида биз “хўрлаш” сўзини “кадр-қимматини камситиш” деб, “азоб бериш”ни “қийнаш” деб ўзгартиришни таклиф қилдик. Бу борада Қ.Р.Абдурасулова ҳамда Ж.И.Сафаровлар “Қийноқ” тушунчаси билан “инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи муомала” тушунчаси ўртасидаги фарқ азоб бериш интенсивлиги ҳар хиллигида ифодаланади. Қийноқ шафқатсиз муомаланинг нисбатан оғир тури... Бир маротаба содир этилган ҳаракатни ҳам унинг шафқатсизлик ва оғирлик даражасига қараб, қийноқ сифатида баҳолаш мумкин, деб ўйлаймиз”⁹, деган фикрларини асосли деб ҳисоблаймиз.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2007 йил 27 июндаги 6-сон қарори.

² Тан жароҳатларининг оғирлиги даражаси. Суд-тиббий аниқлаш қоидалари. / Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 21 октябрь 1992 йил № 551 сонли буйруғига 12 сонли илова (Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Олий суди, Адлия Вазирлиги, Ички ишлар Вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати билан келишилган).

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдди. Т.5. / А.Мадвалиев таҳрири остида. — Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. — Б. 286.

⁴ Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Муҳитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н.Тойчиев. — Тошкент: Адолат, 2010. — Б. 608.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2007 йил 27 июндаги 6-сон қарори.

⁶ 1984 йил 10-декабрдаги “Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг ўта шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши” Конвенция. // Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ: Дарслик. — Тошкент: Konsauditinform-Nashr, 2006. —Б. 318-335.

⁷ Тан жароҳатларининг оғирлиги даражаси. Суд-тиббий аниқлаш қоидалари. / Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 21 октябрь 1992 йил № 551 сонли буйруғига 12 сонли илова (Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Олий суди, Адлия Вазирлиги, Ички ишлар Вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати билан келишилган).

⁸ Мирзаев Т.Қ. Қобулов Р. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар: Ўқув қўлланма. — Тошкент: Talqin, 2005. — Б. 24.

⁹ Абдурасулова Қ.Р. Сафаров Ж.И. Қийноқ: миллий ва халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари. — Тошкент: ТДЮИ, 2008. — Б.21.

Юқоридагилар асосида суд-тергов амалиётида хўрлаш ёки азоб бериш сингари ҳаракатларга юридик баҳо беришдаги ноаниқликларга барҳам бериш, қонунни тушуниш ва тўғри қўллашга эришиш мақсадида ушбу тушунчаларни “қийнаш” деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ.

Н.Ў. Джураева
ТДЮИ тадқиқотчиси

**ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСНИ АЛДАШ, ИШОНЧНИ
СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ
ҒАЙРИИЖТИМОЙ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРГА
ЖАЛБ ЭТИШ**

Жамиятимизнинг ижтимоий иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар, аввалом бор ҳар бир фуқаро учун нормал яшаш шароитларини яратишга, давлат хавфсизлигини таъминлаш ва муҳофаза қилиш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги шубҳасиз. Шунингдек мамлакатимизда ёшларга оид қатор дастурлар қабул қилинган. Уларнинг асосий мақсади баркамол авлодни тарбиялаш ва келажақда давлатимизни янгича фикрлайдиган, интилувчан ёшлар орқали ривожлантиришдан иборат. Ёшлар билан ишлаш алоҳида эътиборни талаб қилади. Бу борада И. Каримов: “Биз мамлакатимизнинг истиқболини ёш авлодимиз қандай тарбия топишга, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишга, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғлик фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишга боғлиқ эканлигини ҳамиша ёдда тутишимиз керак¹ – деб такидлаб ўтган.

Вояга етмаганлар жиноятчилиги эртанги кун жиноятчилигининг кўзгусидир. Республикамиз аҳолисининг 44 фоизини вояга етмаганлар ташкил қилиши², улар томонидан содир этиладиган жиноятларга қарши курашнинг жиноят ҳуқуқий чораларини ўрганиш долзарб эканлигини яна бир бор намоён қилади. Ҳар қандай ривожланган демократик давлат ўз фуқароларининг фаровон ҳаёт кечириши учун яхши ижтимоий – иқтисодий шароит яратишга интилади, жамиятни жиноятчилик каби салбий ҳодисадан муҳофаза қилишга ҳаракат қилади. Бу биринчи навбатда вояга етмаганларнинг жиноятчилигига қарши кураш, жумладан жиноят ҳуқуқий воситалар орқали курашда ифодаланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 127-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони вояга етмаган шахсни тиламчилик қилишга, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёҳвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни истеъмол қилишга жалб этишдан иборат. Тиламчиликка жалб қилиш деганда, вояга етмаган шахсни бегона шахслардан пул, озиқ-овқатлар, кийим-кечак ва бошқа буюмлар сўрашга жалб қилишни тушуниш зарур².

Вояга етмаган шахсни спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёҳвандлик ва психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир этадиган восита ва моддаларни истеъмол этишга жалб қилиш деганда, вояга етган шахснинг вояга

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 23.

² Исмоилов Н.Т. Вояга етмаганлар жиноятчилигини индивидуал олдини олиш профилактикаси. ю.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзган диссертация автореферати. – Т.: ТДЮИ, 2006. – Б. 3.

² Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида шарҳлар. Махсус қисм. – Т.: ILM-ZIYO, 2006. – Б. 117.

етмаган шахсда санаб ўтилган ичимликлар, моддалар ёки воситаларни истеъмол қилишга мойиллик уйғотиш ва уларни муттасил истеъмол қилишга ўргатиб қўйишга қаратилган ҳаракатларини тушуниш керак (алдаш, ишонтириш, ваъда бериш ва бошқа йўллар билан).

Жиноий ҳаракат сифатидаги жалб қилиш деб, вояга етган шахснинг вояга етмаган шахсда алкоголь ичимликларга ружу қўйиш ёки ақл-идроққа таъсир қиладиган, лекин гиёҳвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган бошқа модда ва воситаларга мойилликни шакллантиришга қаратилган фаол ва ташаббускор ҳаракати тушунилади.

Вояга етмаган шахсни жиноятга жалб қилиш деганда, ўсмирга жисмоний зўрлик ишлатиш ёки уни қўрқитиш, унда сотиб олиш, кўндириш, алдаш, ўч олиш, ҳасад қилиш, рашк қилиш ҳис-туйғусини уйғотиш, унга ўғирланган нарсаларни сотиб олиш ёки сотиб беришни ваъда қилиш йўли билан руҳий таъсир ўтказиш орқали бир ва бир неча жиноятларни содир этиш истагини уйғотиш ёки жиноят содир этиш жойи ва бажариш усуллари ёхуд унинг изларини йўқотишга оид маслаҳат бериш, вояга етмаган шахсни жиноят қилишга ундаш мақсадида у билан спиртли ичимликлар истеъмол қилишга қаратилган ва бошқа ҳаракатларни тушуниш зарур¹.

Маълумки, ЖКнинг 127-моддасида белгиланган жиноятнинг ижтимоий ҳавфлилиқ даражаси анча юқори. Зеро, ушбу модда 3-қисмида кўзда тутилган жиноятни содир этиш натижасида жамият кўз ўнгида янги ва янги ёш ва ҳайратли, кучга тўла жиноятчилар сафи кенгайиб боради. Албатта, бу борада қилмишнинг ижтимоий ҳавфлилиқ тушунчасига ҳам назар ташлаш даркор.

Қилмишнинг ижтимоий ҳавфлилиги жиноятнинг сифат кўрсаткичи бўлиб, сифат кўрсаткичлари орқали жиноятларнинг қайси бири оғир ёки қайси бири енгилроқ эканлигини ҳал қилиб бўлмайди. Бу муаммо жиноятнинг миқдор кўрсаткичи орқали, яъни ижтимоий ҳавфлилиқ даражасига қараб таснифлаш орқали ҳал қилинади. Корнеева А.В. жиноятнинг миқдор кўрсаткичларини аниқлашда унинг ижтимоий ҳавфлилиқ даражасини белгиловчи мезонлар, яъни бир қатор омиллар аниқланиши керак, бундай омилларга: етказилган зарарнинг оғирлиги, тажовузнинг ўзига хос хусусиятлари (жиноятнинг охирига етказилган ёки етказилмаганлиги, бир киши ёки бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилганлиги, ёки иштирокчиликда содир этилганлиги, жиноят содир қилиш усули ва ҳоказолар), айбнинг хусусияти, жиноят субъектининг ўзига хос хусусиятлари ва ҳоказолар ҳисобга олинади, деб ёзади².

Демак, жиноятнинг ижтимоий ҳавфлилиги унинг сифат кўрсаткичи. Ижтимоий ҳавфлилиги ижтимоий муносабатларга зарар етказувчи ёки зарар етказиш ҳавфи остида қолдирувчи қилмишдир. Ижтимоий ҳавфли қилмиш қонун билан қўриқланадиган қайси ижтимоий муносабатга тажовуз қилган? Тажовуз қилинган объектнинг жамият учун ўрни ва аҳамияти қандай? Бинобарин, жиноятнинг сифат кўрсаткичи, унинг объектида мужассамлашган. Жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар

жиноятнинг объекти ҳисобланади.³ ЎзР ЖКнинг 2-моддасида жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар берилган бўлиб, булар: шахс, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, мулк, табиий муҳит, тинчлик ва инсониятнинг ҳавфсизлиги ва ижтимоий муносабатларнинг рўйхатини беради. Ушбу моддада қонун чиқарувчи орган ижтимоий муносабатларни санаб кўрсатар экан, шу ижтимоий муносабатларнинг жамиятдаги аҳамиятга қараб баён қилган. Ушбу рўйхатни кўрар эканмиз, унинг бошида шахс турибди. Шахс-шубҳасиз, шахс, шу жумладан, вояга етмаган шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари жиноят қонуни билан қўриқланадиган бирламчи ва устувор объектлар ҳисобланади. Зеро, М.Х.Рустамбаев ҳаққоний равишда таъкидлаб ўтганидек, ушбу жиноят объекти – вояга етмаган шахснинг одоб-ахлоқи, унинг соғлиғи, шунингдек, жамоат тартиботи ҳамда ҳавфсизлиги ҳисобланади⁴.

Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этиш турли йўллар, усуллар орқали амалга оширилиши мумкин. Юқорида улар ҳақида умумий айтиб ўтилди. Уларни батафсил равишда кўриб чиқишни учун уларни бир неча асосий услубларга ажратиш мақсадга мувофиқ:

- алдаш, ишончли суистеъмол қилиш;
- жисмоний зўрлик ишлатиш;
- қўрқитиш, яъни руҳий зўрлик ишлатиш;
- ғараз ниятларни уйғотиш, хусусан ўч олиш,

ҳасад қилиш, рашк қилиш ҳис-туйғуси пайдо бўлишига туртки бериш.

Алдаш – бу бир шахснинг иккинчи бир киши онгига ва иродасига ақлий ва ахборий таъсир ўтказишдир. Алдаш ҳамма вақт ҳам жабрланувчи томонидан шу алдовга руҳий жавоб қайтарилишига мўлжаллангандир. Айбдор алдаётган шахсни янглиштиришга эмас, балки шахсни маълум ахлоқий йўналишга солиш учун ҳаракат қилади. Рус юристи И.Я.Фойницкий ўз асарида Спиноза фикрини келтириб, шундай ёзади: “Табиий ҳуқуққа асосан шахс ўзидан ақлий жиҳатдан пастроқ бўлган кишини алдайди: у амалда ақллигини қанчалик кўп намоён этса, унинг ҳаракатлари шунчалик ҳаққонийдир”.⁵ Жиноят ҳуқуқида алдаш деганда биринчи навбатда ёлғон фактлар (ҳаққатда мавжуд бўлмаган фактларнинг борлигини ёки амалда бор фактларнинг йўқлигини) тўғрисидаги хабарлар, маълумотлар тушунилади. “Алдаш ҳамма вақт ҳам маълум фактларни бузиб кўрсатишга қаратилгандир”, деб ёзади А.А.Пионтковский⁶.

Алдашнинг объектив томони ҳам ҳаракатда, ҳам ҳаракатсизликда намоён бўлиши мумкин. Алдаш натижаси, яъни шахснинг янглишиши алдов белгиси ҳисобланмайди. Алдаш – бу алдаётган кишининг ҳулқи, хатти-ҳаракатидир. Янглишиш эса алдов сабабли вужудга келадиган алданган шахснинг руҳий ҳолатидир. Ҳар қандай қилмиш каби алдаш ҳам

¹ Ўша манба. – Б. 118.

² Корнеева А.В. Понятие и признаки преступления. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. –М.: Юристь, 2001. – Б. 152.

³ Расулов О. Х. Совет жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1969. – Б. 100.

⁴ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. – Тошкент: ILM-ZIYO, 2006. – Б. 117.

⁵ Фойницкий И.Я. Мошеничество по русскому праву. – СПб.: Общественная польза, 1971.

⁶ Пионтковский А.А., Меньшагин В.Д. Курс Советского уголовного права. Особенная часть. – М., 1955. Т.1. – Б.751.

мазмун ва шаклга эгадир. Алдашнинг мазмуни – бу бирор нарса, воқеа, ҳодиса ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлардир. Мазмунига кўра алдашнинг кўринишлари турли-тумандир ва уларни турларга бўлиш мумкин. Юридик адабиётларда алдашни ташқи, яъни объектив ва ички (сабаб, мақсад ва ҳ.к.) факторларга бўладилар¹.

Проф. О.Ф.Зокированинг фикрича, алдаш, – биринчи навбатда қасддан ҳақиқатни бузиб кўрсатиш бўлиб, маълум фактларни, шароитларни, воқеаларни бузиб кўрсатиш, ҳақиқатни яшириш ёки ёлғон маълумотларни хабар қилишга айтилади. Агар олдиндан ўйлаб, ҳақиқатни бузиб айтиш фактни содир этилгани исботланмаса, ёки шахс хабар қилган маълумотлар ёлғон эмас деб топилса, алдаш бўлмайдиган².

Хулоса қилиб айтганда, вояга етмаган шахсларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этиш деганда вояга етмаган шахсга нисбатан алдаш, ишончни суиистеъмом қилиш, жисмоний ёхуд руҳий зўрлик ишлатиш ёки унинг онгида ғараз ниятларни уйғотиш, хусусан ўч олиш, ҳасад қилиш, рашк қилиш ҳис-туйғуси пайдо бўлишига туртки бериш орқали юқоридаги хатти-ҳаракатларга ёхуд жиноятга жалб этиш тушунилади.

Ш.Д.Ҳайдаров
ТДЮИ тадқиқотчиси

КАСБ ЮЗАСИДАН ЎЗ ВАЗИФАЛАРИНИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРМАСЛИК ЖИНОЯТИНИНГ СУБЪЕКТИВ ТОМОНИ

Жиноят субъектив белгилари тизимида субъектив томон алоҳида аҳамиятга эга. Жиноятнинг субъектив томони деганда, шахснинг жиноят содир этиш билан бевосита боғлиқ бўлган руҳий фаолияти тушунилади. Жиноятнинг объектив томони унинг фактик мазмунини белгиласа, субъектив томон жиноий қилмишнинг руҳий мазмунини белгилайди, яъни айбдорнинг руҳиятида кечувчи жараёнларни тавсифлайди. Субъектив томоннинг мазмунини бевосита ҳиссий идрок этиш мумкин эмас, уни фақат содир этилган жиноятнинг барча объектив ҳолатларини атрофлича таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш йўли билан аниқлаш мумкин. Жиноят субъектив томонининг мазмуни айб, мотив ва мақсад каби юридик белгилар ёрдамида ёритилади. Мазкур белгилар бир-бири билан узвий боғлиқ ва бир-бирини тақозо этиб, ҳар бири алоҳида мустақил мазмунга эга ҳисобланади.

Айрим олимлар айб ва уни тавсифловчи юридик белгиларни асоссиз равишда бир-бирига қарама-қарши қўяр эканлар, жиноятнинг субъектив томонини айб билан айнийлаштирадилар. Уларнинг фикрича, айб мотив ва мақсадни ҳам ўз ичига олади³. Баъзи бир муаллифлар жиноятнинг субъектив томонига жиноий жавобгарликнинг умумий асоси саналган айбнинг таркибий қисми сифатидагина қарайдилар. Уларнинг фикрича, айб ҳар қандай жиноятнинг яхлит тавсифи ҳисобланади⁴. Жиноят субъектив томонининг санаб ўтилган белгиларидан ҳар бирининг юридик аҳамияти турлича бўлади.

Айб, шахснинг ўзи содир этаётган ижтимоий хавфли қилмишга бўлган руҳий муносабати сифатида, жиноят субъектив томонининг ўзаги ҳисобланади.

П.Б.Бакунов ёзганидек, “айб – бу шахснинг ўзи содир этаётган ижтимоий хавфли қилмиш ва унинг ижтимоий хавфли оқибатларига руҳий муносабатини кўрсатувчи, қасд ёки эҳтиётсизлик шаклида ифодаланувчи жиноятнинг ажралмас белгисидир”⁵.

Ҳ.Р.Очилов “айб – жиноят қонуни билан таъқиқланган ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахснинг ўзи содир этган ижтимоий хавфли қилмишга ва унинг оқибатларига бўлган ички руҳий муносабати тушунилади”⁶, деб эътироф этади.

Айб – ҳар қандай жиноятнинг муқаррар белгиси, лекин у айбдор нима учун жиноят содир этди, деган саволга жавоб бермайди. Бу саволларга жиноят

³ Дагель П.С., Котов Д.П. Субъективная сторона преступления и ее установление. – Воронеж, 1974.; Российское уголовное право: Курс лекций. Т. 1. Преступление. – М., 2001. – 385–386-б.

⁴ Злобин Г.А. Виновное вменение в историческом аспекте. Уголовное право в борьбе с преступностью. – М., 1981. – 23-б.; Демидов Ю.А. Социальная ценность и оценка в уголовном праве. – 114-б.

⁵ Бакунов П. Айб – жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси сифатида. – Тошкент: Адолат, 2006. - Б. 58-60.

⁶ Очилов Ҳ.Р. Саволлар ва жавоблар. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 33.

¹ Ўша жойда. – Б. 117.

² Зокирова О.Ф. Фирибгарлик учун жиноий жавобгарлик. ТДЮИ, –Т., 2007. – Б. 22.

субъектив томонининг муқаррар эмас, балки факультатив белгилари саналган мотив ва мақсад жавоб беради. Улар ЖК Махсус қисмининг кўпгина нормаларида жавобгарликни оғирлаштирувчи белгилар вазифасини бажаради ва шу туфайли ҳам содир этилган жиноят учун жазонинг кучайтирилишига сабаб бўлади.

Айб касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик оқибатида содир этилувчи инсон ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли жиноятларда муҳим юридик аҳамият касб этади. У жиний жавобгарлик асосининг таркибий қисми сифатида жиний қилмишни айбсиз ижтимоий хавфли оқибатлардан ажратиш имкониятини беради. У объектив белгиларига кўра ўхшаш бўлган жиноят таркибларини бир-биридан ажратади. Масалан, ЎзР ЖКнинг 97 ва 102-моддасида назарда тутилган жиноятлар бир-биридан фақат айб шаклига кўра фарқ қилади.

Ҳар қандай жиноятнинг субъектив томони жиний жавобгарликни асослаш учун ҳам, жиноятни квалификация қилиш ва жазо тайинлаш учун ҳам улкан аҳамиятга эгадир¹. Айни шу сабабли амалдаги қонунчиликда ҳам, олий суд органларининг раҳбарий кўрсатмаларида ҳам жиноятнинг субъектив томони мазмунини: айб шакли, қасднинг мазмуни ва йўналиши, жиноятнинг мотивлари ва мақсадларини синчиклаб текшириш зарурлигини судларга кўп қарра уқтирганлар.

ЖК 116-моддасида назарда тутилган жиноятлар, яъни шахснинг ўз касбига нисбатан бепарволиги ёки инсофсизлик билан муносабатда бўлиши туфайли касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги ҳамда қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахснинг узрли сабабсиз шундай ёрдам кўрсатмаслиги эҳтиётсизлик (ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик) ёки эгри қасд билан содир этилиши мумкин. Қуйида эҳтиётсизлик ва эгри қасд ҳамда улар ўртасидаги фарқли жиҳатларига қисқача тўхталиб ўтамыз.

ЖК 21-моддаси тўртинчи қисмига асосан, агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай жиноят эгри қасддан содир этилган деб топилади. Шу ўринда эгри қасд ва эҳтиётсизлик ўртасидаги асосий фарқ нимада, деган ҳақли савол туғилади. Қасддан содир этиладиган жиноятлардан фарқли ўлароқ, эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятлар фақат моддий таркибли бўлади, яъни тегишли моддаларнинг

диспозицияларида айбдор ҳаракатларининг натижаси саналган ижтимоий хавфли оқибатлар назарда тутилади².

А.С.Якубовнинг қайд этишича, “шахс қилмишида жиний эҳтиётсизликнинг белгиларини аниқлаш қуйидагилардан иборатдир: ўз хулқ-атворининг оқибатларининг келиб чиқишига олиб келиши мумкинлигига илгаридан кўзи етмаслиги билан; шахснинг мазкур оқибатларининг келиб чиқишига кўзи етиши, унинг бурчи эканлиги билан; шахснинг мазкур оқибатларнинг келиб чиқишига кўзи етиш имконининг мавжудлиги билан изоҳланади³”.

ЎзР ЖК 22-моддасининг биринчи қисмида эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятларнинг турлари белгиланган, яъни ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик орқасида содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят деб топилиши назарда тутилган. ЎзР ЖК 22-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, агар жиноятни содир этган шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи ета туриб, эҳтиёткорлик чора-тадбирларига онгли равишда риоя этмаган ҳолда бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилган бўлса, бундай жиноят ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилган деб топилади. ЎзР ЖК 22-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, агар жиноят содир этган шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етмаса-да, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлса, бундай жиноят бепарволик орқасида содир этилган деб топилади.

Ш.Ё.Абдуқодировнинг таъкидлашича, “шубҳасиз эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятлар шахсларнинг ўз вазифаларига совуққонлик билан бўлган муносабатлари натижасида ижтимоий манфаатларга бўлган лоқайд муносабатлар ва бошқалар туфайли содир бўлади⁴”.

Бепарволик – шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етмайдиган айбнинг бирдан-бир шакли⁵. Аммо шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етмаганлиги бундай оқибатлар юз беришига руҳий муносабат умуман мавжуд эмаслигини англамайди, балки мазкур муносабатнинг алоҳида шаклини ўзида ифода қилади. Эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган мазкур айб турининг моҳияти шу билан белгиланадики, шахс ўзи содир этаётган ҳаракатларнинг ижтимоий хавфли оқибатларини олдиндан кўра билиш имкониятига эга бўлган ҳолда, мазкур оқибатларнинг олдини олиш мақсадида зарурий ҳаракатларни бажариш учун лозим даражада эътиборлилик ва эҳтиёткорлик чораларини кўрмайди, амалда мавжуд имкониятни воқеликка айлантормайди⁶.

¹ Бу ҳақда батафсил қаранг: Ахоров Б.Ж., Абдуқодиров Ш.Ё. Жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси сифатида айб ва унинг белгилари. // Жиноят процесидида айбга иқдорлик битими мавзусидаги илмий-назарий анжуман материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б. 73-83.; Бакунов П. Айб – жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси сифатида. – Тошкент: Адолат, 2006. – Б. 58-60.; Бакунов П.Б., Мирзаев У.М. Айбнинг жиний-ҳуқуқий тавсифи // Жиноят процесидида айбга иқдорлик битими мавзусидаги илмий-назарий анжуман материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б.87-91.; Юсупжонов О. Айб ва унинг шакллари оид ҳуқуқий нормалар ифодаси // Ҳуқуқ ва бурч. – Тошкент, 2008. – №5. – Б. 48-49.; Усмонов А. Эҳтиётсизлик туфайли содир этилган айб шаклини тартибга солиш муаммолари // Фалсафа ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2007. – №3. – Б. 57-59.

² Мухторов Н.И. Жиноят қонунида айбнинг эҳтиётсизлик шакли муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – Б. 7.

³ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. – Тошкент: Адолат, 1997. – Б.42.

⁴ Абдуқодиров Ш.Ё. Айбнинг эҳтиётсизлик шакли ва унинг белгилари. Уқув қўлланма.–Тошкент:ТДЮИ 2005.–Б.9.

⁵ Лунеев В.В. Субъективное вменение. – М., 2000. – 41-б.

⁶ Нерсесян В.А. Ответственность за неосторожные преступления. – СПб.: Юридический Центр Пресс, 2002. – С. 204-205.

Эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган айбнинг бир тури бўлган бепарволик ўз-ўзига ишонишга маълум даражада ўхшашдир. Жиноий эҳтиётсизликнинг иккала тури ҳам шу билан тавсифланадики, айбдор ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етмасида, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлади. Фарқ фақат шунда намоён бўладики, ўз-ўзига ишонишда шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етади ва шу туфайли ҳам ўз ҳаракатлари хавфли эканлигини англайди. Бепарволикда эса шахс ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигига умуман кўзи етмайди, бинобарин, хатти-ҳаракатлари потенциал хавфли эканлигини ҳам англамайди. Ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етишнинг ўзи ўз-ўзига ишонишнинг ақлий элементи, эҳтиёткорлик чора-тадбирларига онгли равишда риоя этмаган ҳолда бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилиш эса – руҳий элементи ҳисобланади¹. Ушбу ҳолат шу билан изоҳланадики, оқибатлардан ажратиб олинган ҳаракатлар ўз-ўзича, одатда, жиноят-ҳуқуқий мазмун касб этмайди. Айни вақтда, ўз-ўзига ишониб иш кўраётган шахс юз бериши мумкин бўлган оқибатларнинг жамият учун салбий аҳамиятини ҳар доим англайди ва айни шу сабабли мазкур оқибатларнинг олдини олишга ҳаракат қилади². Бинобарин, ўз-ўзига ишонишда айбдор ўз ҳаракати жамият учун хавфли эканлигини тушунади. Аммо ўз-ўзига ишониш ақлий элементга кўра эгри қасдга маълум даражада ўхшаб кетади. Бироқ, эгри қасдда айбдор ижтимоий хавфли оқибатлар юз бериши мумкинлигига амалда кўзи етса, ўз-ўзига ишонишда бундай имконият мавҳум хусусият касб этади³. Шундай қилиб, субъект (қасбий мажбуриятларга эга шахс) бундай ҳаракатлар ижтимоий хавфли оқибатларга олиб келиши мумкинлигига кўзи етади, лекин айни ҳолда улар юз бермаслигига умид қилади. У, ўз фикрига кўра, жиноий натижа юз беришининг олдини олиши лозим бўлган омилларни баҳолашга енгилтаклик билан ёндашади. Натижада мазкур омиллар ижтимоий хавфли оқибатлар юз беришининг олдини олишга қодир бўлмайди⁴.

Н.И.Мухторов таъкидлаганидек, “Қалтабинлик, ижтимоий хавфли оқибатларнинг олдини олишга қаратилган ҳисобга олишнинг асоссизлиги жиноий ўз-ўзига ишонишнинг асосий белгиси ҳисобланади. Шахс бу ҳолатларнинг ҳаракатчан ролини унутиши сабабли, биринчидан, ўз мақсадидан қайтмайди, иккинчидан, уни амалга ошириш учун ижтимоий хавфли воситаларни танлайди⁵”.

¹ Парог А.И. Уголовное право России. Части Общая и Особенная. – М., 2005. – 97-б.

² Российское уголовное право: Учебник в 2 т. Т. 1. Общая часть / Под ред. Л.Н.Иногамовой-Хегай, В.С.Комиссарова, А.И.Парога. - 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Изд-во Проспект, 2007. – 175-б.

³ Иванов Е.Т., Мазуков С.Х. Субъективная сторона преступления. – Ростов-на-Дону, 1999. – 29-б.

⁴ Павлов А.И. Субъект преступления. – М., 2007. – 17–18-б.

⁵ Мухторов Н.И. Жиноят қонунда айбнинг эҳтиётсизлик шакли муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ТДҶОИ, 2008. – Б. 32.

Ходимларнинг жиноят содир этишга эгри қасдидан ўз-ўзига ишонишнинг фарқи асосан руҳий элементнинг мазмуни билан белгиланади. Эгри қасдда айбдор ижтимоий хавфли оқибатлар юз беришига онгли равишда йўл қўйса, ўз-ўзига ишонишда субъект нафақат мазкур оқибатларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўймайди, балки аксинча, уларнинг юз беришига йўл қўймасликка ҳам ҳаракат қилади⁶.

Бу фикрга қўшилган ҳолда, шуни қайд этишни истар эдикки, эгри қасддан фарқли ўлароқ, ўз-ўзига ишонишда шахснинг онги ва иродаси ўз қилмиши олиб келиши мумкин бўлган салбий оқибатларга бефарқ бўлмайди, балки уларнинг олдини олишга қаратилади.

В.В.Чуйкин фикрига кўра, ўз-ўзига ишонишнинг руҳий мазмуни қонунда ижтимоий хавфли оқибатларнинг олдини олишга умид эмас, балки мўлжал сифатида тавсифланган. Бунда айбдор, ўз фикрига кўра, жиноий натижа юз беришининг олдини олишга қодир бўлган аниқ омилларга, яъни ўз кучи, маҳорати, тажрибасига, ўзга шахслар, механизмларнинг ҳаракатларига, шунингдек ўзга омилларга умид қилади ва уларнинг аҳамиятига нотўғри баҳо беради, шу туфайли ҳам жиноий натижанинг олдини олишга мўлжал асоссиз бўлиб чиқади⁷. Ҳар қандай мўлжал, шу жумладан ўз-ўзига ишонишга асосланган мўлжал ҳам энг аввало ақлий ва шундан кейингина руҳий фаолият ҳисобланади. У ходимнинг ўз касбига нисбатан бепарволиги ёки инсофсизлик билан муносабатда бўлиши оқибатида юз беради. “Кўзи етиши лозим ва мумкин бўлган” қонуннинг руҳий омил билан боғланиши эса онг ва ироданинг амалга оширилмаган имконияти сифатида қаралиши лозим. М.П.Карпушин ва В.И.Курляндский фикрига кўра, “бепарволикда юз берган ижтимоий хавфли оқибатларга инсоннинг руҳий муносабатини излаш беҳуда ишдир⁸”.

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти субъекти ўз-ўзига ишониб иш кўрганида ижтимоий хавфли оқибатларга руҳий муносабатнинг таъсирчан асосини фақат ақлий омил ташкил этади. Мазкур оқибатларга нисбатан руҳий омил амал қилмайди, гарчи субъект хулқ-атворининг ўзи руҳият билан боғлиқ бўлса-да, лекин амалда бошқача натижаларга эришишга қаратилади. Бепарволикда ижтимоий хавфли оқибатлар юз беришига қаратилган мўлжалгина эмас, балки уларнинг юз бериши мумкинлигини англаш ҳам мавжуд бўлмайди, яъни бу ерда руҳий омил ҳам, ақлий омил ҳам кузатилмайди. Бу эса ижтимоий хавфли оқибатларга субъектнинг таъсирчан руҳий муносабати ҳам йўқлигини англатади.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, бепарволикда шахс хулқ-атворининг психологик механизми айбнинг бошқа шаклларидаги ҳаракатлардан деярли фарқ қилмайди. Мавжуд фарқлар руҳий эмас, балки норматив хусусият касб этади. Қандай қўшимча ижтимоий хавфли оқибатларни эҳтиётсизлик туфайли келиб чиқади, деб ҳисоблаш қонун чиқарувчига боғлиқ бўлади. В.В.Чуйкин фикрига кўра, фақат шу сабабдан

⁶ Парог А.И. Уголовное право России. Части Общая и Особенная. – М., 2005. – 98-б.; Парог А.И. Субъективная сторона и квалификация преступлений. – М., 2001.

⁷ Чуйкин В.В. Неосторожная вина – легкомыслие или небрежность? – Минск, 1999. – 31-б.

⁸ Карпушин М.П., Курляндский В.И. Уголовная ответственность и состав преступления. – М., 1974. – 68-б.

субъектнинг оқибатларга руҳий муносабати ҳуқуқий аҳамият касб этади¹.

Жиноят-ҳуқуқий бепарволик муаммоси – жиноят ҳуқуқидаги муҳим муаммолардан биридир. У жиноят ҳуқуқи фанида ҳар доим қизғин баҳсларга сабаб бўлган². Бу тасодифий бир ҳол эмас, бепарволик жиноят ва тасодифнинг оралиғида ётади. Руҳий муносабат салгина кенгроқ талқин қилинса, тасодиф жиноятга айланади.

Бепарволик учун жавобгарликни чеклашга, бепарволик ҳаракатлари натижасида инсонга етказилаётган зиённинг ўсиши эса – жиноий жавобгарликни кенгайтиришга рағбатлантиради. Шу сабабли айрим муаллифлар “бепарволик туфайли хавф остида қолдириш таркибларини яратиш”ни жиноят ҳуқуқидаги истиқболи порлоқ йўналиш деб ҳисоблайдилар³.

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик учун жиноий жавобгарлигини назарда тутувчи таркиблар таҳлилида руҳий эмас, балки норматив хусусият касб этади: бу ерда шахс ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етиши лозим ва мумкин бўлган деб эътироф этилади. О.В.Леонтьев бу хусусда шундай деб ёзган эди: “Эътиборсизлик, лоқайдлик, бепарволик юз берган оқибатларга нисбатан амалда муайян руҳий муносабат мавжудлигидан далолат беради”⁴.

Шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслиги оқибатида содир этиладиган жиноятлар эгри қасддан содир этилганда субъектив томонининг атрофлича таҳлили мотив ва мақсадни аниқлашни ҳам тақозо этади. Шуни қайд этиш лозимки, мотив ва мақсад таҳлил қилинаётган жиноят таркибларининг зарурий белгиси ҳисобланмайди, лекин ҳар бир аниқ ҳолда уларни аниқлаш амалий аҳамият касб этади. Улар жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлашда муҳим роль ўйнайди.

Шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслиги билан боғлиқ бўлган жиноий хулқ-атвор кенг маънода жиноятнинг ички субъектив жараёни сифатида тавсифланиши мумкин. Бу жараён эҳтиёжнинг фаоллашуви, аниқ мотивнинг шаклланиши, юз бериши мумкин бўлган оқибатларга кўзи етиш ва уларни тахмин қилиш, муайян тарзда иш кўриш ҳақида қарор қабул қилиш, амалдаги мотив асосида бажарилаётган ҳаракатларни назорат қилиш ва уларга тузатиш киритишни ўз ичига олади. Шахс онгли равишда содир этувчи ҳар қандай фаолият замирида мотив ва мақсад ётади. Улар шахснинг ҳаракатлари мазмуни ва йўналишини белгилайди.

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликка доир ишлар бўйича суд амалиёти материалларини ўрганиш натижаларига кўра шундай хулосага келиш мумкинки, мазкур тадқиқот доирасида ўрганилган жиноят ишларининг 93% да ижтимоий фойдали натижага эришиш мақсадида

ёрдам кўрсатиш жараёнида эҳтиётсизлик орқасида шахснинг соғлиғига зиён етказиш ёки унинг ўлишига сабаб бўлишда ижтимоий фойдали кўзловчи мотив амал қилган. Юз берган оқибатлар субъект учун кутилмаган хусусият касб этади.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслиги оқибатида содир этилган жиноий хулқ-атвор мотиви ва мақсадни аниқлаш жавобгарликни индивидуаллаштириш нуктаи назардан, бинобарин, айбдорга адолатли жазо тайинлаш учун ҳам муҳимдир. Қилмишнинг мотиви ва мақсадни аниқлаш судга субъектнинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажаришга, улар орқали эса – жамоат манфаатларига бўлган муносабатини аниқлаш, жиноятчи шахснинг қадриятлари ва мўлжаллари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имкониятини беради. Бу эса, ўз навбатида, аниқ жиноят сабабларини аниқлаш, қилмишнинг моҳиятини тўғри ёритиш, унинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва айбдорнинг шахсини тўғри аниқлашга ёрдам беради. Ҳолбуки, буларнинг барчаси шахснинг ўзи содир этаётган ижтимоий хавфли қилмишга бўлган муносабатини атрофлича таҳлил қилишни талаб этади.

¹ Чуйкин В.В. Неосторожная вина – легкомыслие или небрежность? – Минск, 1999. – 33-б.

² Неклюдов Н.П. Общая часть уголовного права. – СПб., 1875; Кистяковский Ф.А. Учебник общего уголовного права. – Киев, 1882. – 365-б.; Немировский Э. Основные начала уголовного права. – Одесса, 1917. – 367-б.

³ Карпушин М.П., Курляндский В.И. Уголовная ответственность и состав преступления. – М., 1974. – 70-б.

⁴ Леонтьев О.В. Нарушения норм уголовного права в медицине. – СПб.: СпецЛит, 2002. – С. 6.

Р.У.Рысназаров
ҚДУ ўқитувчиси

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА НИСБАТАН ТАЙИНЛАНГАН ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мустақил Ўзбекистон халқининг турмушининг фаровонлиги учун, ҳукуматимиз томонидан давлатимизнинг барча жабҳаларида муҳим демократик ислохотлар амалга оширилмоқда, “иқтисодиётда юксак самарадорликка эришиш, жамиятда қонун устуворлигини, демократия тамойилларини қарор топтириш, халқ учун фаровон турмуш шароити яратиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсадидир” деб таъкидлайди президентимиз И.А.Каримов.¹

Халқимиз демократик давлат, фуқаролик жамият қуриш мақсади сари ҳамжихатликда ҳаракат қилаётган бир пайтда, бу йўналишда амалга оширилаётган ишларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатувчи бир қатор муаммолар юзага келмоқда. Бу муаммолардан бири, вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятчиликнинг аҳволи бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “ўтиш даврининг муайян қийинчиликлари шароитида фуқаролар онгида, айниқса, ёш авлоднинг бир қисмида, ҳаётда юксак турмуш даражасига эришишнинг асосий усули қонунга хилоф фаолият билан боғлиқ, деган мутлақо ахлоққа зид нуқтаи назар шаклланиши ва қарор топиши мумкин”² деб таъкидлаб ўтган эди.

Янги ижтимоий-иқтисодий шароитда, ишлаб чиқариш ва истеъмол бозори имкониятининг қисқариб бориши, инфляция ва нархларнинг доимий равишда ошиб бориши Ўзбекистон аҳолисининг даромади ва мулкий белгиларига кўра қатламланишига, фуқаролар, ва айниқса вояга етмаганлар ҳаётига жиддий равишда таъсир қилмоқда.³

Бундай шароитларда вояга етмаган шахсларга нисбатан тайинланган жазони ижро этиш жараёнларининг хусусиятларини ва ижтимоий даражасини белгилаш катта аҳамият касб этади. В.А.Рыбальскаянинг фикрича, вояга етмаганлар жиноятчилигида давлатдаги ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар ҳам таъсир этади. Бу ҳолат бошқача яшаш шароитининг вужудга келиши, меҳнат қилишдаги, таълим олишдаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлади⁴ деб таъкидлаб ўтган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг берган статистик маълумотларига қараганда Республикамиз бўйича 2004-йили умуман 49440 та шахс судланган бўлса шулардан 3,2% яъни 1571 си вояга етмаганлар, 2005-йили умуман 43932 та шахс судланган бўлса шулардан 3,5% яъни 1532 си вояга етмаганлар, 2006-йили умуман 44665 та шахс судланган шулардан 3,7% яъни 1618 си вояга етмаганлар, 2007-йили

умуман 43888 та шахс судланган шулардан 3,5% яъни 1524 си вояга етмаган, 2008 – йили умуман 41823 та шахс судланган бўлса шулардан 3,1% яъни 1317 си вояга етмаган шахслар, уларнинг ҳар хил мазмундаги жиноятларни содир қилганликда айбланиб судланганлигини кўрса бўлади.⁵

Ҳозирги вақтга келиб, Республикамизда вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар сони кўпайиб бормаётган бўлса ҳам, уларнинг яқин вақтда тезкорлик билан камайишини кутиш қийин.

Очилаётган жиноятлар орасида вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг учраши жуда ачинарли ҳол. “Жамият ва давлат учун ёш авлоднинг ахлоқан бузилиши ва юзубан кетишидан ҳам аянчлироқ, ҳалокатлироқ ҳол борми ўзи?”⁶, деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиздаги ҳуқуқий тизимда вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлаш ва тайинланган жазони ижро этиш жараёнлари ўзига ҳос аҳамиятга эга, юқорида кўрсатиб ўтганимиздек шу беш йил мобайнида, яъни 2004-2008 йиллар оралиғида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида умуман 223748 та шахс ҳар хил мазмундаги жиноятларни содир этганлиги учун судланган бўлса, шулардан 7562 нафари вояга етмаганлар, 7562 вояга етмаганлардан 1979 си жарима жазосига, 1251 си ахлоқ тузатиш ишлари жазосига, 22 та вояга етмаганлар қамоқ жазосига, 1350 та вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасида жазолар тайинланган, бундан ташқари 2960 та вояга етмаганларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 72 моддасига асосан шартли жазолар тайинланган.⁷

Бугунги кунда, вояга етмаганлар жиноятчилигини бартараф этиш, уларга қарши курашиш, вояга етмаганлар орасида тарбиявий профилактика ишларини олиб бориш билан бирга, вояга етмаганларга нисбатан жазони ижро этиш амалиётига алоҳида эътибор берилмоқда.

Вояга етмаганларга нисбатан жиноят-ижроия қонунчилиги, ўзига ҳос бўлган махсус мақсади, тамойили, стратегияси, шакли ва методига эга, у мамлакатнинг иш олиб боришини ва жамиятлик бирлашмаларнинг жазони ижро этишини, вояга етмаган маҳкумларнинг тузалиши ва жамиятга қайтишини ва вояга етмаган маҳкумлар ёки бошқа вояга етмаганлар томонидан янги жиноятлар содир этишининг олдини олишни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси жиноят ва жиноят – ижроия кодексига вояга етмаганларга қўлланиладиган жазо ва уни ижро этиш тизимининг асосий вазифаси вояга етмаганларни тарбиялаш, тузатиш, жиноятнинг олдини олиш ва уларни жамиятга қонунга итоаткор инсон қилиб қайтариш бўлиб ҳисобланади. Айтиб ўтиш жоизки, вояга етмаганларга нисбатан жазони ижро этишда, тарбиялаш ва тузатишда, асосий қонуниимиз

¹Каримов И.А. Адолат, Ватан ва Халқ манфаати ҳар нарсадан улғун, Т., Ўзбекистон, -1998., С.5.

²Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари, Т., “Ўзбекистон”, 1997., С., 90.

³Холиқулов У.Ш. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги бўйича вояга етмаганларга жазо тайинлаш муаммолари. Дисс... юрид. илм. номзоди. -Тошкент, 2006. -С.3.

⁴Рыбальская В.А. Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних. М. 1980. – С. 64.

⁵Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Умумий юрисдикция судларининг 2008-йил давомидаги иш фаолияти туғрисида статистик маълумотлар тўплами. Т. - 2009-йил.

⁶Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари, Т., “Ўзбекистон”, 1997., С., 90.

⁷Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Умумий юрисдикция судларининг 2008-йил давомидаги иш фаолияти туғрисида статистик маълумотлар тўплами. Т. - 2009-йил.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланган уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари, бундан ташқари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 1989-йили қабул қилинган “Бола ҳуқуқи” ҳақидаги Конвенциясида кўрсатилган талаблар тўлиқ таъминланган бўлишлари зарур.¹

Маълумки, судланганларнинг аксарият қисмин, ҳеч қайерда жамиятга фойдали иш билан шуғулланмаган, ўқимаган ва кўпчилиги ота-оналари ажрашиб кетишган оилаларда тарбияланган вояга етмаган шахслар ташкил этади.²

Бундай шароитларда яшаган вояга етмаган маҳкумларга нисбатан жазони ижро этиш муассасаларида тарбиявий профилактик ишларни олиб боришга индивидуал ёндашиш лозим, сабаби бу тоифадаги вояга етмаганлар онгида, феъл-атворида атроф муҳитдагиларга нисбатан нафрат, жаҳолат мавжуд бўлади. Агар да бундай вояга етмаган маҳкумларни жазони ўташ жойларида тузатиш ва уларни қонунга итоаткор инсон қилиб тарбиялаш амалга оширилмаса, кейинчалик улар жазони ўташ жойларидан бўшагандан сўнг ҳам қайта ҳуқуқ бузувчиликка мойиллашган бўлиб, рецидивистларга айланадилар.

Шунинг учун жазони ўташ жойларида вояга етмаганларга нисбатан тайинланган жазоларни ижро этишни дифференциациялаш ва индивидуаллаштириш тамойилларига асосланган ҳолда юқори даражада таъминланиши, жазони ижро этиш муассасаларидаги ходимлар вояга етмаганларни умумтаълим ўқитиш, уларга тарбиявий таъсир кўрсатиш, меҳнат билан тарбиялаш ва касбий таёрлашлар учун зарур шароитларни яратишлари лозим, бунинг учун уларнинг ўзлари ҳам юқори малакали касбий таёрликка эга, педагогик – психологик илмларининг асосларини яхши ўзлаштирган бўлишлари шарт.

Бундан ташқари жамият ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан вояга етмаганлар орасидаги жиноятчилик ва рецидив жиноятчиликнинг олдини-олиш бўйича саъй-ҳаракатлари олиб борилиши жуда зарур.

Айрим, тарбия колонияларида ихтиёрсиз равишда рецидивистлар тайёрлаб етиштириш учун шароитлар вужудга келтирилмоқда. Аёнки, вояга етмаганлар томонидан тақрорий жиноят содир қилинишининг олдини-олиш нафақат жиноят репрессиясини кучайтиришдан иборат бўлиб қолмасдан, балки, амалиётда жиноят ва жиноят – ижроия қонунчилигининг муайян тамойилларини мустақамлаш ва амалга ошириш, шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш шаклидаги жазони ўтаётган вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳолатлари, қонуний манфаатлари ва юридик мажбуриятларини эълон қилиш йўналишида ҳаракат қилишдан иборат.³

Судланган вояга етмаганлар томонидан ўз мажбуриятларига қатъий амал қилишлари, аҳлоқий ва

ҳуқуқий онгини шакллантириш, жиноят-ижроия тизимини қонунийлик ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, мустақамлаш ва кейинчалик уларни либераллаштириш, жиноий жазонинг асосий мақсади бўлган – судланган вояга етмаган шахсларни тузатишга эришиш ва уларни жамиятга қонунга итоаткор инсон сифатида қайтариш учун замин яратади.

Бундан ташқари, судланган вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳолатининг барча элементларини тарбия колонияси маъмурияти томонидан таъминланиши, озодликдан маҳрум қилиш шаклида жиноий жазони ўташ самарадорлигини белгилаб беради. Вояга етмаган шахсни тузатиш жараёни, вояга етмаганнинг эрки чекланган тарзда ўтказилиши боис, бу ҳол вояга етмаганга бир томондан ижобий тузатиш бўлиб таъсир қилса, иккинчи томондан ижтимоий-психологик жиҳатдан салбий равишда таъсир этиши мумкин, сабаби, вояга етмаган жиноятчини озодликдан маҳрум қилиш, унинг жамиятдан узоқлашиб, бегоналашиб кетишини кучайтириб юборади.⁴

Шунинг учун замонавий жиноят – ижроия қонунчилигини либераллаштириш доирасида, судланган вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг кафолатланганлиги, келажақда уни ижтимоийлашини амалга оширишни таъминлаш, жазони ўташ ва озодликка чиққандан кейинги даврда улар томонидан янги жиноят содир қилинишининг олдини-олиш, ўсмирни жамиятда қонунга итоаткор ҳаётга ўргатиш имконини яратади.

Бугинги кунда жиноят ва жиноят ижроия қонунчилиги олдида турган муаммолардан бири бу, вояга етмаганларга нисбатан тайинланган жазоларнинг ижросининг ҳуқуқий асосларининг шаклланиш хусусиятларини характерламоқ ва янгича кўрсатмоқ, бундан ташқари, вояга етмаганларнинг жиноятга қарши кураш олиб бориш, уларнинг олдини-олиш бўйича, мамлакатимиздаги ва чет эл қонунчиликлари таҳлил этиш асосида, ўтмишдаги ҳар хил тарийхий-сиёсий вақтларда вояга етмаган маҳкумларга нисбатан жазони ижро этиш, уларнинг тузалиши учун қўлланган ҳуқуқий – сиёсий ва ижтимоий воситаларнинг асосий усулларининг хусусиятларини аниқлаш ва уларни умумлаштирган ҳолда ҳозирги замон талабларига мослаштириб, вояга етмаганларга нисбатан жазони ижро этишда, уларни тарбиялаш ва тузатишда фойдаланиш зарур. Бу бўйича А.А.Шамансуров “жиноят – ижроия тизимининг пайдо бўлиши, ривожланиш тарихин, унинг фаолиятин тартибга солишга оид чиқарилган норматив ҳужжатларни ўрганиш, уларнинг ўтмишдаги тажрибаларин назарий тушиниб етмоқ ва уларни ҳозирги вақтда ижодий фойдаланиш пенитенциар тизимидаги юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш имкониятини яратади”⁵ деб фикр билдирган.

Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия қонунчилиги ўзининг мустақил ривожланишининг бошидан-оқ ҳалқаро нормалари ва тамойилларига асосланган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.,X-боб., 45-моддаси.. ва БМТ.Бош Ассамблеяси Бола ҳақидаги Конвенцияси, 20-ноябрь 1989-йил қабул қилинган.

² Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот марказидан олинган статистик маълумотлар.

³Кашуба Ю. А. Уголовно-исполнительная политика в отношении несовершеннолетних: Автореф. дисс... докт. юрид. наук.-Рязань,2002.-С.23.

⁴Абрамкин В.Ф.Как выжить в советской тюрьме.-Красноярск,1992,-С.94.

⁵Шамансуров А.А. Законодательное обеспечение Уголовно-исполнительной системы Республики Узбекистан.-Т.,2000,-С.6.

Жазони ижро этиш тизимининг вазифаси инсонпарварлик тамойилларин амалга ошириш, вояга етмаган маҳкум томонидан содир қилинган жиноятнинг характерига қараб эмас, унинг психологик таснифига қараб йўналтирилган ҳолда тарбиявий ишлар олиб борилса ўз самарадорлигини беради.¹

Бунинг учун вояга етмаган маҳкумларнинг ҳуқуқий мақомини ташкил этувчи халқаро ҳуқуқий нормаларни таҳлил этиш ва таснифлаш жуда зарур, бу амалдаги қонунчилик концепциялари асосида тарбия колонияларининг иш олиб бориш даражасини ошириш бўйича янги тизимларни ишлаб чиқиш учун, янги ғояларни беради.

Вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш шаклидаги жазоларни тайинлаш ва бу жазоларни ижро этиш жараёнлари инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари таъминланган ҳолда амалга оширилиши лозим. Давлатимизда, жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилигининг мустақил ривожланиши бошлангандан-оқ, давлатимиз томонидан ўтказилаётган ислохотларни таҳлил қилганимизда, вояга етмаганлар билан ишлашда асосий йўналиш шакланганлиги аниқланди.

Шунга қарамастан, жамиятимизда, вояга етмаганларнинг жиноятчилигининг олдини-олишга қўлланиладиган замонавий профилактиканинг таъсир этишин пасайтирувчи омиллар мавжуд, булар, уларнинг яшаш таризи, инсонийлик қадриятларнинг йўқ бўлиши, ўзларининг мақсадига етиш учун ижтимоий томондан ўринсиз ҳаракатларни содир этишлари, ўзларининг худбин (эгоистлик) манфаатлари ва мақсадларига етиш учун ҳеч нимадан қайтмасликлари бўлиб ҳисобланади. Вояга етмаганларга намуна буладиган ижтимоий гуруҳларнинг камайиб кетишлари да бу вазиятларни қўлламоқда.

Айтиб ўтилган салбий омилларни бартараф этиш учун вояга етмаган маҳкумларга тарбиявий-тузатиш, таъсир этиш воситаларининг замонавий лойҳаларини ва вояга етмаган маҳкумларни озодликдан маҳрум қилинган шароитларда сақлаш жараёнида юзага келадиган муаммоларни янгича илмий назардан кўриб чиқиш жуда зарур, вояга етмаган маҳкумларнинг жазони ўташ шароити ва тартибини ўрганиш, озодликдан маҳрум этилган вояга етмаган шахснинг ҳуқуқий мақомига таъсир этиш механизмини такомиллаштириш, вояга етмаган ҳуқуқбузувчининг жамиятга қайтишида озодликдан маҳрум этишнинг ўрни ва ролини аниқлаш, жиноят ва жиноят ижроия қонунчилигининг вояга етмаганларга таъсир этиш чораларининг даражасини, жазони ижро этиш муассасаларининг ходимларининг малакаларини ошириш, уларнинг вояга етмаганлар билан ишлаши учун педагогик – психологик жиҳатдан касбий етуқлигини таъминлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш лозим.

¹ Байдуков Г.П. Шамис А.В. «Реализация принципа социальной гуманизации в процессе исполнения и перевоспитания осужденных. Личность преступников и индивидуальное воздействие на них» сборник науч. трудов, -М. 1989.-С.98

**Б. Исломов,
ТДЮИ тадқиқотчиси**

ЖАЗОНИ ЕНГИЛЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТЛАРНИ ТАСНИФЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Жиноят ҳуқуқи назариясида жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг қуйидаги икки турга, ёки бошқача қилиб айтганда икки мустақил институтга, яъни:

1) жиноят таркибига киритилган ва қилмишнинг квалификация қилинишига таъсир ўтказадиган (ЖКнинг Махсус қисмида назарда татилган) ҳамда жиноий жавобгарликни дифференциация қилиш воситаси вазифасини бажарадиган;

2) жиноят таркибига кирмайдиган, жазонинг турига таъсир ўтказадиган (ЖКнинг Умумий қисмида назарда тутилган) ҳамда жазони индивидуаллаштириш воситаси вазифасини ўтайдиган ҳолатларга ажратиш қабул қилинган².

М.Г.Ушакованинг фикрича, юқоридаги ҳолатлар икки алоҳида гуруҳга ажратилади: 1) жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар; 2) ва аниқ жиноят таркибларининг квалификациялаш ҳолатлари. Ҳар бир гуруҳдаги енгиллаштирувчи ҳолатлар ЖКнинг қайси қисмида жойлашганига қараб, уларни шартли равишда қуйидагича номлаш мумкин: а) умумий (жазони индивидуаллаштириш воситаси вазифасини ўтайдиган) ҳамда б) махсус (жиноий жавобгарликни дифференциация қилиш воситаси вазифасини бажарадиган) енгиллаштирувчи ҳолатлар. ЖК Умумий қисмида ўз ифодасини топган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар – суд томонидан жазони индивидуаллаштириш воситалари категориясидаги ҳолатларни ташкил этса, квалификациялаш ҳолатларга айбланувчининг фаолияти, унинг ушбу фаолияти билан боғлиқ тарзда шахсини тавсифловчи ҳолатлар киради³. Умумий қисмдаги жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар аниқ бир жиноят таркибининг белгиси саналмасдан, жиноятнинг ва жиноятчи шахсининг ижтимоий хавфлилигини аниқ даражасини белгиланишига ва ўз навбатида, у ёки бу турдаги жиноят учун назарда тутилган санкция доирасидаги жазонинг тури ва миқдорига таъсир ўтказида⁴. Махсус қисмда назарда тутилган жазони енгиллашувчи ҳолатлар эса, аниқ бир жиноят таркибининг зарурий белгиси саналганлиги боис, бошқа бир вазифани ўтайди, яъни бошқа ҳолатлар билан биргаликда жиноятнинг сифат тавсифини ташкил қилади, жиноят таркибининг бир тури тузилишига ва ўз навбатида жиноят таркибининг

² Долиненко Л.А. Влияние смягчающих ответственность обстоятельств на индивидуализацию наказания и на освобождение от уголовной ответственности с применением мер общественного или административного возмездия: Дисс. ... канд. юрид. наук. - Томск, 1980. -С.15; Карпец И.И. Отягчающие и смягчающие обстоятельства в уголовном праве. - М., 1959. - С.25; Красиков Ю.А. Назначение наказания: обусловленность и критерии индивидуализации. - М, 1991.-С.13-14; Ушакова М.Г. Смягчающие наказание обстоятельства в уголовном праве России: Дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2002. -С.19,34.

³ Ушакова М.Г. Смягчающие наказание обстоятельства в уголовном праве России: Дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2002. -С.19-20.

⁴ Красиков Ю.А. Назначение наказания: обусловленность и критерии индивидуализации. - М, 1991.-С.12.

махсус белгисига айланиб, бошқа бир санкциянинг белгиланишига олиб келади¹.

Шунингдек, назарияда илгари сурилган ёндашувлар асосида², айрим олимлар жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар орасидан: а) жиноят содир этилишида намоён бўладиган (ЖК 55-м. 1-қ. “в”, “г”, “д”, “е”, “и” бандлари); б) жиноят содир этилишида намоён бўлмаган, бироқ у билан боғлиқ бўлган (ЖК 55-м. 1-қ. “а”, “б” бандлари); в) жиноят билан боғлиқ бўлмаган, аммо шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасини тавсифловчи (ЖК 55-м. 1-қ. “ж”, “з” бандлари); г) шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасида акс этмайдиган, аммо айбланувчини тавсифлайдиган (ЖК 55-м. 1-қ. “в” банди) ҳолатларни ажратиш кўрсатиш ҳам мумкин.

Жазони энгиллаштирувчи ҳолатларни таҳлил қилаётганда кўпчилик олимлар уларни жазони индивидуаллаштириш воситаси сифатида кўриб чиқадилар. Аммо, М.Г.Ушакованинг тўғри таъкидлаганидек, бундай бошқа бир жиҳатни ҳам, яъни ишда жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда содир қилинган жиноят ва (ёки) жиноятчи шахсининг ижтимоий хавфлилик даражасини камайтириш механизмини ҳам очиб бериш мақсадга мувофиқ бўлар эди³. Ушбу механизмнинг англаниши ҳам қонунчилик техникаси, ҳам суд амалиёти учун аҳамият касб этади. Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида ушбу механизмнинг англаниши алоҳида ҳолатларни жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар доирасига асоссиз равишда киритиш ҳолатларининг олдини олиш учун зарур⁴. Суд амалиётида эса, ушбу механизмнинг тўғри тушунилиши суд томонидан жазони энгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда жаза тайинланишида йўл қўйиладиган хатоларнинг олдини олишга кўмаклашади. Сабаби, ЖК 55-м.да белгиланган жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар рўйхати қатъий саналмасдан, суд бошқа ҳолатларни ҳам жазони энгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олишга ҳақли. Ушбу жиҳатни очиб бериш учун эса, биринчи навбатда, жазони энгиллаштирувчи ҳолатларни таснифлаб олиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунингдек, энгиллаштирувчи ҳолатларни таснифлаш зарурияти уларнинг тизимлаштирилиши, тартибга келтирилиши, ҳар бир алоҳида ҳолатнинг функцияларини аниқланиши билан белгиланади. Шу сабабдан, ушбу масалани батафсил кўриб чиқмоқ лозим. Бунда тасниф учун асос сифатида таснифланаётган объектнинг энг муҳим хусусиятларини акс эттиришга кўмаклашадиган белгиси олинishi керак⁵.

Жиноят қонунида жазони энгиллаштирувчи ҳолатларнинг таснифи келтирилмаганлиги боис, назарияда уларни таснифлашнинг турли вариантлари таклиф қилинсада, уларнинг ҳар бир ўз ижобий тарафлари билан бир қаторда камчиликлардан ҳам холи эмас.

Шу жумладан, назарияда кенг тарқалган ёндашувга мувофиқ, айрим муаллифлар

енгиллаштирувчи ҳолатларни жиноят таркибининг тўрттала элементи бўйича таснифлайдилар, яъни уларнинг фикрича, энгиллаштирувчи ҳолатлар жиноий қилмишнинг объектига, объектив томонига, субъекти ва субъектив томонига тааллуқли бўлиши мумкин. Аммо улар, жумладан И.И.Карпец ҳам, энгиллаштирувчи ҳолатларни таснифлар экан, қайси оғирлаштирувчи ҳолатлар жиноятнинг объектига тааллуқли эканлигини кўрсатиб берган бўлса-да, айнан қайси энгиллаштирувчи ҳолатларни объектга доирлигини кўрсатмаган⁶. Ушбу тасниф кўплаб танқидларга учраган. Жумладан, Г.Л.Кригер – “енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни жиноят таркибини алоҳида элементлари бўйича гуруҳларга ажратишга қаратилган уринишлар ушбу ҳолатларнинг мазмуни ҳамда маъносини англанишига кўмак бермайди”, - деб таъкидлайди⁷. Бундан ташқари, О.А.Мясниковнинг фикрича, “енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларнинг кўпчилиги ҳам қилмишга, ҳам айбдорнинг шахси ва жиноят субъектив томонига тааллуқли бўлади”⁸. А.В.Савенков ушбу муаллифларнинг танқидий фикрларини кўплаб-қувватлар экан, “... РФ ЖК 61-м.да назарда тутилган энгиллаштирувчи ҳолатлар жиноят таркиби чегараларидан ташқарида жойлашган. Шу муносабат билан, энгиллаштирувчи ҳолатларни жиноят таркиби элементларидан келиб чиққан ҳолда таснифлаш методологик жиҳатдан нотўғридир ...”⁹, - деб таъкидлайди.

Юқоридаги таснифни танқид қилар экан, Н.Ф.Кузнецова ва Б.А.Куринов объектга тааллуқли бўлган жавобгарликни энгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас, деб таъкидлаган ҳолда, энгиллаштирувчи ҳолатларни икки гуруҳга ажратадилар:

- содир қилинган ижтимоий хавфли қилмишга доир бўлган энгиллаштирувчи ҳолатлар;

- жиноятчининг шахсини тавсифлайдиган энгиллаштирувчи ҳолатлар¹⁰.

Шунга ўхшаш таснифни Н.С.Лейкина ва Ю.Б.Мельникова ҳам келтириб ўтади¹¹. Ю.А.Красиков ҳам ушбу таснифни маъқуллаб, айти пайтда, айрим ҳолатларни бирданига иккала гуруҳга ҳам киритиш мумкинлигини, сабаби уларнинг жиноят ва жиноятчининг шахси билан боғлиқ эканлигидалигини кўрсатиб ўтади¹².

⁶ Меньшагин В.Д. К вопросу об определении наказания по советскому уголовному праву // Ученые записки ВШЮН. Вып.1.-М., 1940. - С.43; Карпец И.И. Индивидуализация наказания в советском уголовном праве. - М., 1961. - С.38; Советское уголовное право, Общая часть. - М., 1974. - С.317.

⁷ Курс советского уголовного права / Под ред. А.А.Пионтковского и др. М., 1970. Т.3. – С.138.

⁸ Мясников О.А. Смягчающие и отягчающие наказание обстоятельства в российском уголовном праве: Дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2001. - С.33.

⁹ Савенков А.В. Там же. С.59.

¹⁰ Кузнецова Н.Ф., Куринов Б.А. Отягчающие и смягчающие обстоятельства, учитываемые при определении меры наказания. - М., 1958. - С.99.

¹¹ Шунга ўхшаш таснифни Н.С.Лейкина ва Ю.Б.Мельникова ҳам келтириб ўтади. - / Лейкина Н.С. Личность преступника и уголовная ответственность. - Л., 1968. - С.102-107; Мельникова Ю.Б. Индивидуализация наказания с учетом обстоятельств, характеризующих личность // Советская юстиция. 1969. №5. – С.11.

¹² Красиков Ю.А. Назначение наказания: обусловленность и критерии индивидуализации. - М, 1991. - С.16.

¹ Ушакова М.Г. Там же. С.25.

² Ушакова М.Г. Там же. С.60.

³ Ушакова М.Г. Там же. - С.61.

⁴ Кругликов Л.Л. Правовые средства обеспечения справедливости наказания в процессе его индивидуализации: Дисс. ... докт. юрид. наук. - Ярославль, 1985. - С.169.

⁵ Савенков А.В. Принцип индивидуализации при назначении наказания: Дис. ... канд. юрид. наук. – Санкт-Петербург, 2004. - С.58.

Юқоридаги таснифга нисбатан ўз эътирозини билдирар экан, Л.А.Долиненко – “Бундай тасниф ҳам шартлидир, чунки кўпчилик энгиллаштирувчи ҳолатлар бир вақтнинг ўзида ҳам жиноятни, ҳам айбдорнинг шахсини тавсифлайди”, деб таъкидласа-да, ўзининг куйидаги таснифини таклиф қилишда юқоридаги ўзи билдирган қўшимчадан фойдаланмайди:

- айбдорнинг шахсини тавсифлайдиган;

- жиноят ижтимоий хавфлилик даражасини тавсифлайдиган (ушбу гуруҳ ўз ичига куйидаги икки кичик гуруҳларни қамраб олади: жиноятнинг объектив ҳамда субъектив хусусиятларини тавсифлайдиган) энгиллаштирувчи ҳолатлар¹.

Г.З.Анашкин эса, юридик ва суд амалиётида жавобгарликни энгиллаштирувчи ҳолатларни:

- содир этилган жиноятнинг объектив ҳамда субъектив белгиларига тааллуқли бўлган;

- айбдорнинг шахсини тавсифлайдиган ҳолатларга ажратиш қабул қилинган, деб ҳисоблаган².

М.М.Бабаев энгиллаштирувчи ҳолатларни воятга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишига олиб келадиган сабаб ва шарт-шароитлар нуқтаи назаридан таҳлил қилиш орқали энгиллаштирувчи ҳолатларни уч гуруҳга ажратади:

1) содир этилган ижтимоий хавфли қилмишнинг объектив ҳамда субъектив хусусиятларига тааллуқли бўлган ҳолатлар;

2) субъектнинг шахсига доир бўлган ҳолатлар;

3) ушбу жиноий фаоллик билан боғлиқ бўлган сабаб ва шарт-шароитларга тааллуқли ҳолатлар³.

Аммо ушбу тасниф жиноят ҳуқуқи назариясида қўллаб-қувватланмади⁴.

Г.И.Чечель эса энгиллаштирувчи ҳолатларни бошқачароқ кўринишда уч гуруҳга ажратишни таклиф қилади:

- жиноий тажовузнинг объектив сифатларига;

- содир қилинган жиноятнинг субъектив сифатларига;

- жиноят субъектининг тавсифига доир энгиллаштирувчи ҳолатлар⁵.

В.И.Ткаченко, кейинчалик М.А.Скрябин ҳам энгиллаштирувчи ҳолатларни уч гуруҳга ажратиш ғоясини қўллаб-қувватлаб, ўзининг куйидаги таснифини таклиф этади:

- фақатгина жиноятни тавсифлайдиган ҳолатлар;

- фақатгина айбдорнинг шахсини тавсифлайдиган ҳолатлар;

- ҳам айбдорнинг шахсини, ҳам жиноятни тавсифлайдиган ҳолатлар⁶.

¹ Долиненко Л.А. Влияние смягчающих ответственность обстоятельств на индивидуализацию наказания и на освобождение от уголовной ответственности с применением мер общественного или административного воздействия: Дисс. ... канд. юрид. наук. - Томск, 1980. - С.30,32.

² Анашкин Г. Обстоятельства, смягчающие и отягчающие ответственность // Советская юстиция. - 1980. - № 16. - С.22.

³ Бабаев М.М. Индивидуализация наказания несовершеннолетних. - М., 1963. - С.21.

⁴ Қаранг: Ушакова М.Г. Там же. - С.63.

⁵ Чечель Г.И. Смягчающие ответственность обстоятельства и их значение в индивидуализации наказания. - Саратов, 1978. - С.9.

⁶ Ткаченко В.И. Общие начала назначения наказания: Учебное пособие. - М., 1984. - С.20-21; Скрябин М.А. Общие начала назначения наказания и их применение к несовершеннолетним. - Казань, 1988. - С.76-77.

Ушбу таснифнинг камчилигига фақатгина жиноятни тавсифловчи ҳолатларнинг амалда деярли мавжуд эмаслиги, ушбу ҳолатлар у ёки бу кўринишда айбдорнинг шахсини ҳам тавсифлашини киритиш мумкин⁷.

М.Г.Ушакованинг фикрича, юқоридаги таснифлардан ҳеч бири амалий аҳамиятга эга эмас. Алоҳида энгиллаштирувчи ҳолатларни у ёки бу тасниф гуруҳига киритиш шартли саналади, чунки уларнинг кўпчилиги бир вақтнинг ўзида содир этилган жиноятнинг ҳам объектив, ҳам субъектив сифатларини, шунингдек айбдорнинг шахсини ҳам тавсифлайди. Бундан ташқари, энгиллаштирувчи ҳолатларнинг рўйхати очиқ ҳисобланиб, суд қонунда кўрсатилмаган ҳар қандай ҳолатни энгиллаштирувчи деб топишга ҳақли. Шу сабабдан, бирор-бир илмий асосланган, амалий аҳамият касб этадиган тасниф учун ягона мезонни топиш жуда қийин. Шунинг учун, жазони индивидуаллаштиришда асосий вазифа аниқ бир ишнинг у ёки бу ҳолатини адабиётларда таклиф қилинаётган тасниф белгисига киритишдан эмас, балки содир этилган жиноятдаги ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган ҳолатлар комплексини ҳисобга олишдан иборат. Шунингдек, унинг нуқтаи назарича, бу борада энгиллаштирувчи ҳолатлар жазо таъсир ўтказиш кучига кўра куйидаги тарзда таснифлаш ягона истисно саналади:

- асосий (бир типдаги)⁸;

- алоҳида энгиллаштирувчи⁹;

- истисноли¹⁰ энгиллаштирувчи ҳолатлар¹¹.

Юқоридаги таснифни мамлакатимиз жиноят қонунига нисбатан тўлиқ қўллаб бўлмади. Шу жумладан, алоҳида энгиллаштирувчи ҳолатлар деганда, муаллиф - “De facto РФ ЖК 61-м. 1-қ.нинг “и” (ушбу банд қисман ЎзР ЖК 55-м. 1-қ. “а” бандига мазмунан мос келади) ва “к” (ушбу банд қисман ЎзР ЖК 55-м. 1-қ. “б” бандига мазмунан мос келади) бандларида мустақамланган ҳолатлар таалуққлидир, сабаби РФ ЖКнинг 62-моддасида (Жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлган ҳолда жазо тайинланиши) ушбу ҳолатлар мавжуд бўлмаган ҳамда оғирлаштирувчи ҳолатлар мважуд бўлмаган ҳолатда жазо миқдорини камайтиришга доир махсус қоидалар назарда тутилган”¹², - деб таъкидлайди¹.

⁷ Савенков А.В. Там же. - С.60.

⁸ Ушбу таснифга кўра ушбу гуруҳга ЎзР ЖК 55-м. 1-қ. “в”, “г”, “е”, “ж”, “з”, “и” бандларини киритиш мумкин.

⁹ ЎзР ЖК 55-м. 1-қ. “а” ва “б” бандларини киритиш мумкин.

¹⁰ Ёки бошқачароқ қилиб айтганда содир этилган қилмиш хусусиятларини ифодаловчи ёхуд жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларга ЎзР ЖК 57-моддасида назарда тутилган ҳолатлар киритилади.

¹¹ Ушакова М.Г. Там же. - С.64-65.

¹² РФ ЖКнинг 62-м. 1-қ.га мувофиқ, ишда айнан РФ ЖК 61-м. 1-қ. “и” ва (ёки) “к” бандларида назарда тутилган энгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлган ва оғирлаштирувчи ҳолатлар мважуд бўлмаган тақдирда, тайинланадиган жазонинг миқдори ушбу жиноят учун Махсус қисм моддасининг санкциясида назарда тутилган энг оғир жазо чорасини энг кўп муддати ёки миқдорининг учдан икки қисмидан ошмаслиги лозим. 2010 йил 18 майда қабул қилинган Қонунга мувофиқ, ЎзРнинг ЖКга ҳам мазмунан шундай маънога эга бўлган 57¹-модда (Айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганида жазо тайинлаш) киритилиб, унга кўра, ушбу Кодекс 55-моддаси биринчи қисмининг «а» ва «б» бандларида назарда тутилган жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлган ва ушбу Кодекс 56-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жазони

Л.Л.Кругликовнинг фикрича, барча энгиллаштирувчи ҳолатларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: а) бир вақтнинг ўзида ҳам жиноятни, ҳам айбдорнинг шахсини тавсифлайдиган; б) фақатгина шахсни тавсифлайдиган ҳолатлар. Жазога таъсир ўтказиш бўйича энгиллаштирувчи ҳолатлар бир хилдаги аҳамият касб этмайди. Жазо тайинлашда биринчи гуруҳ ҳолатларига устуңлик берилиши лозим. У биринчи бўлиб, барча энгиллаштирувчи ҳолатларни жазонинг муддати ҳамда миқдорига таъсир ўтказиш даражасига кўра ажратиб чиққан. Шунингдек, Л.Л.Кругликов фақатгина шахсни тавсифлочи ҳолатларнинг икки турини ажратиб кўрсатади: биринчи гуруҳга айбдор ижтимоий хавфлилиги даражасининг ўзгариши ҳақида гувоҳлик берувчи ҳолатлар киради (масалан, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш, етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш, аввалдан беайб шахсни ноҳақ айблаш); иккинчи гуруҳга эса, суд томонидан ушбу ҳолатларнинг жиноят шахсининг хавфлилигига таъсири билан боғлиқ ҳолда эмас, фақатгина инсонпарварлик туфайли ҳисобга олинадиган ҳолатлар (масалан, ҳомиладорлик ҳолати, ногиронлик, қарамоғида боқимандаларнинг борлиги) киради².

Жиноят ҳуқуқи назариясидаги жазони энгиллаштирувчи ҳолатларни таснифлаш масаласига доир фикр-мулоҳазалар ва таклифлар юқоридагилар билан чекланиб қолмайди. Навбатдаги мақоламизда, биз ушбу масалани янада тўлиқроқ кўриб чиқишга ҳамда яқуний хулоса тариқасида жазони энгиллаштирувчи ҳолатларнинг таснифига доир ўз таклифимизни билдириб, илмий асослаб беришга ҳаракат қиламиз.

оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаган тақдирда жазо муддати ёки миқдори ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг учдан икки қисмидан ошмаслиги керак. Мазкур қоида жавобгарлиқни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларга татбиқ этилмайди».

¹ Ушакова М.Г. Там же. - С. 65.

² Кругликов Л.Л. Смягчающие и отягчающие ответственность обстоятельства в уголовном праве (Вопросы теории). Воронеж, 1985. - С. 113-115.

А.А. Хуррамов
ТДЮИ тадқиқотчиси

ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚНИНГ АСОСИЙ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА ДАВЛАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

Сўнги йилларда давлатнинг халқаро савдо муносабатларидаги иштироки янги шаклларга эга бўлди ва сифат босқичига кўтарилди. Таъкидлаш лозимки, давлат бугунги кунда жаҳон товар, молия ва фонд бозорларида иштирок этувчи асосий субъектлардан бири ҳисобланади, миллий иқтисодий тизимни ривожлантириш мақсадида халқаро молия институтлари, чет эл давлати компаниялари билан турли мазмундаги шартномавий муносабатларга киришади. Бир сўз билан айтганда, давлат чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос субъекти ҳисобланади.

Маълумки, хусусий-ҳуқуқий муносабатларнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб иштирокчиларнинг тенг ҳуқуқлилиги ҳисобланади. Лекин давлат халқаро кўламдаги хусусий муносабатларда субъект сифатида иштирок этиш жараёнида ҳам халқаро оммавий ҳуқуқ субъекти сифатида унга хос бўлган сифатлардан маҳрум бўлмайди.

Ҳуқуқшунос олим Б.Б.Самарходжаев таъкидлаб ўтганидек, “давлат чет эл фуқаролари билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиб суверен ҳокимиятга хос хусусиятларини сақлаб қолади, яъни мустақиллигини сақлаб қолади ҳамда бошқа давлат ва унинг органларига бўйсинмайди”³. С.Н.Лебедевнинг ёзишича, “давлат ҳар қандай муносабатларда суверен ҳокимият эгаси сифатида иштирок этади, бундан бошқача ҳам бўлаолмайди”⁴.

Суверенитет деганда, давлатнинг ўз худудида олийлиги ва унинг халқаро муносабатларда мустақиллиги тушунилади. Давлат халқаро муносабатларга суверен тузилма сифатида киришади. Ҳар қандай давлатнинг суверенитетини ҳурмат қилиш, барча давлатларнинг суверен тенглигини тан олиш халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларидан ҳисобланади.

Л.А.Камаровский ва В.А.Ульяницкийлар суверенитетнинг асосий жиҳатлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтади: а) ҳар бир давлат сиёсий шаклини мустақил танлаши ҳуқуқи; б) ички муносабатларни тартибга солиш мақсадида қонунларни қабул қилиш ҳуқуқи; в) бошқа давлатлар билан алоқаларга киришиш ҳуқуқи⁵. Т.М. Яблочков “Ҳар бир давлат суверен ҳокимиятни ўзининг худудида амалга оширишини” таъкидлаб ўтади.⁶

М.М.Богуславскийнинг фикрича, “давлат ҳар доим ҳам ҳокимиятнинг ягона субъекти булган, лекин

³ Самарходжаев Б.Б. Участие государства в гражданско-правовых отношениях с иностранным элементом // Обзор законодательства Узбекистана. –Ташкент, 2006. С. 5.

⁴ Лебедев С.Н. О современной буржуазной практике в области иммунитета государства от иностранной юрисдикции // Сов. ежегодник международного права. М., 1961. С. 295.

⁵ Камаровский Л.А., Ульяницкий В.А. Международное право. М., 1908. С. 35-38.

⁶ Яблочков Т.М. Курс международного процессуального права. Яролавль, 1909. С. 4.

унинг ҳуқуқ субъектчилигининг вужудга келиши турли хил¹. Давлат фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузганда иммунитетни йўқотмайди ҳамда иқтисодий муносабатларда суверен сифатида ҳаракат қилади.

Давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида суверен эканлиги қуйидаги белгилари билан ифодаланади:

- фуқаролик ҳуқуқининг бошқа барча субъектлари томонидан амал қилиши керак бўлган қонун ҳужжатларини давлатнинг ўзи қабул қилади;

- иккинчи тарафнинг эркидан қатъи назар, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши учун асос бўлган маъмурий ҳужжатларни давлат қабул қилиши мумкин;

- давлат тарафларнинг ўзаро тенглик тамойилига асосланган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида иштирок этган тақдирда ҳам унинг ҳокимиятчилик функцияси сақланиб қолади;

- давлат иммунитетидан фойдаланади.

Академик Ҳ.Раҳмонқуловнинг фикрича, суверен давлатнинг юқорида келтирилган белгиларида унинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларининг иштирокчиси сифатида ўзига хос барча хусусиятлари тўлиқ ифодаланган деб бўлмайди. Аммо келтирилган белгиларнинг ўзи давлатнинг фуқаролик ҳуқуқи соҳасида унинг субъекти сифатида эгаллаган мавқеи қай даражада эканлигидан дарак беради.²

Юқорида айтиб ўтганимиздек, давлат чет эл жисмоний ва юридик шахслари ҳамда халқаро ташкилотлар билан турли хил муносабатларда иштирок этади. Бундай муносабатлар, табиийки, бир давлат юрисдикцияси доирасидан чиқиб кетади. Агар давлат бошқа давлат ҳудудида суверен ҳокимиятга хос функцияларини амалга оширсин (*jure imperium*) иммунитетга эга бўлади, агар давлат тижорат фаолиятини олиб борса (*jure gestionis*) иммунитетдан фойдалана олмайди.

Шундай қилиб, давлатнинг хусусий-ҳуқуқий муносабатларда иштирокининг асосий хусусияти унинг иммунитетга эга эканлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 79-моддасига кўра, давлат фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларда уларнинг бошқа иштирокчилари билан баравар асосларда иштирок этади³. Ушбу нормадан уч ҳолатни тушунишимиз мумкин: давлат фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти бўлиши мумкин; давлат фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа субъектлари билан баравар ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади; давлатга нисбатан юридик шахсларга қўлланиладиган нормалар тадбиқ қилинади. Бироқ давлат юридик шахс ҳисобланмайди. Чунки давлат суверенитетга эга, у юридик шахслар билан тенг ҳуқуқли муносабатларга киришади ва ўзининг ҳуқуқий мақомини ўзи белгилайди.

Чехия Фуқаролик кодексига “Агар давлат фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этса, у юридик шахс ҳисобланади”. Рус олими Д.В.Пятков ҳам

¹ Богуславский М.М. Иммунитет иностранного государства // Сов. ежегодник международного права. М., 1981. С. 230.

² Раҳмонқулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. Ўқув қўлланма. / Масъул муҳаррир: ю.ф.д. Н.Н.Насриев. –Тошкент: Ўзбекистон, 2008. –Б. 165.

³ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. –Тошкент, 2010. 79-модда

худди шу фикрни қўллаб-қувватлаган ҳолда, давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этишини юридик шахслар билан тенглаштиради⁴. Европа давлатлари қонунчилигига кўра, давлат оммавий ҳуқуқда юридик шахс ҳисобланади (Франция, ФРГ). Бу қоида давлатни юридик шахс билан тенглаштирамайди, балки давлат юридик шахснинг мақомидан фойдаланади.

Давлат ва давлат органлари фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида иштирок этишда, агар қонундан ёки мазкур субъектларнинг ўзига хос хусусиятларидан бошқача қоида келиб чиқмаса, юридик шахслар учун кўзда тутилган умумий нормаларни тадбиқ этадилар. Фуқаролик қонун ҳужжатларида ва бошқа норматив ҳужжатларда юридик шахслар тўғрисидаги давлатга, давлат бошқаруви органларига нисбатан тадбиқ этиб бўлмайдиган нормалар мавжуд. Хусусан, ЎзР ФКнинг юридик шахсни ташкил этишга, унинг таъсис ҳужжатларига, юридик шахсни қайта ташкил этишга доир нормаларнинг давлат бошқарув органларига ҳеч қандай алоқаси йўқ.⁵

Хусусий-ҳуқуқий муносабатларда давлат номидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда улар махсус вакил қилган бошқа органлар иштирок этадилар. Давлат, давлат бошқаруви органларининг хўжалик фаолияти билан шуғулланиши қоидага кўра, истисно этилади. Қонунда кўзда тутилган ҳолатларда бундай фаолият мана шу мақсадда юридик шахс мақомида махсус ташкил этиладиган давлат муассасалари ва ташкилотлари томонидан амалга оширилиши лозим⁶. 1995 йил 30 августдаги Ўзбекистон Республикасининг “Концессиялар тўғрисида”⁷ги қонунининг 5-моддасига кўра, концессия органлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси вакил қилган давлат бошқаруви органи, шунингдек жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, концессиячи эса концессия шартномаси тузган чет эллик инвестор ҳисобланади.

Шу ўринда, “давлат” тушунчасига аниқлик киритиш лозим бўлади. БМТнинг 2004 йил 2 декабрдаги Давлатларнинг юрисдикцион иммунитетини ва уларнинг мол-мулки тўғрисидаги Конвенцияга кўра, “давлат” деганда қуйидагилар тушунилади:

- давлат ва унинг бошқарув органлари;

- суверен ҳокимият сифатида фаолиятни амалга оширишга ваколат берилган федератив давлатларнинг қисмлари ва давлатларнинг сиёсий тузилмалари;

- давлатнинг суверен ҳокимият сифатида фаолиятини амалга оширишга ваколат берилган ва амалда амалга оширувчи давлатнинг муассаса ва институтлари ёки бошқа тузилмалари;

- давлатнинг вакиллари сифатида фаолият юритадиганлар.

⁴ Қаранг: Пятков Д.В. Участие Российской Федерации, субъектов Российской Федерации, муниципальных образований в гражданских правоотношениях: на примере разграничения публичной собственности. СПб., 2003. С. 56-63.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. – Т.: “Vektor-Press”, 2010. –Б. 249-250.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. – Т.: “Vektor-Press”, 2010. –Б. 250.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1995 йил, N 9, 185-модда;

Буюк Британиянинг 1978 йилдаги “Давлат иммунитетини тўғрисида”ги қонунига кўра, суверен ёки давлат бошлиғи, шу давлатнинг ҳукумати ва ҳукумат департаменти иммунитетдан фойдаланади (14.1-модда). 1976 йилдаги АҚШнинг “Хорижий давлатларнинг иммунитетини тўғрисида”ги қонунда “хорижий давлат” деганда хорижий давлатнинг сиёсий бўлимлари ёки хорижий давлатнинг агентлик ва муассасалари тушунилиши белгиланган. Ҳукумат тизимига кирувчи органлар ҳам (масалан, вазирликлар) давлат сифатида қаралади.

1972 йилдаги Давлатларнинг иммунитетини тўғрисидаги Европа Конвенциясига кўра, федератив давлатларнинг қисмлари иммунитетдан фойдалана олмайдилар. Федератив давлатдан мустақил бўлган унинг ҳар қандай қисми “давлат” тушунчасига киритилмайди (давлат функцияларини амалга оширса ҳам). Бундай давлатнинг қисмлари бошқа давлатнинг судларига жалб қилиниши мумкин (оммавий ҳуқуқ субъекти сифатида ваколатларини амалга ошириши бундан мустасно).

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига кўра, давлат томонидан тузилган юридик шахс давлатнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари давлат ўзи тузган юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Ушбу модданинг қоидалари давлат тузган шартнома асосида юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича ўз зиммасига кафиллик олган (кафолат берган) ёки мазкур юридик шахс давлатнинг мажбуриятлари бўйича ўз зиммасига кафиллик олган (кафолат берган) ҳолларга тааллуқли эмас.¹

Халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши ва бунда давлатнинг фаол иштироки унинг иммунитетдан фойдаланишини аста-секин чегаралаб борди. Давлатнинг бундай иштироки унинг юридик ва жисмоний шахслар олдига тенг ҳуқуқли контрагент бўлишига, унга нисбатан даъво қилиниши мумкинлигига олиб келди. Академик О.Е.Кутафин “Давлат фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этаётиб, томонларнинг тенглигини таъминлаш мақсадида ўзининг иммунитетини чеклайди”² – деб таъкидлаб ўтади.

XX асрнинг 70-йилларига келиб, кўпгина ривожланган мамлакатларда мутлақ иммунитетдан воз кечаётганлик тенденциясини кузатишимиз мумкин. Бундан кўзланган асосий мақсад хорижий давлатлар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, чет эл инвесторларини кенроқ жалб қилиш ва халқаро ташкилотлар билан манфаатли шартномаларга эришишдир.

Мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш мақсадида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ички ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва давлатимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш ҳамда юртимизни иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторига олиб кириш, шунингдек бу каби вазифаларни амалга оширишимизга хизмат қиладиган мукаммал қонунчилик базасини яратиш, пировардида эса халқ

фаровонлигини таъминлаш энг асосий вазифаларимиздан биридир.

Ўзбекистон Республикасида ханузгача давлат иммунитетини билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган махсус қонун қабул қилинмаган. Бундай муносабатларни тартибга солишга қаратилган махсус қонуннинг қабул қилинмаслиги чет давлатларнинг миллий судларимизда қандай ҳолатларда иммунитетдан фойдаланишлари ёки фойдалана олмасликлари, чет давлатлар билан халқаро хусусий алоқаларга киришаётган Ўзбекистон фуқаролари ва юридик шахсларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини муносиб ҳимоя билан таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради.

Кўриниб турибдики, бугунги кунда давлат иммунитетини билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш долзарб муаммолардан бирига айланиб бормоқда:

Биринчидан, давлат иммунитетини билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган махсус қонуннинг мавжуд эмаслиги инвестицион муносабатларни янада жадал ривожланишига тўсқинлик қилади, шунингдек чет давлатлар билан халқаро хусусий алоқаларга киришаётган Ўзбекистон фуқаролари ва юридик шахсларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини бузилишига олиб келиши мумкин;

Иккинчидан, ҳозирги кунда давлат иммунитетини билан боғлиқ муносабатлар миллий цивилистикада хануз етарли даражада таҳлил этилмаган, бундай муносабатлар ҳуқуқшунос-олимларимиз томонидан ўрганилишини ва амалий таклифлар ишлаб чиқилишини талаб этади.

Учинчидан, 2004 йил 2 декабрь куни БМТ томонидан “Давлатларнинг юрисдикцион ва мол-мулк иммунитетини” Конвенцияси қабул қилинган (ушбу Конвенция Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинмаган). Конвенция қоидалари кўпгина давлатлар ва олимлар орасида низоли масалаларни келтириб чиқармоқда ва ушбу муаммо барча давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда олимлар томонидан илмий ва амалий жиҳатдан қайта кўриб чиқилишини талаб қилади.

Тўртинчидан, халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши бу соҳадаги миллий қонунчиликни такомиллаштиришни тақозо қилади. Ўзбекистоннинг Халқаро савдо ташкилотига кириш масаласи кўрилаётган бир шароитда нафақат миллий қонунчиликни, балки халқаро иқтисодий алоқаларни амалга ошириш механизминини ҳам такомиллаштириш талаб қилинади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. –Тошкент, 2010. 80-модда

² Кутафин О.Е. Российская Федерация, ее субъекты и муниципальные образования как субъекты гражданского права // Журнал рос. права. 2007. №1. С. 53.

Х.Б. Абдурахмонова
ТДЮИ тадқиқотчиси

ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚДА ОТА-ОНА ВА ФАРЗАНДЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЧЕТ ЭЛ ЭЛЕМЕНТИ БИЛАН МУРАККАБЛАШУВИ

Ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларда чет эл элементининг мавжудлиги ва унда иштрокчиларнинг турли давлат фуқаролигига эгаллиги халқаро хусусий ҳуқуқ доираси тизимига киришига асос бўлади. Демак, ушбу муносабатларнинг субъекти муомала лаёқатига эга жисмоний шахслар.

Аммо барча жисмоний шахслар ҳам ота-она ва фарзандлар муносабатлари субъекти бўла олмайди. Ушбу муносабат субъекти бўлиш учун шахс (энг аввало

ота-онанинг) ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлиши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 22-моддасига биноан “Фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати (муомала лаёқати) у вояга етгач, яъни ўн саккиз ёшга тўлгач тўла ҳажмда вужудга келади.

Халқаро хусусий ҳуқуқда жисмоний шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқий ҳолати икки аспектга қараб белгиланади. Биринчи гуруҳга давлатнинг ўз фуқаролари (ягона фуқаролик), иккинчи аспектга эса давлат ҳудудида муносабатга киришаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар. Давлат ҳар икки ҳолатда ҳам фуқароларнинг ҳуқуқларини бузилишини олдини олиши зарур. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг II бўлим VI боб 23-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар. Шу билан биргаликда 22-моддага кўра Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисиди ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди.

Қонунчиликда жисмоний шахсларнинг ҳолати икки категория билан белгиланади. Яъни ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати. Халқаро хусусий ҳуқуқда икки категория давлатларнинг қонунчилигида турлича белгиланган. АҚШ ва Англияда ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати бир термин ҳуқуқ лаёқати (legal capacity) билан ифодаланади, суд амалиётида эса (passive capacity) ва (active capacity). Франция қонунчилигида эса аниқ фарқлар берилмаган. Германия Фуқаролик тузуқларида урта термин ҳуқуқ лаёқати (Rechtsfähigkeit), муомала лаёқати (Geschäftsfähigkeit) ва деликт лаёқати (Deliktsfähigkeit) қўлланилган. Франция, Германия (1896 йилги Германия Фуқаролик тузуқларида 21 ёш амалдаги Фуқаролик тузуқларида эса 18 ёш белгиланган) ва Англияда муомала лаёқати 18 ёш, АҚШ ва унинг штатларида 18-20 ёш, Швецарияда 20 ёш этиб белгиланган.

¹ Зенин И.А. Гражданское и торговое право зарубежных стран: Учеб. пособие. –М.: Юрайт-Издат, 2009. –С.45.

Германия Фуқаролик тузуғида ёзилишича, жисмоний шахснинг ҳуқуқ лаёқати туғилганига 24 соат бўлганидан сўнг амалга ошади. Японияда эса ҳуқуқ лаёқати туғилиши биланоқ амалга ошади. Бу эса бола ҳуқуқларини ҳар томонлама қонун билан ҳимоя қилинишига олиб келади.²

И.А.Зенин муомала лаёқатини тўрт гуруҳга бўлади: умумий, қисмий, чегараланган ва нулевая.³ Существует *четыре состояния дееспособности*: полная, частичная, ограниченная и «нулевая».

Вояга етганлик шахснинг тўлиқ фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига ва никоҳга кириш лаёқатига сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилигига мувофиқ, никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланган. Бироқ, узрли сабаблар бўлганда ва алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёштини кўпи билан бир йилга камайтирилиши мумкин. Шундай қилиб, қонун вояга етмаган фуқаролар никоҳга киришига, тегишли равишда вояга етмаган эр-хотин фарзанд кўришига йўл қўяди. Ўз ўзидан равшанки, вояга етмаганлар никоҳга кирмасдан ҳам фарзанд кўришлари, яъни ота ва она бўлишлари мумкин. Айни шу сабабли ЎзР ОҚнинг IV бўлим XI боб 72-моддасида вояга етмаган ота-онанинг ҳуқуқларига бағишланган махсус модда берилганлиги муҳимдир. Вояга етмаган ота-она ўз боласи билан бирга яшаш ва унинг тарбиясида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Улар ўз оталиги ва оналигини умумий асосларда, яъни вояга етган шахслар каби эътироф этиш ёки бунга эътироз билдириш ҳуқуқига эгадир. Вояга етмаган ота-она ўн олти ёшга тўлишлари билан ота-оналик ҳуқуқларини мустақил амалга оширадилар.

Армания, Беларуссия, Молдова, Туркменистон Республикаларининг Оила кодексларида ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатларнинг коллизия бoғловчилари бир томонлама ҳал этилган.

Демак, қонун ҳужжатларида белгиланган нормаларга амал қилиниши ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатларнинг чет эл элементи билан мураққаблашишига субъектлардан бирининг ёки улардан ҳар иккисининг чет эл фуқароси бўлиши билан, яъни муносабат субъектларининг хорижий характерга эга бўлиши билан белгиланади.

Ота-она ва фарзанд муносабатларида хорижий характерга эга бўлиши мумкин бўлган кейинги элемент юридик факт бўлиб, юридик факт – ушбу муносабатларнинг вужудга келиши ва бекор бўлишининг юридик аҳамиятини белгиловчи асосдир. Ушбу элементнинг бир давлат доирасидан четга чиқиши, яъни муносабат субъектлари тегишли бўлган давлатдан четда рўй бериши чет эл элементи билан мураққаблашган никоҳ муносабатларини келтириб чиқаради.

Г.Ю.Федосееванинг таъкидлашича, “юридик факт бошқа иккита категорияга (объект, субъект) киритиб бўлмайдиган барча муносабатларни ўз ичига олишга қаратилган захира ролини бажаради”⁴

Г.С.Иномжонова фикрича, оилавий-ҳуқуқий

²См.: Вагацума С, Ариидзуми Т. Гражданское право Японии. Кн. 1. М., 1983. С. 43, 44.

³ Зенин И.А. Гражданское и торговое право зарубежных стран: Учеб. пособие. –М.: Юрайт-Издат, 2009. –С.38.

⁴ Федосеева Г.Ю. Брачно-семейные отношения как объект международного частного права: Автореферат. дисс. ...докт. юрид. наук. –М.: 2007. –С.23.

муносабатлар ҳодиса ва айниқса, унинг бир тури бўлмиш ҳолат сингари юридик фактлардан юзага келади.¹

Юридик фактлар фуқароларнинг эрки ёки уларнинг эркидан ташқари рўй беришига қараб, ҳаракат ва ҳодисаларга бўлинади. Ота-она ва фарзанд муносабатларида юридик факт иштрокчиларнинг хоши иродаси билан эмас, балки ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг қонунда кўрсатилиши билан шаклланади. Кўриниб тургандек, юридик фактлар моддий ҳамда ҳуқуқий характердаги ҳолатларнинг яқинлашувидан вужудга келади.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, ота-она ва фарзанд муносабатларига давлат томонидан қонун туси берилиши вояга етмаган болаларнинг ва шу билан бирга ёрдамга муҳтож ота-онанинг ҳимояланишига олиб келди. Фарзандларнинг дунёга келиши никоҳда ва никоҳсиз туғилишга ажратади. Халқаро хусусий ҳуқуқда ўрганилаётган муносабатларга доир коллизия масалалар бўйича чет эл амалиётида асосан шахсий қонунга қўшимча қоидалар қўлланилади. Насл-насаб масалалари ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатларга доир масалаларни ечиш омили сифатида ва мазкур муносабатлар коллизия ҳуқуқда, одатда, алоҳида-алоҳида қаралади; уларнинг муҳимлиги никоҳсиз туғилган болалар ва никоҳда туғилган болаларнинг ҳуқуқий ҳолатидаги фарқлар билан белгиланади.²

Францияда никоҳда туғилган болаларнинг насл-насаби узоқ вақтча никоҳ статутини (ота-она биргаликда қайси давлат фуқароси бўлса, шу давлатнинг миллий ҳуқуқи, у бўлмаганда эса – улар бирга яшайдиган жой ҳуқуқи) билан, никоҳсиз туғилган болалар насл-насаби эса – уларнинг миллий ҳуқуқи билан белгиланган. Франция давлатининг “Қон-қариндошлик муносабатлари тўғрисида”ги 1972 йил 3 январда қабул қилган қонунининг 311-314-моддаларига кўра, никоҳда ва никоҳсиз туғилган болалар биргаликда қаралади ва уларнинг насл-насаби онанинг миллий ҳуқуқига бўйсундирилади. Оталикни (оналикни) қонунийлаштириш ва ихтиёрий тан олиш масалалари бўйича муқобил қоидалар назарда тутилган: никоҳ тузиш йўли билан қонунийлаштириш учун у ё никоҳ статутига, ё эр-хотин ёки боланинг миллий ҳуқуқига; оталикни тан олиш учун эса – аризачи ёки боланинг миллий ҳуқуқига мувофиқ келиши кифоядир.³

Англия ҳуқуқига келсак, бу ерда туғилишнинг “қонунийлиги” тўғрисидаги масала жиддий чеклашлар билан ота домицили қонунига мувофиқ ҳал қилинади. “Қонуний” ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатлар аксарият чет эл мамлакатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ оила бошлиғининг шахсий қонуни – отанинг фуқаролиги қонунига бўйсундирилган.⁴ Никоҳсиз туғилган бола ва унинг ота-онаси ўртасидаги муносабатлар ГФТга мувофиқ онанинг фуқаролиги қонунига, бошқа бир қанча давлатлар (Швейцария, Дания, Греция, Испания ва б.)нинг қонун ҳужжатларига мувофиқ – отанинг шахсий қонунига бўйсундирилган. Ўта муҳим масала – отанинг ўз никоҳсиз туғилган фарзандига таъминот бериш тўғрисидаги масала турли мамлакатларда айна шу асосларга кўра ҳал

қилинади.⁵

Бу масала Финляндиянинг 1929 йил 5 декабрь қонуни (20-23-§)да айниқса муфассал тартибга солинган. Айна ҳолда гап боланинг онаси Финляндияда киришган алоқадан туғилган болани таъминлаш учун амалга оширилаётган тўловлар ҳақида боргани туфайли, бу ерда Финляндиянинг (бу масалада анча прогрессив хусусиятга эга бўлган) қонун ҳужжатлари қўлланади.

Ҳозирги вақтда айрим мамлакатлар амалиёти ва ҳуқуқий таълимотида никоҳсиз туғилган болалар ва уларнинг ота-онаси ўртасидаги муносабатларга доир баъзи бир масалаларга нисбатан боланинг миллий ҳуқуқини қўллаш ҳоллари, қонунларга тегишли нормаларни киритишга уринишлар кузатишмоқда. Чунинчи, Португалия ФК никоҳсиз туғилган боланинг шахсий статутига қўшимча қоидалардан фойдаланади, лекин у амалда субсидиар хусусият касб этади, зеро мазкур статут фақат боланинг турли давлат фуқаролари бўлган ва турли мамлакатларда яшайдиган ота-онаси билан муносабатларига нисбатан амал қилади; шунингдек у боланинг “қонунийлаштириш”, ихтиёрий тан олиш ва фарзандликка олишга розилигига нисбатан ҳам кумулятив тарзда амал қилади.

Шу сабабли бу ерда насл-насабидан қатъи назар барча болаларнинг тенглиги принципнинг эълон қилиниши улкан ютуқ ҳисобланади. Бу жуда муҳимдир, чунки никоҳсиз туғилган боланинг насл-насабини белгилашга узоқ вақт мобайнида йўл қўйилмаган ва конкubinатда туғилган болаларга нисбатангина кўп сонли далилий изоҳлар билан руҳсат этилган. Масалан, Англия ҳуқуқига ХХ асрнинг 20-йилларига қадар бундай болалар насл-насабсиз деб ҳисобланган.⁶

Шарқий Европа мамлакатларида фарзандликка олиш ва оталик тўғрисида эътироз билдириш масалалари бола туғилишига кўра қайси давлат фуқароси бўлса, шу давлатнинг қонунига мувофиқ ҳал қилинади.⁷ Масалан, Венгрияда чет эл фуқароси бўлган болаларга нисбатан умуман олганда ички ҳуқуқ қўлланади. Оталикни белгилаш ва оталик тўғрисида эътироз билдиришга ички ҳуқуқни қўллаш ҳақида қоида Чехия қонун ҳужжатларида ҳам мавжуд. Мамлакатда яшайдиган болаларга нисбатан, агар бу бола манфаатларига мувофиқ бўлса, оталикни ҳақиқий деб топиш учун мазкур таомил амалга оширилаётган давлатнинг қонунига риоя этилиши кифоядир.⁸

Ота-она ва болалар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларга нисбатан бола қайси мамлакат фуқароси бўлса, шу мамлакат қонуни қўлланади. Суд мамлақати қонунини қўллашга бола мазкур мамлакатда яшаган ва бу унинг манфаатларига мувофиқ келган тақдирда йўл қўйилади.

¹ Г.С.Иномжонова. Ота-оналар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммолари. Ўқув қўлланма.-Тошкент: Адолат,2006.-Б.21.

² Қаранг: Лунц Л.А. Курс международного частного права: В 3 т. – М.: Спарк, 2002. – 733-б.

³ Batifol et Lagarde. L'improvisation de nouvelles regies de conflit de lois en matiere de filiation // Revue critique. – 1972. – № 61. – P. 1–26.

⁴ Францияда одат тусини олган амалиётга, ГФТ қонуни (19-моддаси), Италия ФКга (20-моддаси), Англия Домицил тўғрисидаги қонунига мувофиқ.

⁵ Қаранг: Лунц Л.А. Курс международного частного права: В 3 т. – М.: Спарк, 2002. –С.734.

⁶ Қаранг: Скариндов А. . Международное частное право. Учебное пособие. – М.: СПб, 1998. –С. 514-517.

⁷ Польша Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонуни 19-моддаси 2-§, Болгария Оила кодексининг 96-моддаси.

⁸ Қаранг: Лунц Л.А. Курс международного частного права: В 3 т. – М.: Спарк, 2002. –С.735.

Э.О. Ҳамроев
ТДЮИ тадқиқотчиси

ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК: МОҲИЯТИ, ЗАРУРАТИ ВА АҲАМИЯТИ

Бугун жаҳон сиёсий ҳаритасида халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида эътироф этилган икки юздан ортиқ давлатлар мавжуд. Давлат суверенитети ғояларига асосланган ҳолда, мазкур давлатларнинг барчаси ўз ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади, ўз қонун ҳужжатларини ишлаб чиқади, уларни ижро этади, миллий қонунчилигида белгиланган тартибда ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллайди, шу жумладан, жиноий одил судловни амалга оширади. Лекин транспорт инфратузилмаси, халқаро алоқа тармоқлари, ахборот воситалари ривожланган бугунги кунда давлатлар ҳар доим ҳам мустақил равишда жиноят содир этган шахсларни топиш ва уларга нисбатан одил судловни амалга ошира олиш имкониятига эга бўлмадилар. Мазкур омил давлатларни жиноий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятларни очиш, одил судловни амалга ошириш, суд ҳукмларини ижро этиш ва халқаро жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ўзаро ҳамкорликни амалга оширишга ундайди.

Жиноят ишларини юритишда халқаро ҳамкорлик давлатлараро муносабатларнинг бошқа шаклларида (ташқи сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий-гуманитар алоқалар ва ҳ.к.лардан) бир қатор ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Чунки жиноят ишларини юритишда халқаро ҳамкорлик олдиндан режалаштирилмаган ҳолда амалга оширилади: жиноят содир этилганлиги тўғрисидаги хабар ёки муайян процессуал ҳаракатларни амалга ошириш заруратининг юзага келиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан чет давлатларнинг ваколатли органлари ва халқаро ташкилотларга хабар берилишига сабаб бўлади. Мазкур соҳада халқаро ҳамкорлик амалга ошириш эса, қуйидаги омиллар туфайли муҳимдир:

1) “жиноят содир этилган ҳудуд бўйича судловлилик” принципи ҳар доим ҳам жиноят ишларини юритиш қайси давлатга тегишли эканлигини аниқ белгилай олмайди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 11-моддаси 2-қисмига мувофиқ, агар қилмиш:

а) Ўзбекистон ҳудудида бошланган, тамомланган ёки тўхтатилган бўлса;

б) Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида содир этилиб, жиноий оқибати эса, Ўзбекистон ҳудудида юз берган бўлса;

в) Ўзбекистон ҳудудида содир этилиб, жиноий оқибати эса, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида юз берган бўлса;

г) бир неча қилмишлардан иборат ёки бошқа қилмишлар билан биргаликда содир этилган бўлиб, унинг бир қисми Ўзбекистон ҳудудида юз берган бўлса, Ўзбекистон ҳудудида содир этилган жиноят деб топилади. Агар биз ҳар бир мамлакатнинг миллий қонунчилигида шу каби норма мавжуд деб ҳисоблайдиган бўлсак, Жиноят кодекси 11-моддаси 2-қисми “б”, “в”, “г” бандлари бўйича қилмиш бир пайтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ давлатнинг судловига тегишли бўлиб қолади. Мободо бу

давлатлар судловлилик бўйича бир тўхтамга кела олмасалар, жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш коэффициенти пасайиб боради;

2) “жиноят содир этган шахс бўйича судловлилик” принципи ҳам ҳар доим жиноят ишларини юритиш қайси давлатга тегишли эканлигини аниқ белгилай олмайди. Масалан, Қозоғистон Республикасининг Жиноят кодекси 7-моддасига мувофиқ, Қозоғистон Республикасидан ташқарида жиноят содир этган Қозоғистон Республикаси фуқаролари, башарти қилмиш у содир этилган давлатда ҳам жиноят деб топилган бўлса ва улар бошқа давлатлар томонидан судланган бўлмасалар Қозоғистон Республикасининг Жиноят кодекси бўйича жавобгарликка тортиладилар. Мамлакат ташқарисида жойлашган Қозоғистон Республикаси ҳарбий қисмларининг хизматчилари чет давлат ҳудудида содир этган жиноятлари учун, башарти Қозоғистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, Қозоғистон Республикасининг Жиноят кодекси бўйича жавобгарликка тортиладилар. Қозоғистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жиноят содир этган чет эл фуқаролари, башарти улар содир этган жиноят Қозоғистон Республикасининг манфаатларига қарши қаратилган бўлиб, Қозоғистон Республикасининг халқаро шартномаларида шундай тартиб назарда тутилган бўлса, шунингдек бу шахслар бошқа давлат томонидан судланган бўлмасалар ва Қозоғистон Республикасида жиноий жавобгарликка тортилган бўлсалар, Қозоғистон Республикасининг Жиноят кодекси бўйича жавобгарликка тортиладилар. Табиийки, бу каби нормалар давлат суверенитети ғояларига амал қилган ҳолда белгиланган. Лекин уларни қўллашга келганда, бир мамлакатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари зарур имкониятларга эга бўлмадилар. Демак, юқоридаги каби нормаларни қўллаш ҳам халқаро ҳамкорлик асосида амалга оширилади;

3) бугунги кунда суд-тергов амалиётида бир мамлакат ҳудудида жиноят содир этиб, иккинчи бир мамлакатга қочиб кетиш ҳолатлари тез-тез учраб турибди. Бу ҳол мазкур шахсларга нисбатан жиноят ишлари юритишни ўта қийинлаштиради. Зеро, Р.Сайфулов таъкидлаб ўтганидек, “Бир давлат ҳудудида жиноят содир этиб, бошқа мамлакат ҳудудида яширинган жиноятчиларга қарши жиноий таъқиб самарадорлигини амалга оширишнинг асосий жиҳати бу шундай шартномаларни тузиш ва уларнинг реал ижросини таъминлашдир”¹. Чунки вазиятга реал баҳо бериш шундай хулосаларга олиб келадики, уларни рад этиш мумкин эмас. **Биринчидан**, жиноятчи қочиб келган мамлакатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари унинг жиноят содир этганлигидан камдан кам ҳоллардагина хабардор бўладилар. **Иккинчидан**, мазкур мамлакатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари бу каби шахсларга нисбатан жиноят ишларини юритишга ҳар доим ҳам етарли даражада эътибор қаратмайдилар. **Учинчидан**, чет элда содир этилган қилмиш юзасидан айбловни амалга ошириш учун ҳар доим ҳам етарлича далиллар мавжуд бўлмайди. **Тўртинчидан**, айтиб ўтиш учун

¹ Сайфулов Р.А. Экстрадиция в уголовном процессе (по материалам МВД и Прокуратуры Республики Узбекистан): Автореф. ... дис. канд. юрид. наук. – Т., 2001. – С.10.

муайян мамлакатда жиноий жавобгарлик назарда тутилади, иккинчи бир мамлакатда эса, йўқ. Бундай ҳолатда биринчи мамлакат ҳудудида жиноят содир этган шахс дарҳол иккинчи мамлакат ҳудудига ўтиб кетади. Бу эса, жиноятчининг жиноий жавобгарликдан қутилиб қолишига сабаб бўлади ва ҳ.к.

4) халқаро жиноятчиликка қарши курашиш зарурати ҳам давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни амалга оширишни талаб этади. Хусусан, 1991 йилда Халқаро ҳуқуқ комиссияси томонидан қабул қилинган тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар Кодекси лойиҳасида назарда тутилган агрессия, агрессия таҳдиди, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралаштириш, геноцид, апартеид, инсон ҳуқуқларини бузишга қаратилган ҳарбий жиноятлар, атроф муҳитга қасддан ва жиддий зарар етказиш жиноятлари, шунингдек трансмиллий уюшган жиноятчилик, терроризм, ёлланиш, жосуслик, давлат чегараларини ноқонуний кесиб ўтиш, контрабанда, чегара ва божхона режимини бузиш, ноқонуний молиявий операциялар ва жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш, пул белгилари, қимматли қоғозлар, кредит карточкалар, расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш, уларни тарқатиш ва улардан фойдаланиш; тарих ёки маданият ёдгорликларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш, шунингдек, уларни четга олиб чиқиш ва четдан олиб кириш; автотранспорт воситалари билан ноқонуний операцияларни амалга ошириш; одам савдоси; ноқонуний миграция каби жиноятларга қарши курашиш давлатлар ўртасида икки томонлама ва коллектив (минтақавий ва умумжаҳон) ҳамкорликни амалга ошириш орқалигина самарали ташкил қилиниши мумкин;

5) халқаро алоқа ва ахборот тармоқлари ривожланган XXI асрда айрим турдаги жиноятларни содир этиш учун шахс ҳар доим ҳам жиноят содир этиладиган мамлакат ҳудудига ташриф буюриши талаб этилмайди. Мазкур омил қуйидаги ҳолатлар билан тавсифланади: **Биринчидан**, юқорида санаб ўтилган жиноятлар бўйича аксарият ҳолларда жиноятнинг бевосита бажарувчисинигина аниқлаш мумкин бўлади, жиноятнинг “бююртмачилари” (ташкilotчи, далолатчи, ёрдамчи ва кўмакчилар)ни аниқлаш эса, анча қийин кечади. **Иккинчидан**, айрим жиноятлар, хусусан, ахборот хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларда жиноят содир этган шахсни ҳам, жиноят содир этилган ҳудудни ҳам аниқлаш коэффициентлари жуда паст. Бундай жиноятларга қарши кураш фақат ва фақат халқаро ҳамкорлик воситасида амалга оширилади.

6) жиноят ишлари бўйича чиқарилган ҳукмларни ижро этишда ҳам халқаро ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Чунки маҳкумларни жазони ижро этиш учун ўз мамлакатига юбориш, аввало, давлатлараро муносабатларни янада барқарорлаштиришга, улар ўртасида ўзаро ишончнинг мустаҳкамланишига, қолаверса, жазолашдан кўзланган мақсадларга тезроқ эришшга, маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга, уларнинг келгусида ижтимоий ҳаётга тезроқ мослашиб кетишларига хизмат қилади.

7) жиноятчиликка қарши кураш ва жиноят ишларини юритиш соҳасида ўзаро ахборот алмашинуви мазкур соҳадаги ҳамкорликнинг навбатдаги зарурий омили бўлиб ҳисобланади. Ахборот алмашиш ҳақаро ҳамкорликнинг энг самарали

воситаси ҳисобланади. Бугунги кунда давлатлар жиноят ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш эканлар, айниқса, қуйидагилар тўғрисида ўзаро ахборот алмашинувини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этиши кўза ташланмоқда:

а) уюшган гуруҳлар тарафидан жиноятларни содир этиш усуллари, уларнинг таркиби, тузилиши, фаолият соҳаси ва жиноий алоқалари тўғрисида;

б) гиёҳвандлик моддаларини яширишнинг янги усуллари ва уларни ошкор қилиш методлари, уларни ноқонуний ташишнинг янги йўналишлари ҳамда каналлари, ноқонуний юргизилишга келиб тушаётган гиёҳвандлик моддаларининг янги турлари, уларнинг хусусияти ва тайёрлаш технологияси тўғрисида;

в) террорчилик фаолиятининг шакл ва методлари, фoш қилинган террорчилик гуруҳларининг тузилиши ва таркиби, улар томонидан фойдаланиладиган техника воситалари, тайёрланаётган ҳамда амалга оширилган террорчилик ҳуружлари ва уларга алоқадор шахслар тўғрисида, агар кўрсатилган фаолият бошқа томон давлатининг манфаатларига дахл қилса;

г) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни қонунийлаштириш усуллари, бундай турдаги фаолиятда шубҳаланилаётган ташкилот, муассаса ва корхоналар тўғрисида;

д) айрим турдаги, хусусан, юқорида санаб ўтилган халқаро жиноятларни содир этганликда шубҳаланилаётган, бошқа томон давлати ҳудудида доимий яшайдиган ёки вақтинча бўлиб турган томонлар давлатларининг фуқаролари;

е) бир томон давлатининг жиноий қонунчилигини бошқа томон давлати фуқаролари тарафидан бузилганлиги тўғрисида рўйхатга олинган фактлар тўғрисида ва ҳ.к.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, жиноят ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш бугунги кунда давлатлараро муносабатларнинг муҳим йўналишини ташкил этади. Бундай ҳамкорликнинг изчил йўлга қўйилиши, **биринчидан**, уюшган жиноятчиликнинг турли шакллари ва унга қарши курашга тааллуқли ахборот ва маълумотларни сўровнома ёхуд ўз ташаббуси асосида доимий равишда, изчил ва тезкор алмашиш; **иккинчидан**, давлатлараро экспертлар ва дастурлар, махсус тергов ва тезкор техника бўйича умумий ўқув курсларини алмашиш орқали амалда бўлган уюшган жиноятчилик таҳдидлари, шунингдек унга қарши туришга тайёр бўлган техника ва ташкилий тузилмалар соҳасида доимий ва ўзаро равишда хабардор қилиб туриш; **учинчидан**, турли мамлакатларнинг уюшган жиноий бирлашма ва гуруҳлари ўртасидаги мумкин бўлган алоқалар тўғрисида ўзаро қизиқиш уйғотувчи тезкор маълумотларни алмашиш; **тўртинчидан**, бундай жиноий алоқаларнинг ривожланишига тааллуқли масалаларни биргаликда ўрганиш; **бешинчидан**, уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги қонуний актлар ва меъёрий ҳужжатлар, илмий, касбий ва ўқув нашрларини, тегишли органларнинг тезкор ҳаракатларида фойдаланиладиган шахсий ҳимоя техник воситаларининг нусхаларини алмашиш; **олтинчидан**, уюшган жиноятчиликка қарши курашни ташкил қилиш бўйича тажриба алмашиш; **еттинчидан**, уюшган жиноятчилик ўзини намоён қиладиган тузилма ва шакллари тадқиқ қилишда ҳамкорлик қилиш;

саккизинчидан, телеахборот коммуникация тизимлари хавфсизлиги бўйича тажриба ва технологияларни доимий равишда ўзаро алмашиш; **тўққизинчидан**, икки ёки ундан ортиқ мамлакат таъкиб қилишдан манфаатдор бўлган жиноий фаолиятдан олинган даромадларни қонунлаштириш бўйича операцияларга алоҳида кўрсатган ҳолда ғайриқонуний молиявий операциялар, қоғоз пуллар ва қимматбаҳо қоғозларни қалбакилаштириш, санъат асарлари ва осори атиқаларни ўғирлаш, экологик жиноятлар, шу жумладан, захарли ва радиоактив моддаларни ғайриқонуний сотиш, шунингдек қурол-яроғ, портловчи моддалар ва стратегик хом ашё савдоси каби бошқа алоҳида хавфли жиноятлар бўйича тезкор ахборотни алмашиш; **ўнинчидан**, одамфурушлик, аёллар ва вояга етмаганларни жинсий эксплуатация қилиш, шунингдек ғайриқонуний миграция бўйича тезкор ахборотни алмашиш имкониятини беради.

Р. Кенджаев

ЎЗР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти тадқиқотчиси

ҲУҚУРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТИ СИФАТИДА МАҲАЛЛА ҲАМОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

Конституциянинг қабул қилиниши мустақил давлатимиз тарихида буюк воқеа бўлди. Бугунги кунга қадар Республика ва вилоятларимизда Конституциямизнинг 18 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган байрамга қизғин амалий тайёргарлик ишлари ҳамда чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эса ўз навбатида, Конституциямизга бўлган ҳурмат ҳамда уни янада мустақкам ва гуллаб яшнашига замин яратади. Шу ўринда, Юртбошимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган табрик сўзида, яъни “ҳар биримиздан дунёқарашимиз, онгу тафаккуримизни сиёсий, ва ҳуқуқий савиямизни юксалтириш, ён атрофимизда бўлаётган воқеаларга дахлдорлик туйғусини янада кучайтиришни, содда қилиб айтганда, бу гўзал ва бетакрор юрт – мен учун ягона Ватан, унинг бошидан кечираётган қувонч ва ташвишлари – менинг қувонч ва ташвишларим, деб, шундай ҳиссиёт билан яшашни талаб қилади”– деб жон куйдириши бежиз эмас, албатта.

Энг диққатга сазоворли жиҳати шуки, Ўзбекистонда 2010 йил – “Баркамол авлод йили” деб эълон қилиниб, энг эзгу, энг улуғ мақсад йўлида яна бир қатъий қадам ташланди. 2009 йил 9 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Баркамол авлод йили” Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармойишида янги йилда амалга ошириладиган вазифаларнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги қарорига мувофиқ “Баркамол авлод йили” Давлат дастури тасдиқланди. Ушбу дастурдан кўзланган мақсад, қарорда қайд этилганидек, мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрь кўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва ҳуқуқорлик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзуида маъруза қилди. Унда қуйидаги устувор йўналишлар доирасида истиқболга йўналтирилган асосий вазифалар белгилаб берилди, яъни:

1. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш;
2. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш;
3. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш;
4. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш;

5. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш;

6. Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодийни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ушбу концепцияда янги тахрирда 5 та, қўшимча ва ўзгартириш бўйича 8 та ва янги қонунлар ишлаб чиқиш бўйича 16 та, жами 29 та қонун лойиҳаси назарда тутилди диққатга сазовордир.

Ушбу концепциянинг бешинчиси, яъни фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришга бағишланди. Унда фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланаётганлиги, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратилаётганлиги, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашаётганлиги таъкидланди. Зеро, бундай ташкилотларнинг обрўси ошиб, мустақамланиб боргани сари фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли жамиятимизда тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, фуқароларнинг энг муҳим социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортқ қонун ҳужжатлари қабул қилингани ҳам бу соҳа ривожига бўлган катта эътиборни кўрсатади, деб эътироф этади муҳтарам Юртбошимиз. Шу маънода, фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислохотларимизнинг очиқ ошқоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Президентининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш бўйича оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланишини, фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг аҳамияти ва роли оширилишини таъминлайдиган чоратadbирларни назарда тутадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги таклифлари ҳам муҳим аҳамиятга моликдир.

Маълумки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг асосий бўғинини ифодалайдиган, “маҳалла” атамаси биринчи марта Ўзбекистон

Республикаси Конституциясига киритилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105 – моддасида: “Шаҳарда, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди” деб белгилаш билан бирга унга аҳоли ўзини ўзи бошқарувининг ноёб шакли сифатида конституциявий тақом берилди.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир мамлакат мустақилликка эга бўлгач, ўз олдига бир қанча юксак мақсад ва вазифаларни режалаштириб қўяди. Ўзбекистон ҳам мустақилликка эришгач, ўз олдига бир қанча мақсадли вазифаларни режалаштирди, ишлаб чиқди ҳамда дастуриламал сифатида фойдаланилмоқда. Бугунги кунга келиб, мустақиллик шарофати билан Президент И.А.Каримовнинг раҳбарлигида маҳаллага бўлган эътибор – маҳаллаларда милиция таянч бўлимлари, маҳаллаларда спорт комплекслари, бир сўз билан айтганда “маҳалла гузарлари” ташкил этилиши, шунингдек уларга берилаётган ваколатлар ўзини ўзи бошқариш органларида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилаётганлигидан далолат беради. Мустақиллик, эркинлик, озодлик - Ўзбекистон маҳаллаларига мана шундай шарт – шароит ва имкониятларни яратиб берди.

Маҳалла – Ўзбекистоннинг муайян тарихий шароитларида, асрлар давомида шаклланиб, фаолият кўрсатаётган, аҳоли яшайдиган маъмурий – ҳудудий бирлик, уюшмадир. Маҳалла – минг йиллар давомида инсониятнинг буюк даҳолари томонидан эътироф этилган, жамоа бўлиб яшаш турмуш тарзини ардоқлаган ўзбек халқининг анъанавий урф – одатлари, миллий давлатчилик маданияти, умумбашарий қадриятларини ўзида мужассамлаштирган халқчил жамиятнинг мўъжаз маскани, Ватан ичра – Ватандир.¹

Маҳаллага эътибор мустақиллик билан баробар ўсиб борди. Дарҳақиқат, Маҳалла – аввало, соғлом ижтимоий муҳит маскани. Маҳаллаларда кенг жамоатчилик ўртасида мафкуравий ишларни самарали йўлга қўйиш учун катта имкониятлар мавжуд. Айниқса, миллий қадриятлар, меҳр – оқибат, эл – юрт шаъни, Ватанга муҳаббат каби фазилатларни камол топтиришда маҳалланинг ўрни беқиёсдир.

Мустақиллик даврида маҳалла - ўз моҳияти, фаолиятининг мазмуни ва шакллари билан шарқона фикрлаш, иш кўриш тарзи каби халқимизнинг ўзига хос фазилатларини акс эттиради. Маҳаллалар аҳолини аҳил – тотув яшашга, сидқидилдан меҳнат қилишга, касб ўрганишга, шулар орқали ҳаёт кечирини энгиллаштиришга чақирган. Маҳалла – аҳолининг умумий яшаш қоидалари ва ўзаро бирдамлик анъаналари билан боғланган маскан. Президент И.А.Каримов халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши ўн бешинчи сессиясида сўзлаган нутқида: “Ўзини ўзи бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига жуда хос бўлган усули – маҳаллалар тизими сўнгги йилларда жуда катта нуфузга эга бўлиб бормоқда. Улар амалда ўз ҳуқуқларидаги барча ишлар учун масъулдирлар. Зеро, маҳалланинг қўлидан

¹ Қаранг: Мустақиллик илмий – оммабоп луғат. А.Жалилов ва К.Хоназаровлар умумий таҳририда. Т., Шарқ 2000 йил. Б. 112 – 114.

келмайдиган иш йўқ”, - деб таъкидлаган эди.¹ Шундан келиб чиққан ҳолда, 1992 йил 12 сентябрда “Республика “Маҳалла” хайрия жамғармаси”, 1993 йил 2 сентябрда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Шунингдек, юртимизда 2003 йилнинг “Обод маҳалла йили” ва 2009 йилнинг “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилиниши ва ҳозирги пайтда ҳам мамлакатимиз раҳбари томонидан маҳаллага берилаётган катта эътибор, маҳалла ҳуқуқларининг давлат даражасида кафолатланишини, барпо этилаётган адолатли фуқаролик жамиятнинг таянчи ва суянчиғи бўлиб қолиши ҳамда унинг қудратли омилга айланганлигига яна бир амин бўлмоқдамиз.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш фурсати етди, дейди президентимиз Ислам Каримов. Дарҳақиқат, шу нуқтаи назардан қараганда, Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Бу ўринда, “Кучли давлатдан – кучли жамият сари” ғояси Президентимиз И.А.Каримов асарларида янада кенгроқ талқин қилинган бўлиб, хусусан, “пировард мақсадимиз – кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатлиги”²ни таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Бинобарин, “Фуқаролик жамияти институтлари, жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат қурилиши тизимидаги ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш масаласи устувор йўналишга айланиши зарурлиги”³ ҳозирги давр талаби деб таъкидлайди Президентимиз.

Хулоса қилиб айтганда, Юртбошимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган табрик сўзидан келиб чиқиб, “ҳар биримиздан дунёқаршимиз, онгу тафаккуримизни сиёсий, ва ҳуқуқий савиямизни юксалтириш, ён атрофимизда бўлаётган воқеаларга дахлдорлик туйғусини янада кучайтиришни, содда қилиб айтганда, бу ғўзал ва бетақор юрт – мен учун ягона Ватан, унинг бошидан кечираётган қувонч ва ташвишлари – менинг қувонч ва ташвишларим, деб, шундай ҳиссиёт билан яшашни талаб қилади”. Зеро, мана шу муқаддас Ватан бизникидир. Унинг нурли истиқболи, тинчлиги, фаровонлиги ва равнақи учун ҳар биримиз бирдек масъулдиримиз. Бу эса ўз навбатида, ҳар биримизнинг зиммамизга юксак масъулиятли вазифаларни бажаришни юклайди.

¹ Қаранг: И.А.Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши ўн бешинчи сессиясида сўзлаган нутқи. Халқ сўзи. 1994 йил. 3 август.

² Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.Т.3. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996. – 177 б.

³ Қаранг: Каримов И.А. Асосий вазирамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришидир. “Ўзбекистон” – Т.: 2010 й. Б.29.

Х.Мухамедходжаева
ТДЮИ тадқиқотчиси

ИЖРО ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИ ЮЗАСИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ СУБЪЕКТЛАРИ

Ижро ҳокимияти фаолияти юзасидан жамоатчилик назорати бу давлат органлари фаолияти устидан жамият назоратининг бир тури бўлиб, у, одатда ижро ҳокимияти органлари фаолиятида бевосита инсон ҳуқуқларига риоя этилиши билан боғлиқ бўлган, айти пайтда кенг жамоатчиликни қизиқтираётган, фуқаролар билишни хошлаётган ва фуқаролар етарлича бохабар бўлмаган, ёки умуман беҳабар бўлган ижтимоий ёки маҳаллий аҳамиятга эга бўлган маълумотлар, ахборотларни қонунда белгиланган тартиб ва асосларда олишга ва шу аснода тегишли муаммонинг амалий ечимини топишга қаратилган, олдиндан белгилаб олинган қатор тадбирлар йиғиндисидан иборат бўлади.

Мамлакатимизда мавжуд фуқаролик жамияти тузилишини таҳлил этиш асносида ижро ҳокимияти фаолияти юзасидан жамоатчилик назорати потенциал субъектларини аниқлаш имконини беради. Субъектлар доирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- нодавлат ноижорат ташкилотлар;
- сиёсий партиялар;
- маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари;
- жамоат бирлашмалари;
- алоҳида фуқаролар;
- ОАВ⁴.

Шу ўринда совет даври илмий адабиётида жамоатчилик назоратининг субъектлари доираси масаласида ҳам етарли даражада аниқлик бўлмаганлигини таъкидлаш мумкин. Шунга боғлиқ ҳолда, бу масалада икки ёндошувни ажратиш мумкин. Биринчи ёндашув бўйича, жамоатчилик назоратининг субъектлари сирасига партия, касаба уюшмалари, комсомол ва халқ депутатлари маҳаллий Советларининг доимий комиссияларини киритилган (В.А.Власов⁵, Я.А. Здир⁶, Е.Н. Тагунов⁷).

Иккинчи ёндашув бўйича, жамоатчилик назорати субъектлари доирасига партия, касаба уюшмалари, комсомол ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг доимий комиссияларидан ташқари, яна кооперативлар, кўнгилли жамоат ташкилотлари ва уюшмаларини ҳамда жамоат ҳаваскорлик органларини (органы общественной самодеятельности населения) ҳам киритади. Жамоат ҳаваскорлик органлари қаторига кўча комитетлари, уй бошқармаси ҳузуридаги ёрдам кўрсатиш жамоатчилик комиссиялари, ота-

⁴ Беков И. Сиёсий партиялар – фуқаролик жамиятининг муҳим институти // “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш масалалари: назария ва амалиёт” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. –Т., 2007. –Б..203; Набиев Т., Солеев А. Ўзини ўзи бошқариш органлари – жамоатчилик назорати субъектлари сифатида // Фуқаролик жамияти. –Т., 2008. № 7. –Б.17–23; Абдуллаев Ж.М. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг роли (назарий-ҳуқуқий масалалар). Юрид. фанл. номз. ... дисс. автореферати. –Т., 2008. –Б.27.

⁵ Власов В. А. Указ соч.

⁶ Здир Я.А. Государственные инспекции в СССР. – М., 1960г.

⁷ Тагунов Е.Н. О юридической силе протестов прокурора в порядке общего надзора // Правоведение. –1961. – № 4. – С. 52 – 59.

оналар комитети, халқ дружиналари ва касалхоналар ҳузурида ёрдам кенгашлари, Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари ва бошқаларни киритишган. Уша пайтда ушбу субъектлар томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб қўйилган бўлган¹. Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг доимий комиссиялари ишларида меҳнаткашларнинг қатнашуви жамоатчилик назоратининг энг кенг шакли ҳисобланган. Жамоатчилик назорати субъектлари сифатида фуқаролар эътироф этилмаган. Кейинчалик 70-80 йилларда бу масалада маълум даражада ўзгаришлар бўла бошлаган.

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ўз ҳудудларида жойлашган тегишли орган ва муассасалар фаолиятини маълум даражада ўз ваколатлари доирасида назорат қилишлари мумкин. Жамоат бирлашмалари ташкилий-ҳуқуқий шаклига боғлиқ ҳолда қонунда белгиланган асос ва тартибда ижро ҳокимияти фаолиятини назорат қилиши мумкин ва зарур. Жамиятнинг аъзоси ҳисобланган фуқаролар ҳам бундай жамоат назоратининг субъектлари бўлиши мумкин. Дарҳақиқат яхлит жамият давлат устидан назорат қилиш ҳуқуқига эга экан, демакки, бу яхлит бутуннинг қисми ҳам бундай ҳуқуқга эга бўлиши лозим.

ОАВ га ижро ҳокимияти жумладан, куч ишлатиш ваколатига эга бўлган органлар ва тузилмалар фаолияти устидан назорат қилиш бўйича алоҳида ижтимоий вазифа юклатилган бўлиб, бу ҳолат ОАВнинг ўзига ҳос жиҳатлари билан тафсифланади, мас., ОАВ нафақат бу соҳадаги камчиликлар тўғрисида турли манбалардан маълумотлар йиғибгина қолмасдан, балки, бу маълумотларни жамоатчиликка тезкор етказиш ва бу камчиликларнинг тузатилишига таъсир этиш имконига ҳам эга².

Худди шунингдек, демократик давлатда жамоат бирлашмалари куч ишлатувчи тузилмалар фаолияти, хусусан, озодликдан маҳрум этилиб, жазони ўтаётган, ҳибсга олинган, тергов изоляторларида сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан назорат олиб бориши мумкин ва зарур. Айти пайтда, маҳкумларнинг моддий, тиббий, санитар ҳамда ижтимоий-маиший таъминланиши масаласини ҳам назорат қилиши мумкин³.

¹ Положение об уличных комитетах в городах, рабочих и дачных поселках. Участие общественности в работе местных Советов (Сборник документов). – М.: Госюриздат, 1960. (С. 13, 14, 29, 30, 89, 109, 127–128, 187–188.).

² Абдуллаев Ж.М. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг роли (назарий-ҳуқуқий масалалар). Юрид. фанл. номз. ... дисс. автореферати. –Т., 2008. –Б.27; Саидов Б. Защита прав человека в деятельности правоохранительных органов // Демократизация и права человека. 2007. –№2. –С.109–113; Тиллабаев М. Сотрудничество государственных органов и институтов гражданского общества в сфере защиты прав человека // Демократизация и права человека. –Т., 2008. №2. –С.120. (С.116–120).

³ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2001 йил 8 майда №118 буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2001 йил 6 июнда №1039 рўйхатдан ўтказилган ва 2001 йил 28 июндан кучга кирган “Озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб Қоидалари” // “Бюллетень нормативных актов министерств, государственных комитетов и ведомств Республики Узбекистан”. 2001 г. N 11.

Ижро ҳокимияти органлари фаолияти юзасидан жамоатчилик назорати қатор мақсадларга эришишни назорат тутати. Шу тоифадаги назоратнинг мақсади бўлиб, ижро ҳокимиятининг тегишли органи ва аҳолининг эътиборини ҳал этилишга муҳтож бўлган муаммога қаратиш ҳамда унинг ечимини топишга ҳаракат қилиш, мас., ички ишлар органлари фаолиятида қонунийликни кучайтириш зарурлигига ички ишлар органлари эътиборини қаратиш ҳамда тегишли фактларни оммага етказиш, кенг жамоатчиликни боғабар қилиш, муаммонинг ечимини топишга ёрдам кўрсатиш ҳисобланади.

Ижро ҳокимияти фаолияти юзасидан жамоатчилик назоратининг яна бир муҳим мақсади – мазкур тизимга кирувчи давлат органлари фаолиятида турли суиистеъмолчиликлар ва қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ҳисобланади. Мас., соғлиқни сақлаш муассасаларида санитария-гигиена ва бошқа қоидаларига етарли даражада риоя этмаслик оқибатларини аниқлаб, бу салбий ҳолатга тегишли ваколатли юқори ташкилотлар ва кенг жамоатчилик эътиборини қаратган ҳолда, мутахассислар ёрдамида бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш чораларини тақриф этиш каби.

Ижро ҳокимияти органлари фаолияти юзасидан жамоатчилик назоратининг яна бир мақсади – мазкур органлар фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати олиб бориш ва бу соҳадаги ишларни яхшилаш ҳисобланади. Мас., ижро ҳокимияти органлари томонидан фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши ва фуқароларнинг мурожаатларидаги талаб ва истақларнинг бажарилиши устидан тегишли жамоатчилик назоратини олиб бориш.

Ижро ҳокимияти органлари фаолияти серқирра бўлиб, уларнинг кўпгина йўналишлари бевосита фуқароларнинг кундалик эҳтиёжлари, турли хил хизматларни кўрсатишни ташкил этиш билан боғлиқдир, жумладан, аҳолига тиббий, маърифий, маиший ва бошқа хизматлар каби. Шунга боғлиқ ҳолда, ижро ҳокимияти фаолияти юзасидан жамоатчилик назоратини олиб боришнинг яна бир муҳим мақсади бўлиб, аҳолига кўрсатиладиган турли хизматларнинг сифатини ошириш ҳисобланади. Мас., тиббий муассасаларда, хусусан, стоматологик, туғруқхона каби тиббиёт муассасаларида санитария-гигиена қоидаларининг тўлиқ бажарилиши устидан, озиқ-овқат корхоналари ва ҳамда ошхона, кафе ва ресторанларда аҳолига кўрсатиладиган хизматлар ва маҳсулотлар ҳамда тайёр таомларнинг тегишли стандартларга мослиги масаласини назорат қилиш.

Ижро ҳокимияти органлари тизимига кирадиган давлат органлари, корхона, муассаса ва турли ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш ҳамда жавобгарлигини кучайтириш – ижро ҳокимияти фаолияти юзасидан жамоатчилик назоратининг пировард мақсади ҳисобланади. Жамоатчилик назорати натижасида ижро ҳокимияти органи раҳбарлари фаолиятидаги ўзи бўларчилик, сансалорлик, лоқайдлик каби иллатлар очиб ташланади ва уларни бартараф этиш талаб қилинади⁴.

⁴ Тиллабаев М. Сотрудничество государственных органов и институтов гражданского общества в сфере защиты прав

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришни янги сифат босқичига кўтаришга қаратилган чора-тадбирлар тизими амалга оширилмоқда. Бу масалада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг амалга ошираётган саъй ҳаракатлари самараси яққол кўзга ташланиб турибди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 23 июнда чиқарган “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнини жадаллаштириш ва уни янги сифат даражасига кўтаришда катта аҳамиятга эга бўлди. Мазкур ҳужжатда таъкидланганидек, мустақил, барқарор, аҳоли кенг қатламлари мададига сазовор бўладиган ва халқ орасида чуқур илдиз отган фуқаролик жамиятининг хилма-хил институтларини ташкил этиш ва ривожлантириш Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат, ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги ғоят муҳим вазифа ҳисобланади¹. Қарорда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат, очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида муайян қадамлар кўйилди. Мамлакатда жамиятни демократик янгилаш ва модернизациялаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида фуқаролик жамияти институтларини шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий ва моддий шарт-шароитларини яратишга қаратилган қатор чора-тадбирлар кўрилди. Шулар сирасига фуқаролик жамияти институтлари – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти, сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари ва жамғармалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари шаклланганлигини тан олиш лозим².

Жамоатчилик назорати жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, ижодий уюшмалар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролар ҳамда уларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа уюшмалари томонидан амалга оширилади.

Сиёсий партиялар, турли жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролар жамоатчилик назоратининг муҳим субъектларидир. Фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида, айниқса сиёсий партиялар жамоатчилик

назоратини амалга ошириш юзасидан катта масъулиятни зиммаларига олишлари зарур.

Бугунги кунда мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг турли институтлари фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг маълумотида кўра мамлакатимизда 5300га яқин жамоат ва нодавлат ташкилотлари: сиёсий партиялар – 4 та, миллий маданий марказлар – 40 дан ортиқ, жамғарма ва хайрия ташкилотлари – 70 та, касаба уюшмалари – 22 та, тармоқ касаба уюшмалари – 14 та, ижтимоий ҳаракатлар – 2 та, миллий кўмиталар – 5 та, аёллар ва болалар ташкилоти – 48 та, халқаро жамоат ташкилотлари – 62 та, ваколатхоналар ва уларнинг филиаллари – 70 та – расмий рўйхатдан ўтишиб, фаолият кўрсатмоқда³.

Бугунги кунда жамоатчилик назоратининг субъектлари бўлиб, жамоат бирлашмалари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссиялари, сиёсий партиялар, нодавлат - нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг бошқа турли хил уюшмалари, оммавий ахборот воситалари, ижодий уюшмалар, маҳаллалардаги фуқаролар йиғини ҳамда фуқаролар ҳисобланади.

Ижро ҳокимияти фаолияти юзасидан жамоатчилик назоратини олиб боришда жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг ўрни катта ва ўзига хос ҳисобланади⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.03.2005 йилги “Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ этиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида”ги ПҚ-24-сонли Қарори 5 ва 2005 йил 23 июнда қабул қилинган “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора – тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ – 107 қарори мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнини жадаллаштиришда муҳим сиёсий - ҳуқуқий воқеа бўлди. Дарҳақиқат, қарорда эътироф этилишича, мустақил, барқарор, аҳоли кенг қатламлари мададига сазовор бўладиган ва халқ орасида чуқур илдиз отган фуқаролик жамиятининг жуда хилма - хил институтларини ташкил этиш ва ривожлантириш Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат, ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги ғоят муҳим вазифа ҳисобланади⁵.

“Маълумки, сиёсий партиялар аҳолининг маълум бир қатламлари фикрини, қарашларини ифодалайдиган муҳим демократик восита. Жаҳоннинг ривожланган давлатларида давлат бошқарувида,

человека // Демократизация и права человека. –Т., 2008. №2. – С.120. (С.116–120); Бафаев Ш. Общественный контроль как важный фактор построения демократического правового государства и гражданского общества // Общественное мнение. Права человека. – Т., 2007. №1. (С.30–35). –С.33; Чоршанбиев Ж. Жамиятни демократлаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик назоратининг роли // Жамиятни демократлаштириш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш – Ўзбекистон тажрибаси мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: “Chashma Print”, 2009. (331-337 б.). (590 бет). (2008 йил 25-26 дек.да бўлган). –Б.336.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 23 июнда қабул қилган “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палаталарининг Ахборотномаси. – Т., 2005. – №6.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палаталарининг Ахборотномаси. – Т., 2005. – №6.

³ Адлия Вазирлигининг жорий архиви. 2008 йил.

⁴ Набиев Т., Солеев А. Ўзини ўзи бошқариш органлари – жамоатчилик назорати субъектлари сифатида // Фуқаролик жамияти. –Т., 2008. №7. –Б.17–23.

⁵ “Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ этиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида”ги ПҚ-24-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2005. №10–11. 71-модда.

⁶ “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора – тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ – 107 қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палаталарининг Ахборотномаси. –Т., 2005. №16. 2-модда.

иқтисодий ривожланишнинг йўл ва йўналишларини танлашда, ижро ҳокимияти кадрларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли салмоқли ва самарали эканлиги маълум. Сиёсий партияларнинг ўзаро ҳамда сиёсий партиялар билан ҳокимият ўртасидаги соғлом рақобат жамият ривожланишининг энг тўғри йўналишларини белгилаб олишга ёрдам берадиган механизмдир, дейилса муболаға бўлмайди¹.

Ижро ҳокимияти фаолияти юзасидан жамоатчилик назоратини олиб борадиган субъектлар тизимида сиёсий партиялар, касаба уюшмалари каби жамоат ташкилотлари муҳим роль ўйнайди. Айниқса, сиёсий партиялар ва улар вакил қилган депутатлар ижро ҳокимияти таркиби ва тизимига кирувчи вазирликлар ва бошқа давлат органлари фаолияти устидан кенг жамоатчилик назоратини амалга оширишлари зарур.

Н. Жамолов
Фалсафа ва ҳуқуқ
институти тадқиқотчиси

ҚОНУН ЙЎЛ ҚЎЙМАГАН ВА ҚОНУН ЙЎЛ ҚЎЙГАН ҲАРАКАТЛАР – ЮРИДИК ФАКТ СИФАТИДА

Юридик фактларни классификация қилишнинг асосий ва бош мезони эркининг ифодаланиши ҳисобланса, бугунги кундаги юридик фактларни турларга бўлишнинг аҳамияти жиҳатидан иккинчи даражадаги мезон бу юридик ҳаракатларни эрки ифодаланишининг ҳуқуқ нормалари мослигидан келиб чиқиб, ҳуқуқ йўл қўйган ҳаракатлар ва ҳуқуқ йўл қўймаган ҳаракатлар – ҳуқуқбузарликка бўлиниши ҳисобланади.

Юридик ҳаракатларни ҳуқуқ йўл қўйган ва ҳуқуқ йўл қўймаган ҳаракатларга бўлиниши қатъий ва баҳс муноазарларда холи эмаслигини таъкидлаб ўтиш лозим. Зеро бу мезон айрим ўринларда у ёки юридик ҳаракатларга тавсиф бериш имконини бермаслиги мумкин.

Хусусан, адабиётларда узоқ муддат мобайнида ҳақиқий саналмайдиган битимни ҳуқуқ йўл қўйган ҳаракат (битим) сифатида эътироф этиш масаласи бўйича мунозара кетмоқда. Ҳақиқий бўлмаган битимлар ҳуқуқий табиатини таҳлил қилиб, бир гуруҳ олимлар уни битимнинг бир тури деб ҳисоблашади ва бунда ҳақиқий эмасликни битимнинг ўзига эмас унинг оқибатига оид деб эътироф этишади. Бошқа гуруҳ муаллифлар эса битим ҳақиқий эмас ва шу сабабли у ҳуқуқий эмас, бундай битимни ҳуқуқ йўл қўйган ҳаракатлар жумласига қўшиб бўлмайди ва ўз навбатида, у битим ҳисобланмайди, деган хулосага келишади. Учинчи гуруҳ олимлари эса, бундан қатъийроқ нуқтаи назарни билдиришиб, ҳақиқий саналмайдиган битимларни ҳуқуқбузарлик деб ҳисоблашади. Мазкур мунозараларнинг узоқ давом этаётганлиги ва кескинлиги қисман “битим” тушунчасини аниқлашдаги номувофиқликлар билан боғлиқ бўлса, қисман бошқа сабаблар билан боғлиқ².

Мазкур тадқиқот мақсадини амалга ошириш учун ушбу мунозараларни тўлиқ изоҳлаш ва уларга баҳо беришга эҳтиёж мавжуд эмас, чунки ушбу масала, юридик фактларнинг ҳуқуқ йўл қўйган ёки ҳуқуқ йўл қўймаган турларга бўлинишида асосий омил саналмайди.

Юридик ҳаракатларни ушбу мезон асосида классификация қилиш доирасида уларни тўлиқ чегаралаш учун бир вақтнинг ўзида юридик ҳаракатларнинг ҳақиқий эмаслиги масаласини, яъни юридик факт таркибида нуқсон бор бўлгандаги вазиятни ҳам кўриб ўтиш лозим. Ҳақиқий эмаслик масаласи фақат субъектларнинг эрки ифодаланадиган юридик ҳаракатлар – юридик фактлар (ҳаракат деб эркининг ифодланишига айтилади³) фикримизча, муайян бир мунозараларга сабаб бўлмайди. Инсон

¹ Беков И. Сиёсий партиялар – фуқаролик жамиятининг муҳим институти // “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш масалалари: назария ва амалиёт” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. –Т., 2007. –Б..203.

² Матвеев И. В. Правовая природа недействительных сделок. – М.: Юрлитинформ, 2002, с. 12-19; Гутников О. В. К вопросу о понятии недействительных сделок / Недействительность в гражданском праве: проблемы, тенденции, практика / Отв. ред. М. А. Рожкова. – М.: Статут, 2006, с. 78-86.

³ Мейер Д. И. Русское гражданское право. В 2-х ч. По исп. правл. и доп. 8-му изд. – М.: Статут (Классика российской цивилистики), 2003, с. 175.

эркидан ташқарида содир бўладиган юридик ҳодисаларга нисбатан ҳақиқий эмаслик масаласи эса муайян муаммоларга сабаб бўлиши мумкин.

Юридик ҳаракатларни ҳуқуқ йўл қўйган ва ҳуқуқ йўл қўймаган ҳаракатларга бўлиниши тўғрилигини танқид қилиб, юридик ҳаракатларни рухсат этилган ва рухсат этилмаган турларга бўлишни таклиф қилиш мумкин. Бу таклиф нафақат таснифлашнинг атамалар бўйича фарқини, балки моҳияти бўйича ҳам фарқини аниқлаш имконини беради.

Юридик ҳаракатларни рухсат берилган ва рухсат берилмаганга бўлиш янги классификация эмас ва бу классификациядан илгари ҳам фойдаланилган. Юридик ҳаракатларни рухсат этилган ёки рухсат этилмаганган бўлар экан ҳуқуқшунослар ҳаракат қилаётган шахснинг юридик оқибат яратишга қаратилган эрки белгисидан келиб чиқади (бу классификация бугунги кунда ҳам ҳуқуқий ҳаракатларни юридик ҳужжатлар ва юридик хатти-ҳаракатлар ажратиш учун фойдаланилади).

Бошқача айтганда, рухсат берилган ҳаракатлар деганда, ҳуқуқий муносабатни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга йўналтирилган ҳаракат тушунилади; рухсат этилмаган ҳаракат ҳаракатланувчи шахснинг эркидан ташқарида содир бўладиган, бироқ юридик оқибатни юзага келтирмайдиган ҳаракат ҳисобланади¹. Замонавий адабиётларда рухсат этилмаган ва рухсат этилган ҳаракатларга оид кўрсатмалар учрайди, бироқ улар бу ўринда ҳуқуқ йўл қўйган ва ҳуқуқ йўл қўймаган ҳаракатларнинг синоними сифатида қўлланилади.

Таклиф этилаётган классификация замонавий шароитларда фойдаланиш юридик ҳаракатларни ҳуқуқнинг умумий йўл қўйилганлигига эркининг ифодаланиши мувофиқлигидан келиб чиқиб, рухсат этилмаган ҳаракатлар (қонунда бевосита тақиқланган ҳаракатлар) ва рухсат этилган ҳаракатлар (қонунда умумий жиҳатдан рухсат этилган ҳаракатлар)га бўлинади. Юридик фактларни ҳуқуқий ва ҳуқуққа хилоф турларига бўлиниши билан таклиф этилаётган классификация ўхшаш бўлса-да, юридик ҳаракатларни иккиёқлама ёндашув асосда бўлишни истисно этади ва унинг турларига нисбатан аниқ тавсиф бериш имкониятини яратади.

Юридик ҳаракатларни рухсат этилган ва рухсат этилмаган турларга бўлиш ҳуқуқий воқъеликнинг барча соҳаларини қамраб олади ва икки қарама-қарши ҳолатнинг мавжудлиги билан тавсифланади. Бир томондан бу *рухсат этилган ҳаракатлар – фуқаролик муомаласи учун нормал юридик оқибатларни юзага келтирадиган ва тартибга солувчи нормаларни қўллашни талаб этадиган ҳаракатлар ҳисобланса*, иккинчи томондан, *рухсат этилмаган ҳаракатлар – фуқаролик муомаласини бузадиган, уни тиклаш эҳтиёжини вужудга келтирадиган ва натижада қўриқловчи нормалар татбиқ этилишини талаб этадиган хатти-ҳаракатлар сифатида эътироф этилади*.

Рухсат этилган ҳаракатлар деганда, қонунда умумий рухсат мавжуд бўлган, яъни амалдаги қонунчиликда бевосита тақиқ белгиланмаган ҳаракатлар тушунилади. Рухсат этилган ҳаракатлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- битим тузиш;
- давлат органи ёки ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан ҳужжатлар қабул қилиш;

- ким ошди савдоларини ўтказиш;
- юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш;
- юридик шахс органи томонидан қарор қабул қилиш;
- қимматбаҳо қоғозларни чиқариш.

Умуман олганда, қонунда умумий рухсатнинг мавжудлиги ушбу ҳаракатларни суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилишига тўсқинлик қилмайди, агар уларни амалга оширишда қонун белгиланган аниқ қоидалар бузилган бўлса. Ушбу ҳаракатларни ҳақиқий эмас деб топиш учун эса, умумий қоидага кўра махсу даъво кўзғатиш талаб этилади. ФКнинг 12-моддаси умумий қоидадан истисно тариқасида давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжати суднинг қўлламаслиги қоидасини белгилайди. Яъни, махсу даъво кўзғатилмаганда суд муайян маъмурий ҳужжатни қонунга мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса чиқариши мумкин.

Ушбу ҳолатга яққол мисол сифатида низоли битимни кўрсатиб ўтиш мумкин.

ФКнинг 113-моддаси назарияда узоқ муддатдан бери мавжуд бўлган ҳақиқий бўлмаган битимларни суд ҳақиқий эмас деб топганлиги сабабли (низоли битим) ёки бундай деб топилишдан қатъи назар ҳақиқий эмас деб ҳисобланадиган (ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим) битимларга бўлиниши белгилайди.

Шу билан бирга ФКнинг 113-моддаси 1-қисми ҳақиқий бўлмаган битимлар жумласига низоли битимлардан фақат махсус даъво кўзғатиш бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилганларинигина киритиш мумкинлигига рухсат беради. Мазкур даъво бўйича суд қарори чиқарилгунча низоли битим одатдаги (ҳақиқий) битим ҳисобланади ва ўз табиатига кўра тегишли ҳуқуқий оқибатни юзага келтиради, бундай даъво мавжуд бўлмаганда (ўз навбатида суд қарорининг ҳам мавжуд бўлмаслиги) амал қилишда даром этиди. Ўз навбатида қонун айрим “нуқсонли” битимлар мавжуд бўлишига имконият беради ва уларни юридик оқибатлари билан бирга суд томонидан ҳақиқий эмас деб топиш йўли билан бекор қилишни назарда тутаяди. Айнан суд қарори ҳуқуқни қўллаш фаолияти натижаси сифатида орқага қайтиш кучи билан низоли битимни бекор қилади: суд қарорининг қабул қилиниши билан мавжуд бўлган барча оқибатлар “орқага қайтади”. Суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилмагунча ҳар қандай низоли битим ҳақиқий ҳисобланади ва шубҳасиз, рухсат этилган ҳаракатлар жумласига киради.

Юридик ҳаракат сифатидаги давлат органи ёки ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан чиқарилган ҳужжатни таҳлил этишда ҳам ушбу фикрга монанд хулосаларга келиш мумкин.

Давлат органи ёки ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан ҳар қандай ҳужжатни чиқариш рухсат берилган ҳаракат ҳисобланади, бироқ ФКда бундай ҳужжатларни қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқаронинг ёки юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлиги белгиланган (ФКнинг 12-моддаси 1-қисми). Мазкур модда суд ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топган тақдирда, бузилган ҳуқуқ ушбу Кодекснинг 11-моддасида назарда тутилган усулларда ҳимоя қилиниши кераклигини назарда тутаяди. Мазкур фикрларни хулоса қилиб, айтиш

¹ Дормидонтов Г. Ф. Указ. соч

мумкинки, давлат органлари ва ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилгунига қадар, шубҳасиз, йўл қўйилган ҳаракатлар жумласига киради.

И.Р. Рустамбеков
Аспирант ТГЮИ

ДОМЕН НОМЛАРИГА ДАЪВОГАРЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

Интернет, янги, хали тўлиқ амалга оширилмаган коммуникацион имкониятларни вужудга келтириши билан бир вақтда, интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш ва низоларни ҳал этиш билан боғлиқ ўзига хос муаммоларни ҳам вужудга келтирди¹.

Хозирда дунё миқёсида товар белгилари эгалари кўплаб олдиндан ўзига тегишли бўлмаган товар белгиси кўринишидаги домен номларини рўйхатдан ўтказган шахслардан ушбу домен номларини қиммат нарҳда сотиб олиши керак бўлмоқда².

Домен номларига даъвогарлар илгари биров рўйхатдан ўтказган доменга нисбатан ўз ҳуқуқлари борлигини турли хил далиллар билан асослашга ҳаракат қиладилар. Амалиётда ва халқаро таҷрибада киберсквоттерлар томонидан эгаллаб олинган доменларга даъво билан арз қилиш ҳолларигина эмас, балки виждонли фойдаланувчилардан доменларни тортиб олишга уринишлар қайд этилган. Буни кўп сонли хорижий суд амалиёти тасдиқлайди.

Ўзига хос индивидуаллаштириш воситаси саналган домен номи билан боғлиқ бўлган низони кўриб чиқишнинг техник ва ҳуқуқий хусусиятларини, шунингдек бундай ишнинг иштирок этувчилари баъзан турли давлатларнинг резидентлари бўлишини эътиборга олиб, Бутунжаҳон Интеллектуал мулк ташкилоти домен номлари билан боғлиқ низоларни ҳал қилишнинг бутунлай янги тизимини яратди.

Ушбу тизим “Uniform Domain Name Dispute Resolution Policy” (“Домен номларига доир низоларни кўриб чиқиш ягона сиёсати”, UDRP) ҳужжатига ва унга мувофиқ қабул қилинган Низоларни кўриб чиқиш қоидаларига асосланади. Махсус Арбитраж марказлари доирасида ташкил этилган комиссиялар айна шу тизимдан фойдаланиб товар белгиси эгаси ва ўхшаш домен номининг эгаси ўртасидаги низо бўйича қарорлар чиқарадилар. Қарорларнинг қонунийлиги домен номини рўйхатдан ўтказиш шартномасидаги далилий изоҳ билан таъминланади. Мазкур далилий изоҳга мувофиқ домен номининг эгаси бундай низони кўришга розилик беради. Ушбу ҳужжатларга мувофиқ домен номига бўлган ҳуқуққа доир низолар 40 дан ортиқ миллий домен зоналарида ва бир нечта халқаро домен зоналарида кўрилади, шу тариқа бутун жаҳондаги домен номлари эгаларининг 80% дан ортиғи қамраб олинади³.

Домен номларига доир низоларни кўриб чиқиш ягона сиёсатининг қабул қилинишига янги таомил – низоларни кўриб чиқиш доирасида эътироф этилиши ва муҳофаза қилиниши лозим бўлган ҳуқуқлар ҳажми хусусида мутахассисларнинг кўп сонли баҳс-мунозаралари туртки берди. Фирма номлари,

¹ Hornic J.F., Gelachins Y.J. Evolving Internet intellectual property issues // TW. – 1998/99. – №113. – P. 26–33.

² Wood N. Domain names around the world. Strategies for Internet protection and peace in mind // TW. – 1998. – № 103. – P. 35–38.

³ Минков А.М. Единая методика рассмотрения споров о доменных именах – UDRP // Тез. докл. Четвертая всероссийская конференция «Право и Интернет: теория и практика» –М., 2002. –С.29–31.

товарларнинг келиб чиқиш жой номлари ва фуқаронинг исмига бўлган ҳуқуқни Сиёсатга мувофиқ муҳофаза қилинадиган ҳуқуқлар қаторига киритиш таклифи илгари сурилди. Пироваврида товар белгиларинигина муҳофаза этишга қарор қилинди, чунки тармоқда уларга тажовузлар Сиёсат ва Қоидалар қабул қилинган вақтда айниқса оммавий тус олган эди. Мазкур қарорнинг қабул қилинишига туртки берган иккинчи омил турли мамлакатларда фирма номлари ва шахсий исмлардан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солишда жиддий фарқларнинг мавжудлиги бўлди¹.

Бизнинг мамлакатимизда товар белгисига бўлган ҳуқуқлар юридик ва жисмоний шахсларга, яқка тадбиркорларга қарашли бўлиши мумкин ва товар белгисининг давлат томонидан рўйхатдан ўтказилиши билан белгилади. Аммо англосаксон ҳуқуқ тизимида мансуб давлатларда рўйхатдан ўтказилмаган товар белгилари – “common law trademarks” ҳам тан олинади ва муҳофаза қилинади. Ушбу мамлакатларда товар белгисига бўлган ҳуқуқ ундан амалда фойдаланиши натижасида, масалан, эсда қоладиган муайян белгили товарлар сотилганида юзага келади. Бундай белгилар сифатида ташкилотларнинг фирма номлари ва одамларнинг исмлари (тахаллуслари) амал қилиши мумкин. Айти ҳолда улар товар белгилари сифатида кўшимча муҳофаза қилинади.

Аризачиларнинг рўйхатдан ўтказилмаган товар белгиларига асосланган шикоятлари Сиёсат амалга киритилганидан кейинги дастлабки ойлардаёқ кўриб чиқиш учун қабул қилинди (Cedar Trade Associates Inc. v. Greg Ricks, NAF, FA93633²; Passion Group Inc. v. Usearch, Inc., eResolution, AF-0250³). Кўрсатилган ишларнинг иккинчиси бўйича чиқарилган қарорда трибунал қуйидагиларни кўрсатди: “Агар ICANN Сиёсатнинг амал қилиш доирасини рўйхатдан ўтказилган товар белгилари ёки хизмат кўрсатиш белгиларига тегишли бўлган ҳоллар билангина чеклаш ниятини кўзлаганида, у “аризачида ҳуқуқлар мавжуд бўлган товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси” тушунчасини эмас, балки торроқ тушунчани қўллаш билан кифояланган бўлур эди. Трибунал Сиёсат рўйхатдан ўтказиш натижасида юзага келувчи ҳуқуқлар қандай қўлланилса, рўйхатдан ўтказилмаган товар белгиларига ҳам шундай қўлланилиши лозим деб ҳисоблайди”.

Товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилмаган шахсий исмларни муҳофаза қилиш имконияти Бутунжаҳон Интеллектуал мулк ташкилотининг Арбитраж маркази томонидан илк бор jeanettewinteron.com доменига доир иш (Jeanette Winteron v. Mark Hogarth, WIPO, D2000-0235⁴), шунингдек juliaroberts.com доменига доир иш (Julia Fiona Roberts v. Russell Boyd, WIPO, D2000-0210⁵) доирасида кўриб чиқилди. Биринчи ҳолда трибунал даъвогар ўз исми ифодаланган товар белгисига эгалик қилиш ҳуқуқига эгами, деган масалани ҳал қилиш учун Англия қонунчилигини қўллади. Бу қўйилган саволга

ижобий жавоб бериш учун имконият яратди: “Трибунал фикрига кўра, Сиёсатнинг 4а бандида қўлланилган “товар белгилари” тушунчаси Англия қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтказишни талаб этувчи белгилар сифатида эмас, балки шахс фаолиятини индивидуаллаштиришнинг янада кенгроқ воситаси сифатида талқин қилиниши лозим. Бошқача айтганда, бу ўз исмидан ғайриқонуний фойдаланилишига йўл қўймаслик ҳуқуқи билан айнидир. Шундай қилиб, Англия ҳуқуқини қўллаш даъвогарнинг жавобгарга «JEANETTE WINTERSON» белгисидан ғайриқонуний фойдаланганлик учун даъво билан арз қилиш ҳуқуқини узил-кесил тан олиш имкониятини беради”.

Бошқа ҳолларда арбитраж шунга ўхшаш қарорларни қабул қилар эканлар, қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисидаги масалани атрофлича ўрганмаганлар.

Сиёсат доирасида рўйхатдан ўтказилмаган товар белгиларига бўлган ҳуқуқлар бузилгани туфайли домен номларига бўлган ҳуқуқларни бериш тўғрисида кўп сонли қарорлар чиқарилган.

Масалан, Осиё Маркази томонидан кўрилган Intercytex Ltd. v. Chuan Sheng Wang (ADNDRC, CN-0200002) ишида “Intercytex” сўзи даъвогарнинг рўйхатдан ўтказилган фирма номи ҳисобланиши аниқланган. Мазкур белгили номдан даъвогар биотехнологиялар соҳасидаги тижорат фаолиятида узоқ йиллар мобайнида самарали фойдаланган, низо кўрилатган вақтга келиб компанияга саноат мулки объектлари учун 15 патент қарашли бўлган. Ушбу ҳолатлар даъвогарнинг ишбилармонлар даврасидаги амалда исбот қилинган катта обрўси билан уйғунлиқда трибуналга компания номи вақт ўтиши билан рўйхатдан ўтказилмаган товар белгисига айланганини тан олиш имкониятини берди.

Шу билан бир вақтда трибуналлар даъвогарларга доменларни беришни уларнинг ўз номидан тижорат бойлиги сифатида, масалан, ўзга шахслар рекламасида ёки ўз товарларини бозорда бевосита илгари суришда фойдаланилмаган тақдирда рад этганлар.

Sting.com домени бўйича кўрилган низо зиддиятларга тўла (Gordon Sumner, p/k/a Sting v Michael Urvan, WIPO, D2000-0596⁶). Трибунал машҳур кўшиқчи Стингнинг рўйхатдан ўтказилмаган товар белгисига бўлган ҳуқуқини асосан “sting” (ниш) сўзи инглиз тилида, шу жумладан Интернет тармоғида кенг қўлланилиши туфайли тан олмади: “Даъвогар бутун дунёда “СТИНГ” исми билан машҳур бўлса-да, айти ҳол у “СТИНГ” сўзига товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси сифатида ҳуқуқларга эга деган маънони англамайди. Julia Fiona Roberts v Russell Boyd, Jeannette Winteron v Mark Hogarth ишларида муҳокама предмети ҳисобланган шахсий исмлардан фарқли ўлароқ, ушбу ҳолда шахсий исм айти бир вақтда инглиз тилида бир қанча маъноларга эга бўлган одатдаги сўз ҳисобланади. Бинобарин, мазкур ишда Трибунал Даъвогарнинг “СТИНГ” деган исми 4а(i) параграф мазмунига мувофиқ товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси эмас деб ҳисоблашга мойилдир”.

Доменларнинг рўйхатдан ўтказилган товар белгилари билан айнилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилишда арбитраж орасида деярли тўла яқдиллик

¹ Страх А. Юридические аспекты принятия UDRP в России // <http://www.russianlaw.net/law/doc/a99.htm>

² <http://www.arbforom.com/domains/decisions/93633.htm>

³ <http://www.disputes.org/eresolution/decisions/0222.htm>

⁴ <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-0235.html>

⁵ <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-0210.html>

⁶ <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-0596.html>

қайд этилади. Бунда айнийликни аниқлашда биринчи даража умумий домен (.com, .net, .org) эътиборга олинмайди, чунки ундан фойдаланиш мажбурий бўлиб, у ўз-ўзича индивидуаллаштириш қўшимча воситаси ҳисобланмайди. Товар белгиси рўйхатдан ўтказилган жой ва вақт ҳам ҳисобга олинмайди. Бироқ айрим ҳолларда муайян ихтилофлар ҳам йўқ эмас.

Одатда товар белгилари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида адаштириб юбориш даражасида ўхшашлик харидор ўзига керакли бўлган буюмни сотиб олиш ўрнига белгили номида ўхшаш белгили номдан фойдаланилган бутунлай бошқа товарни сотиб олиши мумкин бўлган вазиятни англатади.

Тармоқда бундай адаштириб юбориш жуда кам учрайдиган ҳолдир. Нотўғри саҳифага кириб қолгач, фойдаланувчи ўз браузерни график менюсининг тегишли тугмасини босиш орқали дастлабки ҳолатга қайтиш имкониятига эга. Ғарб мамлакатларида дастлабки низола қўрилганида жавобгарлар бундан далил сифатида айниқса кўп фойдаланганлар. Бироқ суд амалиёти аксарият ҳолларда бундай вазиятни ишонарли эмас деб ҳисоблайди. Ҳозирги вақтда қуйидаги ёндашув умум эътироф этилган: низо чиққан тақдирда, агар домен маъмури билан товар белгисининг эгаси ўртасида алоқа мавжуд деб тахмин қилиш эҳтимоли кучли бўлса, домен номи ўз-ўзидан адаштириб юбориш даражасида ўхшаш деб ҳисобланади.

Адаштириб юбориш даражасининг мавжудлиги, агар доменлар фойдаланувчилар ўзларига керакли бўлган сўзларни ёзишда янглишишларига умид қилиб рўйхатдан ўтказилган бўлса, барча арбитражлар томонидан тан олинади. Домен номида товар белгисидан ташқари қўшимча сўзлар ҳам бўлган ҳолларда эса арбитражларнинг фикрларида ҳар хиллик кузатилади.

Нуктаи назардан бирига мувофиқ, товар белгисининг номи домен номининг таркибий қисми саналган ҳолда (солиштиришда пробеллар ва дефис белгиси ҳисобга олинмайди), домен номи унда қўшимча сўзлар ёки ҳарфлар бор-йўқлигидан қатъи назар адаштириб юбориш даражасида ўхшаш деб топилади.

Бунда домен номида товар белгиси номининг олдида ёки орқасида қўшимча сўзлар ёки белгилар бор-йўқлиги аҳамиятга эга эмас. Масалан, Россия фуқароси иштирокидаги ишда cybercashsplash.com домен номи даъвогар – Британия компаниясининг CASH SPLASH товар белгиси билан адаштириб юбориш даражасида ўхшаш деб топилган (Microgaming Systems Anstalt v. Sergey Milutin, WIPO, D2002-0213¹). Миллий Форум трибунали томонидан қўрилган бошқа бир ишда champssportsbook.com домени ва CHAMPS SPORTS товар белгисининг адаштириб юбориш даражасида ўхшашлиги аниқланган. Мазкур ёндашув тарафдорлари фойдаланувчи домен номи билан даъвогарнинг товар белгисини амалда адаштириб юбориши мумкинлиги ёки мумкин эмаслигини аҳамиятга молик деб ҳисобламайдилар.

Nicole Kidman v. John Zuccarini, d/b/a Cupcake Party, WIPO, D2000-1415 ишида² (nicolekidman.com ва nicolekidmannude.com доменлари) трибунал

Сиёсатнинг амал қилиши доираси товар белгиси ва доменнинг ўхшашлиги доменнинг мансублиги ҳақида янглиш тасаввур уйғотувчи ҳоллар билан чекланмайди деган хулосага келди. Уч арбитраж икитаси адаштириб юбориш даражаси домен номи товар белгисининг номини ёки у билан адаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлган сўзни ўз ичига олганида юзага келади, бунда домен номида бошқа сўзлар бор-йўқлиги аҳамиятга эга эмас, деган тўхтамга келдилар. Трибунал Gateway, Inc. v. Pixelera.com, WIPO, D2000-0109³ иши бўйича ҳам шундай хулосага келди.

Иккинчи ёндашув арбитражлар томонидан “субъектив мезон” қўлланилишига асосланади. Агар арбитраж тармоқдан фойдаланувчи сайт манбаси ёки спонсори хусусида янглишиши имконияти амалда мавжуд деган тўхтамга келса, демак, адаштириб юбориш даражасида ўхшашлик мавжуд. Бунда ҳаттоки сайтда у тегишли товар белгисига бўлган ҳуқуқлар эгаси билан асло боғлиқ эмаслиги ҳақида ахборот жойлаштирилган ҳолларда ҳам фойдаланувчи сайтда бўлишнинг дастлабки даврида (мазкур ахборотни ўқигунга қадар) ўзи учун бундай фарқлашни амалга оширмалиги мумкин, бу эса домен ва товар белгиси адаштириб юбориш даражасида ўхшашлигини англатади, деб ҳисобланади.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, доменлар ва товар белгиларининг номларида мавжуд ўхшашлик аксарият ҳолларда арбитражлар томонидан адаштириб юбориш даражасида ўхшаш деб баҳоланган. Булар товар белгисининг номига доменда ҳамма биладиган ва кенг ишлатиладиган бирон-бир сўз (худуд номи, товар номи ва ҳ.к.) қўшилган ишлардир. Шу сабабли Интернет-сайтда у товар белгиларига бўлган ҳуқуқларнинг эгаларига мутлақо дахлдор эмаслиги очиқ-ойдин қайд этилган ва ҳуқуқ эгасининг расмий сайтга ҳаволалар жойлаштирилган ҳолларда ҳам, адаштириб юбориш даражасида ўхшашлик тўғрисидаги масалани ечишда бу эътиборга олинмайди.

Домен номининг бир қисми салбий мазмундаги сўзлардан, шу жумладан инглизча sucks, fuck⁴ сўзларидан иборат бўлган ишларни ҳал қилишда арбитражлар орасида умумий ёндашув кузатилмайди. Интернетда йирик корхоналарнинг рақиблари томонидан мазкур корхоналарнинг ғайриқонуний ҳаракатларидан жабрланганларнинг ўзига хос виртуал шикоят дафтари яратиш учун ташкил этилган кўп сонли сайтлар мавжуд. Бунда мазкур сайтларнинг домен номларида баъзан машҳур товар белгилари ишлатилади.

Wal-Mart Stores, Inc. v. Walsucks and Walmarket Puerto Rico ишида (WIPO, No. D2000-0477⁵) walmartcanadasucks.com, wal-martcanadasucks.com, walmartuksucks.com ва walmartpuertoricosucks.com домен номлари саҳифаларида Уол-Март Сторс (Wal-Mart Stores) компанияси ҳақида ранг-баранг ахборот, масалан, компаниянинг жабрланган харидорлари ва ходимларининг шикоятлари жойлаштирилган сайтлар фаолиятида фойдаланилган. Бундай низода трибунал Интернет қидирув ресурсларидан фойдаланар экан,

³<http://arbitrator.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-0109.html>

⁴ Америкача инглиз тилида асосан нафрат билдирадиган сўзлар ёки ҳақоратомуз таққослашлар сифатида ишлатилади.

⁵<http://arbitrator.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-0477.html>

¹<http://arbitrator.wipo.int/domains/decisions/html/2002/d2002-0213.html>

²<http://arbitrator.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-1415.html>

оддий фойдаланувчи ёки потенциал мижоз жавобгарнинг сайтлари даъвогарга қарашли бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйламаса керак, деб кўрсатди. Арбитр фикрига кўра, қизиқувчанлик ҳисси уларга даъвогарнинг товар белгиси билан бундай камситувчи ўхшатишни эътиборсиз қолдириш имкониятини бермайди ва натижада даъвогар ўз мижозини йўқотиши мумкин. Суд учун асл мақсади ўзининг муқтаил фикрини билдириш эмас, балки товар белгисига бўлган ҳуқуқ эгасидан пул олиш бўлган жавобгарнинг виждонсизларча нияти биринчи даражали аҳамият касб этган. Арбитр ҳар бир муайян ҳолда “sucks” қўшимчаси мавжуд доменнинг адаштириб юриш даражасида ўхшашлиги тўғрисидаги масала ишнинг конкрет ҳолатларини ҳисобга олиб ҳал қилиниши лозимлигини таъкидлаган.

Бошқа ишларда трибуналлар “sucks” ёки “fuck” сўзлари қўшилган доменлар тегишли товар белгиси билан адаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлишлари мумкин эмас деган хулосага келганлар (масалан, *McLane Co. v. Craig*, WTOPO, D2000-1455 иши¹, домен - *mclanenortheastsucks.com*; *America Online, Inc. v. Johuathn Investments, Inc.*, WIPO, D2001-0918 иши², домен *fucknetscape.com*).

Бунда трибуналлар Интернетда инглиз сўзлашув тилини яхши билмайдиган, яъни “sucks” ва “fuck” сўзларининг таҳқиромуз маъносидан хабардор бўлмаган фойдаланувчилар мавжудлигига қарамай, мазкур факт аҳамиятга эга эмас деб эътироф этилганидан, зеро ушбу сўзлар тармоқнинг барча сегментларида танқид қилиш, обрўсизлантириш ёки мазахлаш учун ишлатилишидан келиб чиқдилар³.

Товар белгиси жаҳоннинг исталган тилида рўйхатдан ўтказилиши мумкин. Шу билан бир вақтда домен номларининг асосий тизими мавжуд кўринишда фақат 37 символни: лотин алифбоси ҳарфлари, рақамлар ва дефисни қувватлайдики, бу ҳол, агар товар белгиси домен номи билан ўхшаш транслитерацияга эга бўлса, адаштириб юбориш даражасида ўхшашлик тан олиншига монелик қилмайди.

ZAO Kommersant Publishing House v. Stanley Tobiason ишида (WIPO, D2002-0531⁴) *kommersant.com* домен номи рус тилида рўйхатдан ўтказилган “КОММЕРСАНТЪ” товар белгиси билан адаштириб юбориш даражасида ўхшаш деб топилди⁵. Бошқа бир ишда япон тилида рўйхатдан ўтказилган товар белгиси *bikkuridonkey.com* домени билан адаштириб юбориш даражасида ўхшаш деб эътироф этилди (*Kabushiki Kaisha Aleph v. Doozi.com*, WIPO, D2000-1660⁶)⁷.

Шуни қайд этиш лозимки, муайян ишда виждонсиз рўйхатдан ўтказиш ва фойдаланиш

аломатлари мавжудлигини аниқлашда айрим арбитраж учинчи шахсларнинг ўхшаш товар белгисидан фойдаланишдан манфаатдорлигини эътиборга олганлар. Бошқа арбитраж ишнинг бундай юритилиши Сиёсат талабларига мувофиқ эмас деб топганлар.

Масалан, *First American Funds, Inc. v. Ult. Search, Inc.*, WIPO, D2000-1840 ишида⁸ даъвогар унда *FIRST AMERICAN* товар белгисига бўлган ҳуқуқлар мавжудлигининг далилларини тақдим этган. Бундай ҳуқуқларга эга бўлмаган жавобгар ўз сайтидан тармоқнинг бошқа ресурсларига кўп сонли ҳаволалардан иборат бўлган каталог сифатида фойдаланган. Трибунал жавобгарнинг ҳаракатларида виждонсизлик аломатлари йўқлиги ҳақидаги ўз хулосасини асослар экан, у АҚШда “*First American*” сўзларини ўз ичига олган 40 дан ортиқ рўйхатдан ўтказилган товар белгилари мавжудлигини исботловчи далилларни келтирганини қайд этган. Бундан ташқари, шунга ўхшаш бирикмани ўз ичига олган 150 дан ортиқ домен рўйхатдан ўтказилгани, Қўшма Штатларнинг телефон рақамлари маълумотномасида эса уни ўз номига киритган 40 дан ортиқ ташкилотлар мавжудлиги аниқланган. Қарорда жавобгар сайтни рўйхатдан ўтказётган вақтда даъвогарнинг мавжудлигидан хабардор бўлган тақдирда ҳам бу ҳол унинг ҳаракатларини виждонсизлик деб топиш усун асос бўла олмаслиги, чунки бу вақтга келиб айни шу номдан бошқалар кенг фойдаланаётганлари кўрсатилган: “Ном бундай кенг тарқалганидан барча ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқлари чекланган ва иш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса, фаолиятнинг янги майдонига кираётган фойдаланувчилардан биттасига мазкур номни ўзлаштириш ҳуқуқини бериш учун бирон-бир важ йўқ деган хулоса келиб чиқади. Мазкур сўзлар яхши маълум бўлганида ва фақат бир тадбиркор номи билан айнийлаштирилганида, вазият бошқача бўлур эди”⁹.

Даъвогарни кўп сонли потенциал даъвогарларнинг биттаси деб ҳисоблаб, арбитраж иш бўйича қарорда домен номининг берилиши айни ҳолда асоссиз устунликни беришдан бошқа нарса бўлмас эди, деган хулосага келганлар.

Мазкур иш бўйича билдирилган алоҳида фикрда қарама-қарши нуқтаи назар баён этилган ва у, бизнингча, юқорида келтирилган фикрдан асослироқдир. Кўпчилик фикрига рози бўлмаган арбитраж қуйидагиларни қайд этади: “Сиёсатда ва Қоидаларда даъвогарнинг товар белгиси билан айний ёки унга ўхшаш товар белгиларига эга бўлган ёки номи даъвогарнинг номи билан ўхшаш бўлган шахслар сонини аниқлаш зарурлиги кўрсатилмаган. Сиёсат трибунал процессда иштирок этмаётган тарафларнинг ҳуқуқларини кўриб чиқиш ва улар тўғрисида қарор чиқаришга чорламайди. Трибуналдан ҳам, биздан ҳам ўз қаршимизда турган томонларнинг ҳуқуқлари, манфаатлари ва хатти-ҳаракатларинигина тарозига солиш талаб этилади”¹⁰.

Арбитраж низони судга қадар ҳал қилиш даврида жавобгарнинг доменни даъвогарга сотиш хусусидаги таклифига баҳо беришга доир нуқтаи

¹ <http://arbiter.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-1455.html>

² <http://arbiter.wipo.int/domains/decisions/html/2001/d2001-0918.html>

³ Минков А. Рассмотрение споров о доменных именах в соответствии с процедурой UDRP. – М., 2004. С.199–214.

⁴ <http://arbiter.wipo.int/domains/decisions/html/2002/d2002-0531.html>

⁵ Товар белгисининг ўзи МДХ ва Европанинг бир қанча мамлакатларида рўйхатдан ўтказилган, лекин АҚШда рўйхатдан ўтказилмаган эди.

⁶ <http://arbiter.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-1660.html>

⁷ Минков А. Рассмотрение споров о доменных именах в соответствии с процедурой UDRP. – М., 2004. С.87–109.

⁸ <http://arbiter.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-1840.html>

⁹ Ўша жойда.

¹⁰ Ўша жойда.

назарлари ҳам сезиларли даражада фарқ қилади. Чунончи, айрим арбитрлар мазкур таклифни жавобгар домен номини кейинчалик даъвогарга сотиш ва моддий наф қўриш мақсадида рўйхатдан ўтказганлигини исботловчи далиллар қаторига киритганлар. Музокаралар ташаббусчиси ким бўлганини улар эътиборга олмаганлар (масалан, CBS Broadcasting, Inc v.Saidi, WIPO, D2000-0243 иши¹). Koninklijke Philips Electronics N.V. v. NicNax, WIPO, D2001-1245 иши² бўйича чиқарилган қарорда домен маъмури доменни бериш учун кўпроқ ҳақ сўраш мақсадида ҳуқуқ эгаси билан алоқалар пайдо бўлишини пассив кутган ҳолларда ҳам виждонсизликини кўриш мумкинлиги махсус қайд этилган.

Баъзи ҳолларда доменни сотиш ҳақидаги таклиф музокаралар ташаббусчиси жавобгарнинг ўзи бўлган тақдирдагина унинг виждонсизлиги белгиси сифатида баҳоланган. Масалан, ZAO Kommersant Publishing House v. Stanley Tobiason, WIPO, D2002-0531 ишида³ арбитр домен номлари билан савдо қилиш ўз-ўзича ғайриқонуний фаолият сифатида қаралиши мумкин эмаслигини таъкидлайди. Шу боис даъвогар жавобгар билан музокаралар ташаббусчиси бўлгани жавобгар зиммасидан жавобгарликни соқит этади, зеро даъво билан арз қилинганидан сўнг низоли доменни сотиш ҳақидаги таклиф бундай ҳолларда нормал амалиёт ҳисобланади⁴.

Ниҳоят, баъзи ҳолларда трибуналлар доменни сотиш ҳақидаги таклифга умуман виждонсиз рўйхатдан ўтказиш далили сифатида қарамаганлар. Бунда улар АҚШда амалда бўлган томонларнинг низоли судга қадар тартибга солиш давридаги аризаларига далиллар сифатида қаралиши мумкин эмаслиги ҳақидаги нормаларга ҳавола қилганлар (масалан, LifePlan v. Life Plan c/o Relational Dynamics, Inc., NAF, FA94826 иши⁵).

Домен номини харид қилиш ҳақидаги таклифга муносабат ишлари кўриб чиқишда алоҳида масала ҳисобланади. Домен номлари билан савдо қилишнинг “қонунийлиги” ҳақидаги умумий қоида анча кенг эътироф этилган ва амалда қўлланилади, лекин домен эгаси унинг номида фойдаланган кенг ишлатиладиган сўз даъвогарнинг домени билан ўхшаш бўлган ва бунда домен эгаси даъвогарнинг белгиси мавжудлигидан беҳабар бўлганини важ қилиб кўрсатган ҳолларда муаммолар туғилади. Сиёсат қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда шуни тан олиш зарурки, бундай низода доменни бериш ҳақидаги ариза жавобгарнинг виждонсизлигини исботловчи бошқа далиллар мавжуд бўлмаган тақдирда қаноатлантирилиши мумкин эмас.

Масалан, Michael Leslie Jones a/k/a Mick Jones v. Stephen Gregory, NAF, FA125747 ишини⁶ кўришда жавобгар оддий инглизча сўзлар ва географик номлардан иборат домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва кейинчалик уларни сотиш борасидаги

тижорат фаолияти билан шуғулланиши аниқланган. Низоли домен номи кейинчалик исталган хоҳловчига сотиш мақсадида бошқа кўп сонли ўхшаш номлари билан бир вақтда рўйхатдан ўтказилган бўлган. Пировардида суд жавобгарнинг ҳаракатларида виждонсизлик аломатлари мавжуд эмас деган хулосага келган. Бунда “foreigner” (ажнабий) сўзи инглиз тилида кенг ишлатилиши ҳал қилувчи роль ўйнаган.

Бошқа бир ишда (Cream Holdings Ltd. v. Nat'l Internet Source, Inc., WIPO, D2001-0964⁷) трибунал қисман илгари қабул қилинган қарордан иқтибос келтириб, қуйидагиларни қайд этган: «Крем» сўзи кенг ишлатиладиган сўз ва даъвогарда унга нисбатан мутлақ ҳуқуқлар бўлиши мумкин эмас. Бинобарин, жавобгар низоли доменга нисбатан ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларга уни биринчи бўлиб рўйхатдан ўтказгани туфайли эга бўлади.

Домен номи ҳам, товар белгиси ҳам кенг ишлатиладиган сўзлардан иборат бўлган ҳолларда, айниқса улар битта кичик ва оддий сўздан иборат бўлса, ҳуқуқлар (манфаатлар)нинг мавжудлиги тўғрисидаги масала домен маъмури фойдасига ҳал қилиниши лозим.

Ҳар қандай шахснинг тилда кенг ишлатиладиган сўзни рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқининг тан олиниши унинг бирдан-бир мақсади доменни кейинчалик сотиш бўлган тақдирда ҳам мазкур шахснинг қонуний манфаати тан олинишини англатади⁸.

Shirmax Retail Ltd./Detailants Shirmax Ltee v. CES Marketing Group Inc., eResolution, AF-0104 ишида⁹ арбитр қуйидагиларни кўрсатган: “Жавобгар кейинчалик сотиш учун сурункали равишда доменларни рўйхатдан ўтказганлигига қарамай, агар домен сифатида кенг ишлатиладиган сўз рўйхатдан ўтказилган бўлса, бу жавобгарнинг даъвогарга қарашли товар белгисидан фойдаланишдан наф қўриш нияти мавжуд бўлганидан далолат бермайди”.

Шунга ўхшаш қарорлар Allocation Network GmbH v. Steve Gregory, WIPO, D2000-0016⁹, John Rush & Annette Witzel v. Oregon CityLink, NAF, FA95318¹⁰ ишлари бўйича чиқарилган.

Аммо бир қанча ишларда арбитрлар доменларни бериш тўғрисида қарорлар чиқарганлар. Масалан, Everything for a Dollar Store (Canada) Inc. v. Sheri Bown, eResolution, AF-0222 ишида¹¹ жавобгар efads.com доменининг номи инглизча “electronic” (электрон) ва “fad” (хаёл, фантазия) сўзларининг бирикувидан келиб чиққанини важ қилиб кўрсатган. Бунда арбитр унинг даъвогарнинг манфаатларига дахлдор бўлган домен номи тасодиф тақозосига кўра рўйхатдан ўтказилгани ҳақидаги фикрига қўшилган. Жавобгар низоли домендан ҳеч қачон фойдаланмагани ва уни биринчи хоҳловчига 5000 АҚШ долларига сотиш ниятида бўлгани туфайли, унинг ҳаракатларида виждонсизлик аломатлари мавжуд деб топилган: “Домен номлари сони кўп бўлиши мумкин, лекин барибир унинг чегараси бор. Агар маъмурининг ишга доир аниқ мақсади бўлмаса, бир нечта домен

¹ <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-0243.html>

² <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2001/d2001-1245.html>

³ <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2002/d2002-0531.html>

⁴ Минков А. Рассмотрение споров о доменных именах в соответствии с процедурой UDRP. – М., 2004. С.87–109.

⁵ <http://www.arbforum.com/domains/decisions/94826.htm>

⁶ <http://www.arbforum.com/domains/decisions/l25747.htm>

⁷ <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2001/c12001-0964.html>

⁸ <http://www.disputes.org/eresolution/decisions/0104.htm>

⁹ <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-0016.html>

¹⁰ <http://www.arbforum.com/domains/decisions/95318.html>

¹¹ <http://www.disputes.org/eresolution/decisions/0222.html>

номини кейинчалик фойдаланиш учун асраб қўйиш ақлга мувофиқ эмас, айниқса бу амалда мавжуд бўлган корхонанинг ривожланишига монелик қилса.

Даъвогар 54 дўқонда ишга жойлашишни таклиф қилади, солиқлар тўлайди, ўз фаолияти соҳасида пул муомаласининг бир бўғини ҳисобланади. Жавобгар бундай фаолият билан шуғулланмайди. У фақат жалб қилувчан номларни кўпроқ нарх таклиф қилган ҳар кимга сотиш учун рўйхатдан ўтказиши. Албатта, у бундай қилишга ҳақли, лекин фақат бунинг натижасида учинчи шахснинг ҳуқуқлари бузилмаган ҳолларда. Бинобарин, домен номларини жавобгар каби сотиш учун рўйхатдан ўтказувчилар рўйхатдан ўтказишнинг бекор қилиниши эҳтимолини ҳам ўз зиммаларига оладилар, акс ҳолда бизнесда муайян товар белгиси остида обрў орттирган (даъвогарга ўхшаш) компанияларнинг харажатлари сезиларли даражада ошиб кетадики, бу умуман иқтисодийнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, жавобгар каби иш кўрувчилар, доменларни Интернетда амалда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтказувчи компаниялардан фарқли ўлароқ, ўз доменидан товар белгисига бўлган ҳуқуқларни олган даъвогарлар фойдасига маҳрум қилиш рискларига дучор бўладилар... “Фантазия” сўзи оддий маънога эга эканлиги ўзга шахснинг товар белгисига бўлган ҳуқуқлари жавобгар томонидан бузилиши рискинни бартараф этмайди. Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, арбитр жавобгарнинг ўзганинг товар белгисига бўлган ҳуқуқнинг бузилиши риски билан боғлиқ бўлган ҳаракати, яъни домен номини рўйхатдан ўтказгани ҳам ICANN мезонларига зид бўлган виждонсиз ҳаракат ва бу домен номини даъвогарга топшириш ҳуқуқини беради деб ҳисоблайди¹.

Бошқа бир турдаги низолар даставвал виждонли рўйхатдан ўтказилган, лекин кейинчалик жавобгар айрим виждонсиз ҳаракатлари билан ўзини обрўсизлантирган доменни бериш имконияти билан боғлиқ. Масалан, шундай ишлардан бирини қўриш чоғида домен рўйхатдан ўтказилганидан сўнг жавобгар ундан маълум вақт мобайнида тижорат фаолиятида виждонли фойдалангани, лекин кейинчалик муайян ташкилий сабабларга кўра домен сайти узоқ вақт мобайнида фаолият кўрсатмагани, пировардида домен маъмури ўз ҳуқуқларини тегишли товар белгисига бўлган ҳуқуқларга эга шахсга сотмоқчи бўлгани аниқланган. Трибунал жавобгарнинг ҳаракатларида виждонсизлик аломатлари мавжуд деб топган, лекин виждонсизлик билан рўйхатдан ўтказиш фактининг йўқлиги доменни даъвогарга бериш рад этилишига сабаб бўлган.

Домен номларига бўлган ҳуқуқ эгаларига қарашли ҳуқуқлар ҳажмини Бутунжаҳон Интеллектуал мулк ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган домен номларига доир низоларни кўриб чиқиш Сиёсати ва Қоидаларига мувофиқ таҳлил қилиш қуйидаги хулосаларга келиш имкониятини беради.

Биринчи – ўзга шахснинг товар белгиси билан мувофиқ келувчи домен номини рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланиш доменни товар белгисига бўлган ҳуқуқ эгасига бериш учун мутлақ асос ҳисобланмайди.

Иккинчи – UDRP доирасида қарор чиқариш учун домендан фойдаланиш усули эмас, балки уни рўйхатдан ўтказишдан кўзланган мақсад биринчи даражали аҳамият касб этади.

Учинчи – Тартиб-таомилларнинг муайян мамлакат миллий қонунчилиги нормаларидан фарқлари унга халқаро амалиётда ҳам универсал тус беради.

Тўртинчи – UDRP тартиб-таомилларининг универсаллиги товар белгиси эгаси ҳуқуқларини доменни рўйхатдан ўтказишнинг виждонлилиги принципига мувофиқ кўриб чиқиш ва аниқлаш имкониятини беради.

Бошқа томондан, Сиёсат домен номини рўйхатдан ўтказишнинг виждонлилигига эътиборни қаратган ҳолда, товар белгисини рўйхатдан ўтказишнинг виждонлилигига лозим даражада эътибор бермайди. Бундай камчилик миллий қонунчиликда ҳам мавжуд. У қонун даражасида бартараф этилиши лозим.

Юқоридагилар билан бир қаторда, товар белгиси рўйхатдан ўтказилишидан олдин рўйхатдан ўтказилган домен номи ўртасида ҳам халқаро миқёсда кўп низолар вужудга келмоқда. Кўп ҳуқуқшунослар таъкидлашича бу ҳолат домен номи эгаси фойдасига хал қилиниши керак бўлган низо, лекин бу ҳолат ҳеч қандай қонунчиликда акс эттирилмаганлиги ҳамда товар белгиси давлат рўйхатида туриши унга кўпроқ устунлик берилишига олиб келмоқда.

Айнан юқорида кўрсатилган ҳолатга асосланган низо Россия Федерацияси судида кўриб чиқилди. Бу ишда “Интер Электрик” МЧЖ даъво ариза билан судга мурожаат қилиб, унга тегишли бўлган товар белгиси (“INTER ELECTRIC”) домен номи сифатида ноқонуний фойдаланилаётганлигини кўрсатган. Бу ишдаги мураккаб домен номининг товар белгисидан олдинроқ рўхатга олинганлигида бўлди.

Суд бу ишни кўриб чиқиб, “Интер Электрик” МЧЖ фойдасига қарор чиқарган ва INTERELEKTRIK.RU домен номи эгасининг домен номига бўлган ҳуқуқларини бекор қилган. Бу ҳол Россия қонунчилигига асосан домен номи индивидуализация воситаси бўлиб ҳисобланмаслиги (интеллектуал мулк объекти эмаслиги) ҳамда қонунчиликда домен номининг товар белгисидан устунлиги кўрсатилмаганлиги, аксинча товар белгиси устунлиги мавжудлиши билан белгиланади.

Кўриб чиқилган ҳолатлар шундан далолат берадики, домен номи эгалари ҳуқуқлари ҳар доим ҳам тўғри ва ижобий ھимоя қилинмайди. Бу албатта давлатларнинг миллий қонунчиликдаги камчиликлари билан изоҳланади ва шундай камчиликлар ҳозирда қонунчиликни такомиллаштиришда мамлакатимизда эътиборга олиниши лозим деб ҳисобланади.

Бундай камчиликларни бартараф этишда, бизнинг фикримизча, қонун ёки қонун ости ҳужжатларида, домен номини рўйхатдан ўтказган шахс унга бўлган тўлиқ ҳуқуқларни қўлга киритиши; домен номини рўйхатдан ўтказиш вақтида шундай ном (товар белгиси, фирма номи ва х.к.) давлат рўйхатидан ўтказилган ёки патентга эга бўлса, ушбу ном эгаси рўйхатдан ўтказилган доменга эгалик қилиш ва суд орқали талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиши, лекин ушбу ном домен номига эгалик бошланганидан кейин рўйхатдан ўтказилган бўлса шундай ном (товар белгиси, фирма номи ва х.к.) эгаси домен номини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмаслиги; домен номига бўлган ҳуқуқ эгаси, домен номи биринчи ҳолда кўрсатилган равишда талаб этилган тақдирда, домен номини рўйхатдан ўтказганлик ҳаққини талаб қилишга ҳақли бўлиши, иккинчи ҳолда эса домен номини ھимоя

¹ Ўша жойда.

қилиши ёки ихтиёрий равишда сотиш ҳуқуқига эга бўлиши белгиланиши керак ва бундай нормалар вужудга келадиган низоларни самарали ҳал қилинишига олиб келади.

Ҳозирги вақтда кўплаб адаштириб юбориш даражасидаги ўхшаш доменларни рўйхатдан ўтказиб фойдаланиш ҳоллари кенг учрайди, бунда кўпинча асосий домен номининг обрўсидан фойдаланиш мақсади ётади. Шундай ҳолларни олдидан олиш мақсадида, хорижий ижобий тажрибадан фойдаланиб адаштириб юбориш даражасидаги ўхшаш доменларни рўйхатдан ўтказишни таъқиқлаш ёки асосий домен номи эгасига зарар етказаетганлиги аниқланса шундай доменни рўхатдан ўчириш зарурлиги белгиланиши лозим. Бунда адаштириб юбориш даражасидаги ўхшаш доменларга нисбатан қуйидаги ёндашув умум эътироф этилган: низо чиққан тақдирда, агар домен маъмури билан товар белгисининг эгаси ўртасида алоқа мавжуд деб тахмин қилиш эҳтимоли кучли бўлса, домен номи ўз-ўзидан адаштириб юбориш даражасида ўхшаш деб ҳисобланади.